



мухтасар ЭЪТИҚОД

Қуръони карим ва сара суннат асосида

Доктор Аҳмад ибн Абдурраҳмон Қозий

العقيدة الميسرة

من الكتاب العزيز والسنة المطهرة

أ. د. أحمد بن عبدالرحمن القاضي



Мухтасар эътиқод Қуръони карим ва сара суннат асосида

Аҳмад ибн Абдурраҳмон Қозий

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Бисмиллаҳир
роҳманир роҳийм

<u>Муқаддима</u>	<u>7</u>
<u>Қуръони карим ва сара суннат асосида мухтасар эътиқод</u>	<u>13</u>
<u>Аллоҳ таолога иймон келтириш</u>	<u>14</u>
<u>Фаришталарга иймон келтириш</u>	<u>65</u>
<u>Самовий китобларга иймон келтириш</u>	<u>77</u>
<u>Пайғамбарларга иймон келтириш</u>	<u>85</u>
<u>Охират кунига иймон келтириш</u>	<u>93</u>
<u>Тақдирга иймон келтириш</u>	<u>101</u>
<u>Қуръони карим</u>	<u>109</u>
<u>Аллоҳни кўриш</u>	<u>113</u>
<u>Иймон ҳақиқати</u>	<u>115</u>
<u>Имомлик (раҳбарлик) ва жамоат</u>	<u>123</u>
<u>Саҳобалар</u>	<u>127</u>
<u>Авлиёлар</u>	<u>135</u>
<u>Далил ва ҳужжатларни келтиришда кенг қамровли асослар (манбалар)</u>	<u>137</u>
<u>Эътиқодни мустаҳкамлайдиган нарсалар</u>	<u>139</u>
<u>Дин ва тариқат</u>	<u>143</u>



Муқаддима

Барча ҳамдлар Аллоҳга махсусдир. Биз Унга ҳамду сано ва истиғфорлар айтиб, Ундан ёрдам сўраб, нафсимизнинг шумлиги ва амалларимизнинг ёмонлигидан паноҳ сўраймиз. Аллоҳ ҳидоят қилган кимсани адаштирувчи, адаштирган кимсани эса тўғри йўлга ҳидоят қилувчи йўқдир.

Мен, қуйидаги оятларни айтган шериксиз, ягона Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, деб гувоҳлик бераман:

﴿ هُوَ الَّذِي بَعَثَ فِي الْأُمِّيِّينَ رَسُولًا مِنْهُمْ يَتْلُو عَلَيْهِمْ آيَاتِهِ وَيُزَكِّيهِمْ وَيُعَلِّمُهُمُ الْكِتَابَ وَالْحِكْمَةَ وَإِنْ كَانُوا مِنْ قَبْلُ لَفِي ضَلَالٍ مُبِينٍ ﴾

«У (Аллоҳ) омийлар (яъни, аҳли китоб бўлмаган илмсиз кишилар) орасига ўзларида бўлган, уларга (Қуръон) оятларини тиловат қиладиган, уларни (ширк ва жаҳолатдан) поклайдиган ҳамда уларга Китоб – Қуръон ва ҳикмат – ҳадисни ўргатадиган бир пайғамбарни (яъни, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни) юборган зотдир. Шак-шубҳасиз, улар (ўзларига пайғамбар келишдан) илгари очиқ залолатда эдилар» (Жумъа, 2).

Мен Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Аллоҳнинг қули ва элчиси эканига гувоҳлик бераман. Аллоҳ уни жўнатиш билан бандаларига лутф айлади. Аллоҳ таоло айтди:

﴿ لَقَدْ مَنَّ اللَّهُ عَلَى الْمُؤْمِنِينَ إِذْ بَعَثَ فِيهِمْ رَسُولًا مِنْ أَنْفُسِهِمْ يَتْلُو عَلَيْهِمْ آيَاتِهِ وَيُزَكِّيهِمْ وَيُعَلِّمُهُمُ الْكِتَابَ وَالْحِكْمَةَ وَإِنْ كَانُوا مِنْ قَبْلُ لَفِي ضَلَالٍ مُبِينٍ ﴾

«Албатта, Аллоҳ мўминларга ўзларидан бўлган (яъни, одам жинсидан бўлган), уларга Аллоҳнинг оятларини тиловат қиладиган, (гуноҳларидан) поклайдиган ҳамда уларга Китоб ва ҳикматни ўргатадиган пайғамбарни юбориш билан яшилик қилди. Зеро, улар илгари очиқ хато – залолатда эдилар» (Оли Имрон, 164).

Сўнг ...

Аллоҳ таоло ўз пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни ҳидоят ва ҳақ дин билан, одамларни зулматлардан ёруғликка, очиқ залолатдан кўнгиллар ҳузури ва қалблар хотиржамлиги бўлган ҳидоятга олиб чиқиш учун юборди.

Дарҳақиқат, ҳидоят – фойдали илм, ҳақ дин эса, солиҳ амалдан иборатдир. Покиза ҳаёт, мана шу икки тамойилга асосланади.

Аллоҳ азза ва жалла Қуръони каримни бандалар эҳтиёж ҳис қилган бутун эътиқодлари, ибодатлари, муомалалари ва ахлоқларига кафил қилди. Сара суннат эса, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қуйидаги ҳадисларида ифодалаганларидек, (Қуръон оятларининг) мухтасарларини очиқлаш, тушуниши қийин бўлганларини изоҳлаш ва умумий айтилганларини батафсил баён қилиб келган: **«Унутмангларки, менга Қуръон ва Қуръонча (бошқа) ваҳийлар берилган».**⁽¹⁾

Ислом эътиқоди, нодир хусусиятларни ўз ичига олгани сабаб, Ислом динининг негизи, пойдевори, қуввати ва барча динлар устидан ғолиблигининг сиридир.

Ислом эътиқодининг нодир хусусиятларидан баъзилари қуйидагилардир:

- ◆ Биринчи: Аллоҳ таолони ибодат қилишда, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни эса эргашишда яктолаш.
- ◆ Иккинчи: чекланиш. Яъни, Ислом эътиқоди илоҳий манбадан келиб, Қуръон оятлари ва ҳадислардан нарига ўтмайди, бирон фикр ёки муқоясадан олинмайди.
- ◆ Учинчи: Ислом эътиқоди, шайтонлар ҳамласидан олдинги одамзотнинг соғлом фитратига мутаносибдир.
- ◆ Тўртинчи: Ислом эътиқоди шубҳа ва шаҳватлар гирдобига тушмаган соғлом ақлга мувофиқдир.
- ◆ Бешинчи: кенг қамровлилик. Ислом эътиқоди Коинот, ҳаёт ва одамзотнинг ҳар жиҳатини ўз ичига олиб, уни очиқлаб берган.
- ◆ Олтинчи: ўхшашлик. Ислом эътиқодининг бир қисми бошқа қисмини тасдиқлайди. Шунинг учун, унинг бўлаклари орасида ўзаро зиддият ва қарама-қаршилик йўқдир.
- ◆ Еттинчи: мўътадиллик. Ислом эътиқоди турли ўринларда меъёрдан ошиш ёки сустлик орасидаги мўътадиллик мезонидир.

(1) Миқдод ибн Маъди Якруб разияллоҳу анҳу ривояти. Абу Довуд (№ 4606).

Ушбу хусусиятлар қуйидаги самараларни берди:

- ❖ Биринчи: оламлар Парвардигорига ибодат қилишни рўёбга чиқариш ва махлуқларга бўлган қулликдан озод бўлиш.
- ❖ Иккинчи: барча оламлар Парвардигорининг элчисига эргашишни рўёбга чиқариш ҳамда бидъат ва бадъатчилардан узоқлашиш.
- ❖ Учинчи: бошқарувчи, ҳаким, яратувчи зотга боғланиш билан руҳий ҳузур ва кўнгил хотиржамлигига эришиш.
- ❖ Тўртинчи: фикрий қаноат, ақлий изланиш ҳамда зиддият ва хурофотлардан саломат бўлиш.
- ❖ Бешинчи: бадан ва руҳ эҳтиёжларига жавоб бериш ҳамда эътиқод ва сулук ўртасидаги ҳамжиҳатлик.

Ислом уммати ичидан етишиб чиққан уламолар эътиқод мавзусига катта эътибор бериб, уни ўргатиш ва барқарор қилиш учун бор кучларини сарфлаб, мухтасар матнлар-рисолалар ва гоҳида, аҳли суннат ва жамоатнинг мухтасар эътиқоди, гоҳида муайян мавзуни, баъзида эса нафсу ҳавосига қул ва адаштирувчи бидъатларга муккасидан кетганларга раддиялар бериш учун узундан узун шарҳлар ёзиб, қалам тебратганлар.

Мен ҳам, фақатгина икки ваҳий – Қуръони карим ва Пайғамбар суннати матнларига таяниб, Жибрил алайҳиссаломнинг машҳур ҳадисида зикр қилинган иймоннинг олти асосини тартиблаган пайғамбарона услуб асосида эътиқод масалаларини осонлаштириш ва тартиблашни мақсад қилдим ва ҳар бир асос остига улар ўз ичига олган маъноларни ёзиб, бу бобда адашган кимсаларни очиқлаб, уларни қораламай, раддиялар ёздим.

Натижада, узун ва мухтасарлик оралиғидаги рисола юзага келди. Бу рисола муслмонлар фойдаланиши ва салаф солиҳ эътиқодини осон иборалар ҳамда мавзулар тартиби билан мақсадни англашга қодир бўладиган қулайлик ва очиқлик билан (шу мавзудаги бошқа рисолалардан) ажралиб турди.

Ушбу рисоламни: «**Қуръони карим ва сара суннат асосида мухтасар эътиқод**», деб атадим.

Аллоҳ таолодан ушбу амалимни Ўзи учун холис, бандалари учун фойдали қилишини сўрайман. Аллоҳ таоло пайғамбаримиз Муҳаммад ибн Абдуллоҳга, унинг оиласи ва барча асҳобларига салавоту саломлар йўлласин!

Омийн!

Доктор Аҳмад ибн Абдурраҳмон Қозий

Саудия Арабистони Қироллиги, Қасийм Дорулфунуни, Шариат ва Исломиёй фанлар факультети катта ўқитувчиси

Электрон хатқути:

al-aqida@al-aqiath.com

qadisa@yahoo.com

Хатқути 246. Унайзадаги хатқути 51911



Қуръони карим ва сара суннат асосида мухтасар эътиқод

Ислом эътиқодининг асоси – Аллоҳ таолога, Унинг фаришталари, китоблари, элчилари, охират куни, тақдирнинг яхши ва ёмони Аллоҳ таолодан деб билишга иймон келтиришдир.

Аллоҳ таоло айтди:

﴿ وَلَكِنَّ الْبِرَّ مَنْ آمَنَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ وَالْمَلَائِكَةِ وَالْكِتَابِ وَالنَّبِيِّينَ ﴾

«Юзларингизни Машриқ ва Мағриб томонларига бураверишингиз яхшилик эмас, балки Аллоҳга, охират кунига, фаришталарга, китобларга, пайғамбарларга иймон келтирган (кишининг иймони яхшиликдир)» (Бақара, 177);

﴿ آمَنَ الرَّسُولُ بِمَا أُنزِلَ إِلَيْهِ مِنْ رَبِّهِ وَالْمُؤْمِنُونَ كُلٌّ آمَنَ بِاللَّهِ وَمَلَائِكَتِهِ وَكُتُبِهِ وَرُسُلِهِ ﴾

«Пайғамбар ўзига Парвардигоридан нозил қилинган нарсага иймон келтирди ва мўминлар (ҳам иймон келтирдилар). Аллоҳга, фаришталарига, китобларига ва пайғамбарларига иймон келтирган ҳар бир киши (айтди): «Унинг пайғамбарларидан бирон кишини ажратиб қўймаймиз»» (Бақара, 285);

﴿ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا آمِنُوا بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ وَالْكِتَابِ الَّذِي نَزَّلَ عَلَىٰ رَسُولِهِ وَالْكِتَابِ الَّذِي أَنْزَلَ مِنْ قَبْلُ وَمَنْ يَكْفُرْ بِاللَّهِ وَمَلَائِكَتِهِ وَكُتُبِهِ وَرُسُلِهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ فَقَدْ ضَلَّ سَلِيلًا بَعِيدًا ﴾

«Эй мўминлар, Аллоҳга, Унинг пайғамбарига ва шу пайғамбарига нозил қилган Китобига ҳамда илгари нозил бўлган Китобларига иймонингиз комил бўлсин. Кимки Аллоҳга, фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига ва охират кунига ишонмаса, демак, у жуда қаттиқ адашибди» (Нисо, 136);

﴿ إِنَّا كُلَّ شَيْءٍ خَلَقْنَاهُ بِقَدَرٍ ﴾

«Албатта Биз ҳар бир нарсани (аниқ) ўлчов билан яратдик» (Қамар, 49).

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам иймон ҳақида сўраган Жибрил алайҳиссаломга шундай жавоб берган эдилар:

«(Иймон) – Аллоҳга, Унинг фаришталари, китоблари, элчилари, Охират куни, тақдирнинг яхши ва ёмонига ишонингиздир»⁽²⁾.

(2) Умар разияллоҳу анҳу ривояти. Имом Муслим (№ 8).

Аллоҳ таолога иймон келтириш

Аллоҳ таолога бўлган иймон – Аллоҳ таолонинг борлиги, барча махлуқотларнинг парвардигори экани, ибодат қилинишга ёлғиз Ўзигина лойиқ экани, баркамоллик сифатлари билан сифатланиб, нуқсонлик сифатларидан пок эканига қатъий эътиқод қилиш, демакдир.

Аллоҳ таолога бўлган иймон тўрт нарсани ўз ичига олади:

❖ **Биринчи: Аллоҳ таолонинг борлигига ишониш.**

Аллоҳ таолонинг борлиги очик ҳақиқатдир:

﴿ ذَٰلِكَ بِأَنَّ اللَّهَ هُوَ الْحَقُّ وَأَنَّ مَا يَدْعُونَ مِنْ دُونِهِ هُوَ الْبَاطِلُ وَأَنَّ اللَّهَ هُوَ الْعَلِيُّ الْكَبِيرُ ﴾

«Бунга сабаб Аллоҳнинг Ўзигина ҳақиқий Илоҳ экани ва сизлар Уни қўйиб илтижо қилаётганлар эса ботилнинг ўзи экани, ҳамда, шак-шубҳасиз, Аллоҳ Ўзигина энг юксак ва буюк зот эканлигидир» (Ҳаж, 62).

Аллоҳнинг борлиги ҳақида шубҳаланиш, бўҳтон ва тухматдир:

﴿ قَالَتْ رُسُلُهُمْ أَلِيَّ اللَّهُ شَكَّ فَاطِرِ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ يَدْعُوكُمْ لِيَغْفِرَ لَكُمْ مِنْ ذُنُوبِكُمْ وَيُؤَخَّرَكُمْ إِلَىٰ أَجَلٍ مُّسَمًّى ﴾

«Пайғамбарлари айтдилар: «Осмонлар ва Ернинг яратувчиси бўлмиш Аллоҳ(нинг борлиги ва бирлиги) хусусида шак-шубҳа бўлиши мумкинми?! У зот сизларнинг гуноҳларингизни мағфират қилиш ва ўзларингизни маълум муддатгача (ҳалок қилмай) қолдириш учун (иймонга) даъват қилмоқда-ку!»» (Иброҳим, 10).

Аллоҳнинг борлигини инкор қилиш мутакаббирлик, зулм ва куфрдир:

﴿ قَالَ لَقَدْ عَلِمْتَمَا أَنْتَ لَهُلَاءِ إِلَّا رَبُّ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ بَصَائِرَ وَإِنِّي لَأُتِنُّكَ يَا فِرْعَوْنُ مَثْبُورًا ﴾

«(Мусо) деди: «(Эй Фиръавн), сен анави очик-равшан (мўъжизаларни) фақат осмонлар ва Ернинг Парвардигоригина нозил қилганини аниқ билурсан. Ҳеч шубҳа йўқки, эй Фиръавн, мен сени ҳалок қилингувчи, деб ўйламоқдаман»» (Исро, 102);

﴿ قَالَ فِرْعَوْنُ وَمَا رَبُّ الْعَالَمِينَ • قَالَ رَبُّ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَمَا بَيْنَهُمَا إِنَّ كُنْتُمْ مُّؤْمِنِينَ • قَالَ لِمَنْ حَوْلَهُ أَلَا تَسْتَمِعُونَ • قَالَ رَبُّكُمْ وَرَبُّ آبَائِكُمُ الْأُولِينَ • قَالَ إِنَّ رَسُولَكُمْ الَّذِي أُرْسِلَ إِلَيْكُمْ لَمَجْنُونٌ • قَالَ رَبُّ الْمَشْرِقِ وَالْمَغْرِبِ وَمَا بَيْنَهُمَا إِنَّ كُنْتُمْ تَقُولُونَ • قَالَ لَيْنَ اتَّخَذَتْ إِهْمَا غَيْرِي لَأَجْعَلَنَّكَ مِنَ الْمَسْجُونِينَ ﴾

«Фиръавн деди: «Барча оламларнинг Парвардигори (деганинг) нимаси яна?». (Мусо) айтди: «У агар ишонадиган бўлсанглар, осмонлар ва Ернинг ҳамда уларнинг орасидаги барча нарсаларнинг Парвардигори – ҳожасидир». (Фиръавн) атрофидаги (аъёнлар)ига: «Қулоқ солмайсизларми?», деб (масхара қилди).

(Мусо) айтди: «У сизларнинг ҳам, ўтган ота-боболарингизнинг ҳам Парвардигоридир». (Фиръавн) деди: «Сизларга элчи қилиб юборилган бу пайғамбарингиз шак-шубҳасиз жиннидир». (Мусо) айтди: «Агар ақл юргизувчи бўлсангизлар, У машриқ ва мағрибни ҳамда уларнинг ўртасидаги бор нарсаларнинг Парвардигоридир». (Фиръавн) деди: «Қасамки, агар сен мендан ўзгани илоҳ қилиб оладиган бўлсанг, албатта мен сени зиндонбанд кимсалардан қилиб қўюрман!»» (Шуаро, 23 – 29).

Аллоҳ таолонинг борлигига бир неча нарса далолат қилади.

Шулардан баъзилари:

1. Соғлом фитрат.

Соғлом фитрат – одамзотга таълим берилмасдан табиат қилинган хилқатдир.

Аллоҳ таоло айтди:

﴿ فَأَقِمْ وَجْهَكَ لِلدِّينِ حَنِيفًا فِطْرَتَ اللَّهِ الَّتِي فَطَرَ النَّاسَ عَلَيْهَا لَا تَبْدِيلَ لِخَلْقِ اللَّهِ ذَلِكَ الدِّينُ الْقَيِّمُ وَلَكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ ﴾

«Бас, (эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), ўзингизни доимо тўғри бўлган динда (Исломда) тутинг! Аллоҳ инсонларни яратган табиий хилқатни сақлангиз! Аллоҳнинг яратиши ўзгартирилмас. Энг тўғри дин мана шудир. Лекин кўп одамлар билмаслар» (Рум, 30).

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар:

«Ҳар бир чақалоқ фитрат узра туғилади. Ота-онасигина уни яхудий, насроний ёки мажусий қилиб тарбиялайди» (Имом Бухорий ривояти).

Имом Муслим келтирган ҳадисда эса: **«Ҳар бир чақалоқ шу миллат узра дунёга келади»**, дейилган. Имом Муслимнинг бошқа бир ривоятида: **«Ҳар бир туғилган чақалоқ шу миллат узра дунёга келади ва тили (ичидаги дунёқарашини) очиқлагунигача (шу миллат узра) қолади»**, дейилган. Бошқа бир ривоятида эса: **«Ҳар бир туғилган чақалоқ шу фитрат узра тили (ичидаги дунёқарашини) талаффуз қилгунича қолади»**, дейилган⁽³⁾.

(3) Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривояти. Имом Бухорий (№ 1385) ва Имом Муслим (№ 2658).

Ўзининг асл хилқати узра қолган ҳар бир мавжудот, кўнглида Аллоҳга бўлган иймонни топади. Бу фитратни бузадиган нарсалар қопласагина, иймонни топа олмаслиги мумкин. Аллоҳ таоло қудсий ҳадисда шундай дейди:

«Мен бандаларимни ҳақ дин узра яратдим. Уларнинг олдига шайтонлар келиб, динларидан чалғитдилар»⁽⁴⁾.

Гоҳида, хилқат устини шубҳа ва шаҳват моғорлари қопласада, фитрат оғир ва машаққатли лаҳзаларда ўз ҳақиқатини намоён қилади. Аллоҳ таоло айтди:

﴿ فَإِذَا رَكِبُوا فِي الْفُلِكِ دَعَاوُا اللَّهَ مُخْلِصِينَ لَهُ الدِّينَ فَلَمَّا نَجَّاهُمْ إِلَى الْبَرِّ إِذَا هُمْ يُشْرِكُونَ ﴾

«Қачон улар кемага минсалар (фарқ бўлишдан кўрқиб) Аллоҳга чин ихлос билан дуо-илтижо қилурлар. Энди қачонки (Аллоҳ) уларга нажот бериб қуруқликка (чиқаргач), баногоҳ улар (Аллоҳга) ширк келтирурлар!» (Анкабут, 65).

2. Соғлом ақл.

Яъни, шубҳалар ва нафс истакларидан холи бўлган ақл. Бундай ақл махлуқотларнинг Яратгувчиси бор эканига қатъий ишонади. Чунки махлуқотлар Яратгувчисиз тасодифан пайдо бўлиши, ёки ўзини ўзи яратиб олиши мумкин эмас. Ҳолбуки, йўқ нарса бор нарсани ярата олмайди. Шундай экан, бор қилгучи Холиқ – Аллоҳ таолонинг бўлиши шартдир!

Ҳануз мушрик экан, Бадр ғазотида қўлга тушган асирларни товон тўлаш бадалига озод қилиш учун (Мадинага) келган Мутъим ибн Жубайр Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шом намозида Тур сурасини ўқиётганларини тинглади ва:

﴿ أَمْ خُلِقُوا مِنْ غَيْرِ شَيْءٍ أَمْ هُمُ الْخَالِقُونَ • أَمْ خَلَقُوا السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضَ بَلْ لَا يُوقِنُونَ • أَمْ عِنْدَهُمْ خَزَائِنُ رِزْقِ رَبِّكَ أَمْ هُمُ الْمُصِيطِرُونَ ﴾

«Балки улар ҳеч нарсадан (яъни, Яратгувчисиз) яралиб қолгандирлар?! Ёки улар ўзлари яратгувчимиканлар-а?! Балки осмонлар ва Ерни ҳам улар яратгандирлар?! Йўқ, улар ишонмаслар! Балки уларнинг ҳузурларида Парвардигорингизнинг хазиналари бордир?! Ёки улар (бутун борлиқни) бошқариб тургувчимиканлар-а?!» (Тур, 35 - 37) оятига етиб келганларида, (ўзи айтганидек) “юраги ўйнаб кетди”⁽⁵⁾. Бу унинг қалбига иймон кирган илк лаҳзалар эди.

(4) Иёз ибн Ҳимор Мужошиъий разияллоху анҳу ривояти. Имом Муслим ривояти (№ 2865).

(5) Имом Бухорий ривояти (№ 3050, 4023, 4854).

Арабларнинг жоҳилият давридаги воизи Қус ибн Соида ҳам соғлом фикрлаш қобилиятини ҳужжат қилиб шундай деган эди: «Қумалоқ – туяга, из – юришга далолат қилса, юлдузли осмон ва дараларга мўл Ер (барча нарсадан) Хабардор Яратгувчига далолат қилмайдими?!».

3. Хис қилиш аъзолари.

Аллоҳ таоло айтди:

﴿ سَتُرِيهِمْ آيَاتِنَا فِي الْأَفَاقِ وَفِي أَنْفُسِهِمْ حَتَّىٰ يَتَبَيَّنَ لَهُمْ أَنَّهُ الْحَقُّ ﴾

«Токи уларга (ушбу Қуръон ростдан ҳам Аллоҳ томонидан нозил қилинган) Ҳақ (Китоб) эканлиги аниқ маълум бўлгунича албатта Биз уларга атроф-офоқдаги ва ўз вужудларидаги (Бизнинг борлигимиз ва қудратимизга далолат қиладиган) оят-аломатларимизни кўрсатажакмиз» (Фуссилат, 53).

Оят-аломатлар хилма-хил бўлиб, баъзилари пайғамбарлар мўъжизаси, баъзилари солиҳ ва авлиёларнинг каромати, айримлари эса дуоғўйлар тилагининг ижобатидир.

Аллоҳ таоло элчиси бўлмиш Нух алайҳис-солату вас-салом ҳақида шундай дейди:

﴿ فَدَعَا رَبَّهُ أَنِّي مَغْلُوبٌ فَانتَصِرْ • فَفَتَحْنَا أَبْوَابَ السَّمَاءِ بِمَاءٍ مُنْهَمِرٍ • وَفَجَرْنَا الْأَرْضَ عُيُونًا فَالْتَمَى الْمَاءُ عَلَىٰ أَمْرٍ قَدْ قُدِرَ • وَحَمَلْنَاهُ عَلَىٰ ذَاتِ الْأَوَاحِ وَدُسُرٍ • تَجْرِي بِأَعْيُنِنَا جَزَاءَ لِمَنْ كَانَ كُفِرَ ﴾

«Шунда у Парвардигорига: «Мен (у кофир қавмимдан) мағлубдирман. Ўзинг ёрдам қилгин», деб дуо-илтижо қилган эди. Биз осмон дарвозаларини (тинимсиз) қуйилгувчи сув – сел билан очиб юбордик. Ва барча ердан чашмалар чиқариб юбордик. Бас, (осмон ва Ернинг) суви тақдир қилиб қуйилган бир иш (яъни, кофирларни ғарқ қилиб юбориш) устида учрашдилар! Уни (Нухни) эса тахтаю михлар эгасида (яъни, тахталар ва михлардан ясалган бир кемада) кўтардик. У (кема) Бизнинг кўз ўнгимизда (ҳифзу ҳимоямизда) сузар. (Бу ўз қавми томонидан пайғамбарлиги) инкор қилинган киши (яъни, Нух пайғамбар) учун мукофотдир» (Қамар, 10 - 14).

Аллоҳ таоло айтди:

﴿ فَأَوْحَيْنَا إِلَىٰ مُوسَىٰ أَنْ اضْرِبْ بِعَصَاكَ الْبَحْرَ فَانفَلَقَ فَكَانَ كُلُّ فِرْقٍ كَالطَّوْدِ الْعَظِيمِ • وَأَرْزَلْنَا تَمَّ الْآخِرِينَ • وَأَنْجَيْنَا مُوسَىٰ وَمَنْ مَعَهُ أَجْمَعِينَ • ثُمَّ أَغْرَقْنَا الْآخِرِينَ • إِنَّ فِي ذَٰلِكَ لَآيَةً وَمَا كَانَ أَكْثَرُهُمْ مُؤْمِنِينَ ﴾

«Бас, Биз Мусога: (Асоинг билан) денгизни ургин», деб ваҳий юбордик. Бас (денгиз) бўлиниб, ҳар бир бўлак (сув) баланд тоғ

каби бўлди. (Сўнг Мусо ва унинг қавми денгиз ўртасидан очилган йўлга тушдилар.) **Ва кейингиларни** (яъни, Фиръавн ва унинг қўшинини ҳам) **ўша** (йўлга) **яқин қилдик.** **Ва Мусо ҳамда у билан бирга бўлган кишиларнинг барчаларига нажот бердик.** **Сўнгра кейингиларни** (денгизга) **ғарқ қилиб юборди.** **Албатта бунда** (Фиръавн ва унинг қавми ҳалокатида) **оят-ибрат бордир.** (Лекин одамларнинг) **кўплари иймон келтиргувчи бўлмадилар»** (Шуъаро, 63 - 67).

Аллоҳ таоло пайғамбари Ийсо алайҳис-солату вас-салом ҳақида шундай деди:

﴿وَرَسُولًا إِلَىٰ بَنِي إِسْرَائِيلَ أَنِّي قَدْ جِئْتُكُمْ بِآيَةٍ مِنْ رَبِّكُمْ أَنِّي أَخْلُقُ لَكُمْ مِنَ الطَّيْرِ طَيْرًا فَأَنْفِخُ فِيهِ فَيَكُونُ طَيْرًا بِإِذْنِ اللَّهِ وَأُبْرِئُ الْأَكْمَةَ وَالْأَبْرَصَ وَأُخِي الْمَوْتَىٰ بِإِذْنِ اللَّهِ وَأُنَبِّئُكُمْ بِمَا تَأْكُلُونَ وَمَا تَدَّخِرُونَ فِي بُيُوتِكُمْ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَةً لِّكُمْ إِن كُنْتُمْ مُّؤْمِنِينَ﴾

«Ва унга (Ийсога) ёзиш ва ҳикмат илмини, Таврот ва Инжилни таълим беради ҳамда уни бани Исроил қавмига пайғамбар қилади. (Ийсо бани Исроилга дейди): **«Мен (ўзимнинг ҳақ пайғамбар эканлигим ҳақида) сизларга Парвардигорингиздан оят-далил келтирдим: Мен сизларга лойдан қуш тимсолини ясаб унга пуфласам, у Аллоҳнинг изни-иродаси билан ҳақиқий қуш бўлади. Ва яна кўр, пес касалларини тузата оламан ва Аллоҳнинг изни билан ўликларни тирилтираман ҳамда сизларга ейдиган ва уйларингизда сақлайдиган нарсаларингизни айтиб беришга қодирман. Агар мўмин бўлсангизлар, албатта бу ишларда сизлар учун аниқ оят-далиллар бордир»»** (Оли Имрон, 49).

Бунга ўхшаган ҳолат пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаётида ҳам рўй берган эди. Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қилади:

«Бир одам жума куни, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам тик туриб хутба қилаётган пайтларида, Дорул-Қазо томондаги дарвозадан масжидга кириб келди-да, ўтирмай Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг рўпарасига ўтиб: “Ё Расулуллоҳ, чорвалар ҳалок бўлди, (сувсизликдан) сафарларга чиқиш ҳам оқсади. Аллоҳга дуо қилсангиз, ёмғир ёғдирса!” – деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам икки қўлларини кўтариб: **«Аллоҳим, устимиздан ёмғир ёғдир! Аллоҳим, устимиздан ёмғир ёғдир! Аллоҳим, устимиздан ёмғир ёғдир!»** – дедилар».

Анас разияллоҳу анҳу айтади: Аллоҳ номига онт ичиб айтаманки, осмонда на булут ва на булут парчаси бор эди. Биз билан Салъ тоғи ўртасида на уй ва на ҳовли бор эди. Тоғнинг ортидан катталиги қалқондай бўлган булут кўринди ва осмоннинг ўртасига келиб, (атрофларга) ёйилиб, ёмғир қуя бошлади.

Аллоҳ номига онт ичиб айтаманки, бир ҳафта давомида Қуёш(нинг юзи)ни кўрмадик. (Бир ҳафта ўтганидан) кейин, жума куни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам тик туриб хутба қилар эканлар, бир одам ўша дарвозадан кириб келиб, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг рўпараларига туриб: “Ё Расулulloҳ, чорвалар ҳалок бўлди, (лойгарчилик сабабли) мусофирлар йўлга чиқа олишмади. Аллоҳга дуо қилсангиз, устимизга ёғдирмаса”, деди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қўлларини кўтариб: **«Аллоҳим, устимизга эмас, атрофларимизга ёғдир! Тепаликлар, қир-адирлар, сойларнинг ичи ва дарахтлар ўсадиган жойларга ёғдир!»** – дедилар.

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу айтади: “Булут силжиб, қуёш нурлари остида (масжиддан) чиқдик»⁽⁶⁾.

Аллоҳ таоло умумий қилиб шундай деди:

﴿أَمَّنْ يُجِيبُ الْمُضْطَرَّ إِذَا دَعَاهُ وَيَكْشِفُ السُّوءَ وَيَجْعَلُكُمْ خُلَفَاءَ الْأَرْضِ أَلَيْسَ اللَّهُ قَلِيلًا مَّا تَذَكَّرُونَ﴾

«Ёки музтар инсон дуо қилганида ижобат қиладиган, ёмонликларни кушойиш қиладиган ва сизларни Ер халифаси қиладиган ким?! Аллоҳ билан бирга яна бирон илоҳ борми?! Камдан-кам эслатма-ибрат олурсизлар!» (Намл, 62).

Талайгина одамлар идрок қилган пайғамбарлар мўъжизалари, дуогўйлар дуосининг ижобати, мусибатзадаларга берилган ёрдамлар сезиларли далиллар бўлиб, ўзларини жўнатган, дуоларини ижобат қиладиган, куч ва қувват берадиган Зотнинг борлигига аниқ гувоҳлик беради.

4. Ҳаққоний шариат

Ҳаққоний шариат – Қуръон ва саҳиҳ суннат нотиғидир.

Аллоҳ таоло айтди:

﴿أَفَلَا يَتَذَكَّرُونَ الْقُرْآنَ وَلَوْ كَانَ مِنْ عِنْدِ غَيْرِ اللَّهِ لَوَجَدُوا فِيهِ اخْتِلَافًا كَثِيرًا﴾

«Ахир улар Қуръон ҳақида фикр юритмайдиларми?! Агар у Аллоҳдан бошқа биров томонидан бўлса эди, унда кўп қарама-қаршиликлари топган бўлар эдилар-ку?!» (Нисо, 82);

(6) Муттафақун алайҳ. Имом Бухорий (№ 1014), Имом Муслим (№ 897) ривоятлари. “Салъ”: Мадинаи Мунавварадаги машҳур тоғ. “Қалқонга ўхшаган”: доирасимон. Қуртубий раҳимаҳуллоҳ: «Булутни қалқонга ўхшатиш, унинг қуюқлиги ва доирасимонлиги сабабли эди» – деди. Қаранг: «ал-Муфаҳҳим» 2/534, Ибн Ҳажар «Фатҳул Борий» 3/362, 363.

﴿ يَا أَيُّهَا النَّاسُ قَدْ جَاءَكُمْ بُرْهَانٌ مِنْ رَبِّكُمْ وَأَنْزَلْنَا إِلَيْكُمْ نُورًا مُبِينًا ﴾

«Эй одамлар, сизларга Парвардигорингиздан ҳужжат келди. Ва Биз сизларга равшан нурни нозил қилдик» (Нисо, 174);

﴿ يَا أَيُّهَا النَّاسُ قَدْ جَاءَكُمْ مَوْعِظَةٌ مِنْ رَبِّكُمْ وَشِفَاءٌ لِمَا فِي الصُّدُورِ وَهُدًى وَرَحْمَةٌ لِّلْمُؤْمِنِينَ ﴾

«Эй инсонлар, сизларга Парвардигорингиз томонидан панд-насихат, дилларингиздаги (бузуқ эътиқодлардан иборат) нарсаларга шифо ва иймон келтирган зотларга ҳидоят ва раҳмат (яъни, Қуръон) келди» (Юнус, 57);

﴿ أَوْيُمْ بِكُفْرِهِمْ أَنَا أَنْزَلْنَا عَلَيْكَ الْكِتَابَ يُتْلَىٰ عَلَيْهِمْ إِنَّ فِي ذَٰلِكَ لَرَحْمَةً وَذِكْرَىٰ لِقَوْمٍ يُؤْمِنُونَ ﴾

«Ахир уларга тиловат қилинаётган шу Китобни Биз сизга нозил қилганимиз улар учун етарли эмасми?! Албатта бу (Китоб)да иймон келтирадиган қавм учун раҳмат ва эслатма бордир» (Анкабут, 51).

Қуръони карим ўз ичига олган рўёбга чиққан ғайб хабарлари, соғлом эътиқод, одил шариат ва мустаҳкам ахлоқларнинг барчаси Аллоҳ таоло тарафидан бўлиб, махлуқлар тарафидан эмаслигига яққол далилдир.

Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таолонинг борлигини юракдан биронта одам инкор этмаган. Инкор этганлар ҳам ўтмиш ва ҳозирги кунимиздаги санокли худосизларгинадир. Улардан баъзилари (қуйидагилар)дир:

1. Даҳрийлар.

Бу гуруҳдаги одамлар оламнинг қадим ва абадий эканлигини айтаётган даҳрий файласуфлар бўлиб, уларга кунимизда «янги худосизлар» деб аталаётган тоифаларга ўхшайдилар.

Даҳрийлар шундай дейдилар:

﴿ مَا هِيَ إِلَّا حَيَاتُنَا الدُّنْيَا نَمُوتُ وَنَحْيَا وَمَا يُهْلِكُنَا إِلَّا الدَّهْرُ وَمَا هُمْ بِذٰلِكَ مِنْ عٰلَمٍ اِنْ هُمْ اِلَّا يَتَّبِعُونَ ﴾

«Улар (яъни, Қиёматни инкор қилгувчилар: «Ҳаёт) фақат дунёдаги ҳаётимиздир. (Баъзиларимиз) ўлиб, (бошқаларимиз) ҳаётга келаверамиз ва бизларни (Аллоҳ ўлдирмайди, балки) фақат замон (ўтиши)гина ўлдиради», дедилар. Улар фақат (шундай) гумон қилурлар холос» (Жосия, 24).

Улар: «Олам ўзи ҳаракат қилади. У азалда бўлган ва мангу қолади», деб гумон қиладилар ва: «Қоринлар (одамзотни) ҳаракатга келтиради, ер ютади. Бизни замонгина ўлдиради!» – дейдилар. Шундай қилиб, улар мавжудотни Холиқидан мосуво қилдилар. Аллоҳ таоло уларга ушбу ояти билан раддия берди:

﴿ وَمَا هُمْ بِهِ مِنْ عِلْمٍ ﴾

«Уларнинг ҳеч илми йўқ!» (Жосия, 54). Уларнинг ақл, нақл, туйғу ва хилқатдан илми йўқ. Улар айтаётган нарса тахмин ва хаёлдан бошқа нарса эмас.

﴿ إِنَّ هُمْ إِلَّا يَطْنُونَ ﴾

«Улар гумон қиляптилар, холос!» (Жосия, 54).

2. Табиатпарастлар.

Табиатпарастлар «Олам табиатнинг яратиши билан вужудга келган», деб эътиқод қиладилар. Яъни, наботот ёки ҳайвонот ёхуд тоғу тошлар ва уларнинг хоссалари ва ҳаракатларини уларнинг ўзлари яратдилар, демоқчи бўлишади! Уларга қилинадиган раддия ҳам мантиқлидир: бир нарсанинг бир вақтнинг ўзида ҳам Ярутувчи ва ҳам яралмиш бўлиши мумкин эмас. Аллоҳ таоло шундай деган:

﴿ أَمْ خُلِقُوا مِنْ غَيْرِ شَيْءٍ أَمْ هُمُ الْحَاقِقُونَ ﴾

«Балки улар ҳеч нарсадан (яъни, Яратувчисиз) яралиб қолгандирлар?! Ёки улар ўзлари яратувчимиканлар-а?!» (Тур, 35).

Улар ижодкорлик нисбатини беришаётган табиат кўр, кар, соқов, туйғу ва ҳиссиётлари бўлмаган жонсиз нарсалар мажмуасидир. Шундай экан, у қандай қилиб эшитадиган, кўрадиган, гапирадиган, ҳис қиладиган, алам ва орзуларни ҳис қиладиган тирик махлуқотни вужудга келтириши мумкин?! Ахир, муайян бирон нарсаси бўлмаган зот, қандай қилиб ўша нарсани бера олсин!

3. Тасодифчилар.

Тасодифчилар “Коинот, фақат тасодифлар йўли билан пайдо бўлган”, дейдилар. Яъни, зарра ва бўлақларнинг бирлашиши тасодиф йўли билан ҳаёт ҳамда турли мавжудотларнинг пайдо бўлишига олиб келган, бунда олдиндан ҳеч қандай режа тузилмаган ва аниқлик бўлмаган. Бундай иддаони тасаввур қилишнинг ўзи уни бекор қилиш ва эътиборсизлантириш учун етарлидир. Чунки, яратишнинг пухталиги, ҳайратомуз тузилиши, давомий қонуниятлар ва мутаносиблик асосида давом этиши, тасодифлик даъвосини бекор қилади. Аллоҳ таоло айтди:

﴿ صُنِعَ اللَّهُ الَّذِي أَنْتَقَنَ كُلَّ شَيْءٍ ﴾

«(Бу) барча нарсани пухта қилган зот – Аллоҳнинг ҳунаридир» (Намл, 88);

﴿ اللَّهُ الَّذِي خَلَقَ سَمَوَاتٍ وَمِنَ الْأَرْضِ مِثْلَهُنَّ يَتَنَزَّلُ الْأَمْرُ بَيْنَهُنَّ لِتَعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ وَأَنَّ اللَّهَ قَدْ أَحَاطَ بِكُلِّ شَيْءٍ عِلْمًا ﴾

«Аллоҳ етти осмонни ва Ердан ҳам ўшаларнинг мислини (яъни, етти қават Ерни) яратган зотдир. (Аллоҳнинг) амри фармони уларнинг (яъни, етти қават осмон ва етти қават Ернинг) ўртасига нозил бўлиб-тарқалиб турур. Токи сизлар Аллоҳнинг барча нарсага қодир эканлигини ва Аллоҳ барча нарсани (Ўз) билими билан ихота қилиб олганини билишларингиз учун (У зот сизларга юқорида зикр қилинган нарсалар ҳақида хабар берди)» (Талоқ, 13).

4. Коммунистлар.

Коммунистлар Карл Маркс издошлари бўлиб, “Худо йўқ ва ҳаёт моддадан иборатдир”, деб тасаввур қиладилар. Улар ўз давлатлари – Совет Иттифоқини ушбу чуқур жарлик ва ботил эътиқод асосига тикладилар, бироқу, қисқа вақт ичида чўкиб, бир неча кичик давлатларга бўлиниб кетди.

5. Тарихда яшаб ўтган ва қонун қоидаларга амал қилмаган шахслар.

Булар Парвардигорнинг борлигини инкор қилиш билан машҳур бўлган ва:

﴿ وَمَا رَبُّ الْعَالَمِينَ ﴾

«Оламлар парвардигори ким?» (Шуаро, 23) ҳамда:

﴿ أَنَا رَبُّكُمُ الْأَعْلَى ﴾

«Мен сизларнинг улуғ парвардигорингизман» (Нозийот, 24) деган, ҳамда бу тасавурида давом этиб, худоликни иддао қилиб:

﴿ يَا أَيُّهَا الْمَلَأَ مَا عَلِمْتُ لَكُمْ مِّنْ إِلَهِ غَيْرِي ﴾

«Эй одамлар, мен сизлар учун ўзимдан бошқа бирон илоҳ борлигини билган эмасман» (Қасас, 38) деб, Мусо алайҳиссаломга:

﴿ لَئِن آخَذْتَ إِلَهًا غَيْرِي لَأَجْعَلَنَّكَ مِنَ الْمَسْجُونِينَ ﴾

«Қасамки, агар сен мендан ўзгани илоҳ қилиб оладиган бўлсанг, албатта мен сени зиндонбанд кимсалардан қилиб қўюрман!» (Шуъаро, 29) дея таҳдид қилган Фиръавн каби ёки:

﴿ إِذْ قَالَ إِبْرَاهِيمُ رَبِّيَ الَّذِي يُعْبَدُ قَالِ أَنَا أُخِي وَأُمِّيْتُ قَالَ إِبْرَاهِيمُ فَإِنَّ اللَّهَ يَأْتِي بِالشَّمْسِ مِنَ الْمَشْرِقِ فَأْتِ بِهَا مِنَ الْمَغْرِبِ فَبُهِتَ الَّذِي كَفَرَ وَاللَّهُ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الظَّالِمِينَ ﴾

«Иброҳим: «Парвардигорим тирилтириб, ўлдирадиган зотдир», деганида, у: «Мен (ҳам) тирилтираман ва ўлдираман», деди. Иброҳим айтди: «Албатта Аллоҳ қуёшни Машриқдан чиқаради. Сен уни Мағрибдан чиқаргин-чи?» Шунда бу инкор қилувчи довдираб қолди. Аллоҳ золим кимсаларни ҳидоят қилмайди» (Бақара, 258) деб, Иброҳим алайҳиссалом билан Парвардигори ҳақида тортишган Намруд каби одамлар.

Буларнинг ҳар бири ўз нафслари ва фитратларига зид ҳаракат қилган одамлардир. Уларнинг бу ишларига Қуръони карим қуйидаги ояти билан гувоҳлик бермоқда:

﴿ وَجَحَدُوا بِهَا وَاسْتَيْقَنَتْهَا أَنفُسُهُمْ ظُلْمًا وَعُلُوًّا فَانظُرْ كَيْفَ كَانَ عَاقِبَةُ الْمُفْسِدِينَ ﴾

«Ва ўзлари аниқ билган ҳолларида зулм ва кибр қилиб, у (мўъжизаларни) инкор этдилар. Энди (эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), у бузғунчи кимсаларнинг оқибати қандай бўлганини кўринг» (Намл, 14).

Шу боис уларнинг асослари ҳам, асарлари ҳам қолмади.

❖ **Иккинчи: Аллоҳ таолонинг рубубият-парвардигорлигига ишониш.**

Бу Аллоҳ таолонинг ўзигина Яратгучи, Эга, Буюрувчи Парвардигор эканига қатъий ишонишдир. «Парвардигор» сўзининг маъноси: бутун жаҳонга ўз неъматлари билан ғамхўрлик қилган бошқарувчи ва эга демақдир. Аллоҳ таоло айтди:

﴿ قَالَ فَمَنْ رَبُّكُمَا يَا مُوسَى ● قَالَ رَبُّنَا الَّذِي أَعْطَى كُلَّ شَيْءٍ خَلْقَهُ ثُمَّ هَدَى ﴾

«(Улар Фиръавн олдига келиб юқоридаги сўзларни айтишгач) у деди: «Сизларнинг Парвардигорингиз ким, эй Мусо?». (Мусо) айтди: «Парвардигоримиз барча нарсага ўз хилқатини – шаклини ато этиб, сўнгра (уни) тўғри йўлга солиб қўйган зотдир» (Тоҳа, 49 – 50).

Парвардигорлик-рубубият асоси учтадир:

1. Яратиш.

Аллоҳ таоло барча нарсанинг Яратгучиси-Холиқи бўлиб, Ундан бошқа нарсалар махлуқдирлар. Аллоҳ таоло айтди:

﴿ اللَّهُ خَالِقُ كُلِّ شَيْءٍ وَهُوَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ وَكِيلٌ ﴾

«Аллоҳ барча нарсанинг Яратгучисидир. У барча нарсанинг устида вакил-ҳомийдир» (Зумар, 62);

﴿ وَخَلَقَ كُلَّ شَيْءٍ فَقَدَرَهُ تَقْدِيرًا ﴾

«Ва У барча нарсани яратиб (аниқ) ўлчов билан ўлчаб қўйган зотдир» (Фурқон, 2).

Аллоҳдан бошқасига нисбатланган яратиш иши нисбий бўлиб, йўқдан бор қилиш эмас, (бор нарсани) бириктириш, яшаш ва жипслаштириш маъноларидадир. Аллоҳ таоло айтди:

﴿ فَتَبَارَكَ اللَّهُ أَحْسَنُ الْخَالِقِينَ ﴾

«Бас энг гўзал яратувчи (яъни, йўқдан бор қилувчи бўлмиш) Аллоҳ баракотли – буюқдир» (Мўминун, 14).

2. Эгадорлик.

Аллоҳ таоло Эга, Ундан бошқалар эса мулкдир. Аллоҳ таоло айтди:

﴿ أَلَمْ تَعْلَمْ أَنَّ اللَّهَ لَهُ مُلْكُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَمَا لَكُمْ مِنْ دُونِ اللَّهِ مِنْ وِليٍّ وَلَا نَصِيرٍ ﴾

«Еру осмонлар ёлғиз Аллоҳнинг мулки эканини ва сизлар учун Аллоҳдан ўзга бирон дўст ё ёрдам бергувчи йўқ эканини билмадингизми?» (Бақара, 107);

﴿ وَاللَّهُ مُلْكُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَاللَّهُ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ ﴾

«Осмонлар ва Ердаги бор мулк Аллоҳникидир. Ва Аллоҳ ҳамма насага қодирдир» (Оли Имрон, 189);

﴿ قُلِ اللَّهُمَّ مَالِكُ الْمُلْكِ تُؤْتِي الْمُلْكَ مَنْ تَشَاءُ وَتَنْزِعُ الْمُلْكَ مِمَّنْ تَشَاءُ ﴾

«Эй мулку давлат эгаси бўлган Аллоҳим, сен истаган кишингга мулк ато қилурсан ва истаган кишингдан бу мулкни тортиб олурсан», деб айтинг» (Оли Имрон, 26);

﴿ وَلَمْ يَكُنْ لَهُ شَرِيكٌ فِي الْمُلْكِ ﴾

«Ҳамду сано бола-чақа қилмаган, подшоҳлик-илоҳликда шериги йўқ, ... - Аллоҳ учундир» (Исро, 111);

﴿ ذَلِكُمْ اللَّهُ رَبُّكُمْ لَهُ الْمُلْكُ وَالَّذِينَ تَدْعُونَ مِنْ دُونِهِ مَا يَمْلِكُونَ مِنْ قِطْمِيرٍ ﴾

«Ана шу Аллоҳ сизларнинг Парвардигорингиздирки, (барча оламларга) подшоҳлик ёлғиз Уникидир. (Эй мушриклар), сизлар У зотни қўйиб илтижо қилаётган бутларингиз эса данак пўстлоғича насага ҳам эга эмасдирлар» (Фотир, 13).

Аллоҳ таолодан бошқасига нисбатланган барча мулк нисбий, муваққат ва жузъийдир. Бу ҳақда Аллоҳ таоло шундай дейди:

﴿ يَا قَوْمِ لَكُمْ الْمُلْكُ الْيَوْمَ ظَاهِرِينَ فِي الْأَرْضِ ﴾

«Эй қавмим, бугун-ку мулку давлат сизларники, мана шу ерда голибсизлар» (Ғофир, 29);

﴿ أَوْ مَا مَلَكَتْ أَيْمَانُكُمْ ﴾

«ёки қўл остингиздаги чўри» (Нисо, 3).

Мутлақ эгадорлик эса ёлғиз Аллоҳ таолога махсусдир. Аллоҳ таоло айтди:

﴿ إِنَّا نَحْنُ رَبُّ الْأَرْضِ وَمَنْ عَلَيْهَا وَإِلَيْنَا يُرْجَعُونَ ﴾

«Шак-шубҳасиз, Биз Ўзимиз бу ерга ва ундаги бор жонзотга меросхўр бўлурмиз (яъни, барча жонзот ўтар, ёлғиз Бизгина қолурмиз). Ва фақат Бизгагина қайтурлар» (Марям, 40).

3. Буйруқ.

Аллоҳ таологина Буюрувчи, бошқалар буйруққа итоат этгувчидирлар. Аллоҳ таоло айтди:

﴿ قُلْ إِنَّ الْأَمْرَ كُلَّهُ لِلَّهِ ﴾

«Айтинг (эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Бутун иш Аллоҳнинг (қўлида)!»» (Оли Имрон, 154);

﴿ أَلَا لَهُ الْخَلْقُ وَالْأَمْرُ تَبَارَكَ اللَّهُ رَبُّ الْعَالَمِينَ ﴾

«Огоҳ бўлингизким, яратиш ва буюриш фақат Униқидир. Барча оламлар Парвардигори – Аллоҳ буюқдир» (Аъроф, 54);

﴿ وَفُضِيَ الْأَمْرُ وَإِلَى اللَّهِ تُرْجَعُ الْأُمُورُ ﴾

«иш тамом бўлади (яъни, улар қуфрлари сабабли дўзахга ҳукм қилинурлар). Ва барча ишлар ёлғиз Аллоҳга қайтарилажак» (Бақара, 210).

Аллоҳ таоло Пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга:

﴿ لَيْسَ لَكَ مِنَ الْأَمْرِ شَيْءٌ ﴾

«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), сиз учун бу ишда (яъни, бандаларга нажот бериш ёки уларни ҳалок қилиш ишида) ҳеч бир нарса (яъни, инон-ихтиёр) йўқдир» (Оли Имрон, 128) деган бўлса, бошқаларга нима дейиш мумкин?! Аллоҳ таоло айтди:

﴿لِلَّهِ الْأَمْرُ مِنْ قَبْلُ وَمِنْ بَعْدُ﴾

«Аввалу-охир барча иш Аллоҳнинг (измида)дир» (Рум, 4).

Аллоҳнинг ўзигина бандалари устидан буйруқ бергувчидир. Аллоҳдан бошқасига нисбат қилинган буйруқ ёки иш нисбий бўлиб, Аллоҳнинг хоҳишига боғлиқ қолади: хоҳласа жорий қилади, хоҳласа тақиқлайди. Аллоҳ таоло айтди:

﴿فَاتَّبِعُوا أَمْرَ فِرْعَوْنَ وَمَا أَمْرُ فِرْعَوْنَ بِشَيْءٍ﴾

«Улар Фиръавннинг амрига бўйинсундилар. Ҳолбуки, Фиръавннинг амри тўғри эмасдир» (Ҳуд, 97).

Аллоҳнинг фармойишлари коинот ва шариатдаги барча ишларни ўз ичига қамраб, муқаррар равишда амалга ошади ва у хоҳишнинг синонимидир. Аллоҳ таоло айтди:

﴿إِنَّمَا أَمْرُهُ إِذَا أَرَادَ شَيْئًا أَنْ يَقُولَ لَهُ كُنْ فَيَكُونُ﴾

«Бирон нарсани (яратишни) ирода қилган вақтида Унинг иши фақатгина «Бўл», демоклигидир. Бас у (наrsa) бўлур – вужудга келур» (Ёсин, 82).

Шаръий буйруқлари синов учундир ва муҳаббатга синонимдир. У гоҳида амалга ошса, гоҳида амалга ошмайди. Амалга ошиш ва ошмасликнинг ҳар иккиси ҳам, Аллоҳнинг умумий хоҳиши таҳтига дохил бўлади. Аллоҳ таоло айтди:

﴿لَمَنْ شَاءَ مِنْكُمْ أَنْ يَسْتَقِيمَ • وَمَا تَشَاءُونَ إِلَّا أَنْ يَشَاءَ اللَّهُ رَبُّ الْعَالَمِينَ﴾

«У (Қуръон) ҳеч шак-шубҳасиз бутун оламлар учун – сизларнинг орангиздаги Тўғри йўлда бўлмоқни хоҳлаган кишилар учун бир эслатмадир. Сизлар фақат бутун оламлар Парвардигори бўлмиш Аллоҳ хоҳласагина (Тўғри йўлда бўлишни) хоҳларсизлар» (Таквир, 28 – 29).

Рубубиятнинг бошқа ризқ бериш, тирилтириш, ўлдириш, ёмғир ёғдириш, ерларни кўпчатиш, шамолларни эсдириш, фалакни айланттириш, кеча ва кундузни орқама орқа юргизиш, ҳомиладор қилиш, туғдириш, соғлиқ бериш, касал қилиш, азиз ёки хор қилиш ва бундан бошқа сифатларининг ҳар бири мазкур уч ишга – яратиш, эгадорлик ва буйруқ беришга бориб тақалади.

Аллоҳнинг рубубиятига ушбу тарзда иймон келтириш фитратларга ўрнашган, оддий ақл билан билинган, Коинотда сезилган ва унга ояту ҳадисларда етарлича далиллар келтирилгандир. Аллоҳнинг Китобида келтирилган баъзи оятлар қуйидагилардир:

﴿ إِنَّ فِي خَلْقِ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَاخْتِلَافِ اللَّيْلِ وَالنَّهَارِ وَالْفُلْكِ الَّتِي تَجْرِي فِي الْبَحْرِ بِمَا يَنْفَع النَّاسَ وَمَا أَنْزَلَ اللَّهُ مِنَ السَّمَاءِ مِنْ مَاءٍ فَأَحْيَا بِهِ الْأَرْضَ بَعْدَ مَوْتِهَا وَبَثَّ فِيهَا مِنْ كُلِّ دَابَّةٍ وَتَصْرِيفِ الرِّيَّاحِ وَالسَّحَابِ الْمُسَخَّرِ بَيْنَ السَّمَاءِ وَالْأَرْضِ لَآيَاتٍ لِقَوْمٍ يَعْقِلُونَ ﴾

«Албатта осмонлар ва Ернинг яратилишида, кеча ва кундузнинг алмашиб туришида, денгизда одамларга керакли нарсаларни олиб юрган кемаларнинг (сузишида) ва Аллоҳ осмондан туширган ва у сабабли ўлик Ерни тирилтириб, бор жонзотни тарқатиб-ёйиб юборган сув деган неъматда ва шамолларнинг йўналтирилишида, осмон ва Ер орасидаги итоатгўй булутда – (буларнинг ҳаммасида) ақлли кишилар учун оят-аломатлар бордир» (Бақара, 164);

﴿ تُولِجُ اللَّيْلَ فِي النَّهَارِ وَتُؤَلِّجُ النَّهَارَ فِي اللَّيْلِ وَتُخْرِجُ الْحَيَّ مِنَ الْمَيِّتِ وَتُخْرِجُ الْمَيِّتَ مِنَ الْحَيِّ وَتَرزُقُ مَنْ تَشَاءُ بِغَيْرِ حِسَابٍ ﴾

«Кечани кундузга киритурсан ва кундузни кечага киритурсан, ўликдан тирикни чиқарурсан ва тирикдан ўликни чиқарурсан ҳамда истаган кишинга беҳисоб ризқ берурсан» (Оли Имрон, 27);

﴿ إِنَّ اللَّهَ فَالِقُ الْحَبِّ وَالنَّوَى يُخْرِجُ الْحَيَّ مِنَ الْمَيِّتِ وَخُورِجُ الْمَيِّتِ مِنَ الْحَيِّ ذَلِكَ اللَّهُ فَالِقُ الْإِصْبَاحِ وَجَعَلَ اللَّيْلَ سَكَنًا وَالشَّمْسَ وَالْقَمَرَ حَسْبَانَا ذَلِكَ تَفْدِيرُ الْعَزِيزِ الْعَلِيمِ • وَهُوَ الَّذِي جَعَلَ لَكُمْ التُّجُومَ لِتَهْتَدُوا بِهَا فِي ظُلُمَاتٍ لَيْلٍ وَالْبَحْرَ قَدْ فَصَّلْنَا الْآيَاتِ لِقَوْمٍ يَعْلَمُونَ • وَهُوَ الَّذِي أَنْشَأَكُمْ مِنْ نَفْسٍ وَاحِدَةٍ فَمُسْتَقَرٌّ وَمُسْتَوْدَعٌ قَدْ فَصَّلْنَا الْآيَاتِ لِقَوْمٍ يَفْقَهُونَ • وَهُوَ الَّذِي أَنْزَلَ مِنَ السَّمَاءِ مَاءً فَأَخْرَجْنَا بِهِ نَبَاتَ كُلِّ شَيْءٍ فَأَخْرَجْنَا مِنْهُ خَضِرًا نُخْرَجُ مِنْهُ حَبًّا مُتْرَاكِبًا وَمِنَ النَّخْلِ مِنْ طَلْعِهَا قِنْوَانٌ دَانِيَةٌ وَجَنَّاتٍ مِنْ أَعْنَابٍ وَالزَّيْتُونَ وَالرُّمَّانَ مُشْتَبِهًا وَغَيْرَ مُتَشَابِهٍ انظُرُوا إِلَى ثَمَرِهِ إِذَا أَثْمَرَ وَيَنْعِهِ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَاتٍ لِقَوْمٍ يُؤْمِنُونَ ﴾

«Албатта, Аллоҳ дон ва уруғларни ёриб-ундиргувчидир. У ўликдан тирикни чиқарур, тирикдан ўликни чиқаргувчидир. Ана ўша зот Аллоҳдир. Бас, қаёққа бурилиб кетмоқдасизлар?!

И з о ҳ. Уламоларнинг айтишларича, бу оят қайта тирилиш – охират борлигига далилдир. Улар – уламолар: «Жонсиз нутфа ёки тухумдан инсон ёки паррандаларни чиқарган, инсон ва паррандалардан эса ўша жонсиз нарсаларни чиқарадиган Аллоҳ, шубҳасиз тупроққа айланган жасадларни ҳам қайта тирилтиришга қодирдир», дейдилар.

(У зулматни ёриб) тонгни чиқаргувчидир. У кечани сукунат-ором қилиб қўйди, куёш ва ойни эса ҳисоб ўлчови қилди. Бу қудратли ва билгувчи зотнинг ўлчовидир. У қуруқлик ва денгиз зулматларида йўл топишингиз учун сизларга юлдузларни яратиб қўйган зотдир. Биладиган қавм учун оятларни батафсил баён қилдик. У сизларни бир жондан (Одам алайҳис-саломдан) пайдо қилган зотдир. Бас, (сизлар учун она қорни) қароргоҳ ва (ота пушти) омонат турадиган жондир. Англайдиган қавм учун оятларни батафсил баён қилдик. У осмондан сув туширган зотдир. Бас,

у сув ёрдамида ҳар турли набототни чиқардик. Ундан эса гиёҳларни чиқардик. Ундан (гиёҳдан) устма-уст бўлган донларни (яъни, бошоқларни) чиқарурмиз. Хурмо новдаларидан (йиғиб-териб олгувчилар учун) яқин бошлар-ғужумлар (бўлур). Яна узумзор боғларни ҳамда (барглари) бир-бирига ўхшаган, (мевалари эса) ўхшамайдиган зайтун ва анорларни (чиқарурмиз). (Эй инсонлар), уларнинг ҳар бирини мева туккан пайтидаги мевасига ва кейин пишган ҳолига боқинг! Албатта, бунда иймон келтирадиган қавм учун оят-мўъжизалар мавжуддир» (Анъом, 95 - 99);

﴿اللَّهُ الَّذِي رَفَعَ السَّمَاوَاتِ بِغَيْرِ عَمَدٍ تَرَوْنَهَا ثُمَّ اسْتَوَىٰ عَلَى الْعَرْشِ وَسَخَّرَ الشَّمْسَ وَالْقَمَرَ كُلًّا يَجْرِي لِأَجَلٍ مُّسَمًّى يُدَبِّرُ الْأَمْرَ يُفَصِّلُ الْآيَاتِ لَعَلَّكُمْ بِلِقَاءِ رَبِّكُمْ تُوقِنُونَ • وَهُوَ الَّذِي مَدَّ الْأَرْضَ وَجَعَلَ فِيهَا رِوَاسِيَ وَأَنْهَارًا وَمِنْ كُلِّ الثَّمَرَاتِ جَعَلَ فِيهَا رِزْقَيْنِ اثْنَيْنِ يُغْشَى اللَّيْلُ النَّهَارَ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَاتٍ لِّقَوْمٍ يَتَفَكَّرُونَ • وَفِي الْأَرْضِ قِطْعٌ مِّنْجَاوِرَاتٍ وَجَنَاتٌ مِّنْ أَعْنَابٍ وَزُرْعٌ وَنَخِيلٌ وَنَخْلٌ وَغَيْرٌ صَبْوَانٍ يُسْقَىٰ بِمَاءٍ وَاحِدٍ وَنُفِضِلُ بَعْضَهَا عَلَىٰ بَعْضٍ فِي الْأَكْلِ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَاتٍ لِّقَوْمٍ يَعْقِلُونَ﴾

«Аллоҳ осмонларни сизлар кўргудек устунларсиз кўтариб қўйган, (Зоти ва Улуғлигига лойиқ тарзда) Аршга юксалиб, қуёш ва ойни Ўз амрига бўйсундирган зотдир. Уларнинг ҳар бири муайян муддатгача (яъни, Қиёмат қойим бўлгунича) сайр қилаверар. (Аллоҳ) барча ишнинг тадбирини қилур ва сизлар (Қиёмат кунида унга) Парвардигорингизга рўбарў бўлишга иймон келтиришингиз учун Ўз оятларини муфассал баён қилур. У Ерни ёйиқ қилиб яратиб, унда тоғлар ва дарёлар пайдо қилган зотдир. У Ердаги ҳар мевани иккитадан – жуфт-жуфт (яъни, эркак-урғочи) қилиб яратди. У кечани кундуз устига ёяр (яъни, кеча-кундуз ҳам бир-бирларининг жуфтларидир). Албатта, бу (мисоллар)да тафаккур қиладиган қавм учун оят-ибратлар бордир.

И з о ҳ. Дарҳақиқат, тафаккур қилиб кўрилса, бу оламда ҳамма нарса жуфт-жуфт қилиб яратилгани маълум бўлади: қуёшнинг жуфти ой, Ернинг жуфти осмон, куннинг жуфти тун, дунёнинг жуфти охират... Агар мана шу мантиқ ҳақ бўлса, охират борлиги ҳам ҳақдир. Ёлғизлик фақат Аллоҳ таолога ярашур.

Бу Ерда бир-бирига қўшни бўлган бўлак-бўлак (яъни, бири унумдор бўлса, бири шўр) ерлар, узумзор боғлар, экинзорлар ва шохлаб кетган-шохламаган хурмолар бўлиб, (уларнинг ҳаммаси ҳам) бир сув билан суғорилур. (Лекин) Биз уларнинг айримларидан айримларини таъмлироқ-ейишлироқ қилиб қўюрмиз. Албатта, бунда ҳам ақл юргизадиган қавм учун оят-ибратлар бордир» (Раъд, 2 - 4);

﴿ خَلَقَ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضَ بِالْحَقِّ تَعَالَى عَمَّا يُشْرِكُونَ • خَلَقَ الْإِنْسَانَ مِنْ نُطْفَةٍ فَإِذَا هُوَ خَصِيمٌ مُبِينٌ • وَالْأَنْعَامَ خَلَقَهَا لَكُمْ فِيهَا دِفْءٌ وَمَنَافِعُ وَمِنْهَا تَأْكُلُونَ • وَلَكُمْ فِيهَا جَمَالٌ حِينَ تُرِيحُونَ وَحِينَ تَسْرَحُونَ • وَتَحْمِلُ أَوْتَالَكُمْ إِلَىٰ بَلَدٍ لَّمْ تَكُونُوا بَالِغِيهِ إِلَّا بِشِقِّ الْأَنْفُسِ إِنَّ رَبَّكُمْ لَرؤُوفٌ رَّحِيمٌ • وَالْحَيْلَ وَالْبِغَالَ وَالْحَمِيرَ لِتَرْكَبُوهَا وَزِينَةً وَيَخْلُقُ مَا لَا تَعْلَمُونَ • وَعَلَى اللَّهِ قَصْدُ السَّبِيلِ وَمِنْهَا جَائِرٌ وَلَوْ شَاءَ هَذَا كُمْ أَجْمَعِينَ • هُوَ الَّذِي أَنْزَلَ مِنَ السَّمَاءِ مَاءً لَكُمْ مِنْهُ شَرَابٌ وَمِنْهُ شَجَرٌ فِيهِ تُسِيمُونَ • يُنْبِثُ لَكُمْ بِهِ الرَّزْعَ وَالزَّيْتُونَ وَالنَّخِيلَ وَالْأَعْنَابَ وَمِنْ كُلِّ الثَّمَرَاتِ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَةً لِّقَوْمٍ يَتَفَكَّرُونَ • وَسَخَّرَ لَكُمْ اللَّيْلَ وَالنَّهَارَ وَالشَّمْسَ وَالْقَمَرَ وَالنَّجُومَ مُسَخَّرَاتٍ بِأَمْرِهِ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَاتٍ لِّقَوْمٍ يَعْقِلُونَ • وَمَا ذَرَأَ لَكُمْ فِي الْأَرْضِ مُخْتَلِفًا أَلْوَانُهُ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَةً لِّقَوْمٍ يَذَّكَّرُونَ • وَهُوَ الَّذِي سَخَّرَ الْبَحْرَ لِتَأْكُلُوا مِنْهُ لَحْمًا طَرِيًّا وَتَسْتَخْرِجُوا مِنْهُ حَبْلَةً حَلِيبَةً تَلْسُونُهَا وَتَرَى الْفُلْكَ مَوَاجِرَ فِيهِ وَلِتَبْتَغُوا مِنْ فَضْلِهِ وَلِعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ • وَأَلْقَى فِي الْأَرْضِ رَوَاسِيَ أَن تَمِيدَ بِكُمْ وَأَنْهَارًا وَسُبُلًا لِّعَلَّكُمْ تَهْتَدُونَ • وَعَلَامَاتٍ وَبِالنَّجْمِ هُمْ يَهْتَدُونَ • أَفَمَنْ يَخْلُقُ كَمَنْ لَا يَخْلُقُ أَفَلَا تَذَكَّرُونَ • وَإِن تَعُدُّوا نِعْمَةَ اللَّهِ لَا تُحْصُوهَا إِنَّ اللَّهَ لَغَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴾

«У осмонлар ва Ерни ҳақ (қонун) билан яратди. У (мушрикларнинг) ширкларидан юксақдир. У инсонни нутфадан – бир томчи сувдан яратган эди. Баногоҳ (инсон) очикдан-очик рақибга айланиб қолди.

И з о ҳ. Бу оятда қайта тирилиш ҳақ эканлиги очик мантиқ билан исботланмоқда – яъни, бир томчи сувдан шундай гўзал хилқатли инсонни яратишга қодир бўлган Аллоҳ таоло унинг жонсиз жасадига қайтадан жон ато этишга қодир эмасми?! Инсон эса ўзининг нимадан яратилганини унутиб Яратганга қарши хусумат қилиб юрибди.

У зот яна сизлар учун иссиқ кийим ва (турли) манфаатлар бўлсин, деб чорва молларини ҳам яратдики, сизларнинг таом-озуқаларингиз улардан бўлур. Яна сизлар учун улар кечқурун ўтлоқдан қайтаётган ва тонгда ўтлоққа кетаётган пайтида бир чирой – файз бўлур. Шунингдек, улар сизлар жонларингизни қийнаб, зўр-базўр (машаққат билан) етадиган юртларга юқларингизни элтиб берур. Албатта, Парвардигорингиз меҳрибон ва раҳмлидир. У зот яна сизлар миншингиз учун зийнат қилиб отлар, хачирлар ва эшакларни (яратди). Яна сизлар (ҳали) билмайдиган нарсаларни ҳам яратур.

И з о ҳ. Бизга замондош муфассирлир ушбу оятдаги: «...сизлар билмайдиган нарсаларни ҳам яратур» жумласини Қуръон нозил бўлган даврда мавжуд бўлмай, кейин илм-фан тараққий этиши билан кашф қилинган сайёра – машина, қитор – поезд, тайёра – самолёт ва бошқа бизлар ҳам билмайдиган, бундан кейин кашф қилинадиган нақлиёт – транспорт воситалари, деб тафсир қиладилар.

Тўғри Йўлга (ҳидоят қилиш) ёлғиз Аллоҳ измидадир, (зотан, йўллар) орасида эгриси ҳам бордир. Агар (Аллоҳ) хоҳлаганида сизларнинг барчангизни (Тўғри йўлга) ҳидоят қилган бўлур эди.

(Лекин У зот сизларга қайси йўл тўғри ва қайси йўллар эгри эканини кўрсатиб, қай бир йўлни танлаш ихтиёрини ўзларингизга қўйиб берди ва ақл-идрок билан Тўғри йўлни танлаб олган бахтли бандаларини Ўз хоҳиш-иродаси билан ўша Ҳақ йўлга ҳидоят этишни ваъда қилди, эгри йўлларни танлаган кимсалар эса ҳар икки дунёда бахтсиз бўлиб, ўзларига зиён қилишлари тўғрисида хабар берди). **У осмондан сизлар учун ичимлик бўлган сувни ёғдирган зотдир. Сизлар (ҳайвонларингизни) боқадиган дов-дарахтлар (ўт-ўланлар) ҳам ўша сувдан (ичар). У зот сизлар учун ўша (сув) ёрдамида (турли) экинларни, зайтун, хурмо, узум ва барча меваларни ундириб-ўстирур. Албатта, бу нарсада (яъни, бир хил сув ёрдамида рангу рўйи, таъму лаззати бошқа-бошқа бўлган мева-чеваларнинг униб-ўсишида) тафаккур қиладиган қавм учун оят-ибрат бордир. У зот сизлар (бекаму кўст ҳаёт кечиринингиз учун) кеча ва кундузни, қуёш ва ойни (бир тартибга солиб) бўйсундириб қўйди. (Барча) юлдуз – сайёралар ҳам Унинг амрига бўйинсундирилгандир. Албатта, бу нарсада ақл юргизадиган қавм учун оят-ибратлар бордир. Яна У зот сизлар учун Ерда яратиб қўйган ранго-ранг нарсаларни (яъни, ҳайвонот ва наботот оламини, ер ости ва ер усти бойликларини ҳам сизларга бўйинсундирди). Албатта, бу нарсада ибрат-эслатма оладиган қавм учун оят-ибрат бордир. У сизлар янги гўшт (яъни, балиқ гўшти) ейишларингиз ва тақадиган тақинчоқлар чиқариб олишларингиз учун (сизларга) денгизни ҳам бўйинсундириб қўйган зотдир. Сиз унда (сувни) ёриб кетаётган кемаларни кўрурсиз. У зотнинг фазлу марҳаматидан (ризқу рўз) ишташларингиз ва (берган неъматларига) шукр қилишингиз учун (сизларга денгизларни бўйинсундириб қўйди). У зот Ер сизларни тебратмаслиги учун унда тоғларни барпо қилди, (ўзларингиз учун ичимлик бўлиши ҳамда экин-тикинларингизни суғоришингиз учун) дарёларни (оқизиб қўйди) ва (кўзлаган манзилларингизга боришда) адашмасликларингиз учун йўлларни пайдо қилди. Ва (у йўлларга) белгилар (қилиб қўйди. Кечаларда эса кишилар) юлдузлар билан йўл топурақлар. (Эй мушриклар), ахир (барча мавжудотни) яратувчи зот – Аллоҳ билан (ҳеч нарса) ярата олмайдиган (бутларингиз) баробарми?! Ўйламайсизларми?! Агар Аллоҳнинг неъматларини санасангизлар, саноғига ета олмайсизлар. Албатта, Аллоҳ мағфиратли, меҳрибондир» (Наҳл, 3 - 18);**

﴿ الَّذِينَ يَرْتُوبُونَ أَلَمْ نَلِدْكُمْ مِمَّا خَالَدُونَ ﴾ ● وَلَقَدْ خَلَقْنَا الْإِنْسَانَ مِنْ سَلَالَةٍ مِنْ طِينٍ ● ثُمَّ جَعَلْنَاهُ نُطْفَةً فِي قَرَارٍ مَكِينٍ ● ثُمَّ خَلَقْنَا النُّطْفَةَ عَلَقَةً فَخَلَقْنَا الْعَلَقَةَ مُضْغَةً فَخَلَقْنَا الْمُضْغَةَ عِظَامًا فَكَسَوْنَا الْعِظَامَ لَحْمًا ثُمَّ أَنْشَأْنَاهُ خَلْقًا آخَرَ فَيَبَارِكُ اللَّهُ أَحْسَنُ الْخَالِقِينَ ● ثُمَّ إِنَّكُمْ بَعْدَ ذَلِكَ لَمَيِّتُونَ ● ثُمَّ إِنَّكُمْ يَوْمَ الْقِيَامَةِ تُبْعَثُونَ ● وَلَقَدْ خَلَقْنَا فَوْقَكُمْ سَبْعَ سَمَاوَاتٍ وَمَا كُنَّا عَنِ الْخَلْقِ غَافِلِينَ ● وَأَنْزَلْنَا مِنَ السَّمَاءِ مَاءً بِقَدَرٍ فَأَسْكَنَاهُ فِي الْأَرْضِ وَإِنَّا عَلَى ذَهَابٍ بِهِ لَقَادِرُونَ ● فَأَنْشَأْنَا لَكُمْ بِهِ جَنَّاتٍ مِنْ نَجِيلٍ وَأَعْنَابٍ لَكُمْ فِيهَا فَوَاكِهُ كَثِيرَةٌ وَمِنْهَا تَأْكُلُونَ ● وَشَجَرَةً تُخْرُجُ مِنْ طُورٍ سَبِيئًا تَنْثِيثُ بِالذَّهْنِ وَصَبِغَ لِلْأَكْيَلِينَ ● وَإِنَّ لَكُمْ فِي الْأَنْعَامِ لَعِبْرَةً نُسَقِيكُمْ بِمَا فِي بُطُونِهَا وَلَكُمْ فِيهَا مَنَافِعُ كَثِيرَةٌ وَمِنْهَا تَأْكُلُونَ ● وَعَلَيْهَا وَعَلَى الْفَالِكِ لَحْمٌ مَحْمُولٌ ﴿

«Ана ўшалар Фирдавс (жаннатига) меросхўр бўлгувчи ворислардир. Улар ўша жойда мангу қолурлар.

И з о ҳ . Юқоридаги оятлардан маълум бўлишича, мўминлар нажот топиб, бахт-саодатга эришишлари учун, Фирдавс жаннатига меросхўр бўлишлари учун мазкур фазилятларга эга бўлишлари лозим экан.

(Қасамки), **Биз инсонни** (яъни, Одам алайҳис-саломни) **лойнинг мағзидан яратдик.**

И з о ҳ . «Лойнинг мағзи»дан мурод – лой-ер жинсидаги барча моддалардир. Дарвоқеъ, замонавий тиббиёт ҳам инсон вужудида ер жинсининг барча моддалари мавжуд эканини исботлайди.

Сўнгра уни (яъни, барча инсонларни) **аввало мустақкам қароргоҳдаги** (яъни, бачадондаги) **нутфа-маний қилдик.** **Сўнгра бу нутфадан лахта қонни яратиб, лахта қондан парча гўшти яратиб, парча гўшдан суякларни яратиб, бу суякларга гўшт қопладик, сўнгра** (унга жон киргизиб, аввал бошдаги бир томчи сув – нутфадан бутунлай) **бошқа бир жонзот ҳолида пайдо қилдик.** **Бас, энг гўзал яратгувчи** (яъни, йўқдан бор қилгувчи бўлмиш) **Аллоҳ баракотли – буюқдир.**

И з о ҳ . Ушбу оятда инсоннинг она қорнидаги бир томчи сувдан то тирик, комил инсонга айлангунигача кечган жараён Яратганнинг Ўз илоҳий қалами билан аниқ-равшан қилиб чизиб берилди.

Сўнгра шак-шубҳасиз, сизлар (эй инсонлар), **мана шундан** (яъни, яралиб, ҳаётга келганингиздан) **кейин** (ажалларингиз битгач) **албатта вафот топгувчидирсизлар.** **Сўнгра шак-шубҳасиз, сизлар қиёмат кунида қайта тирилурсизлар.**

(Қасамки) **Биз сизларнинг устингизда етти йўлни** (яъни, етти қават осмонни) **яратдик.** **Биз Ўз халқимиздан ғофил бўлмадик.**

И з о ҳ . Муфассирлар айтишича, бу оятда етти қават осмоннинг “етти йўл” деб аталишини шундай тушунмоқ мумкин: Аллоҳ таоло

инсонни ва барча махлуқотни яратганидан сўнг, уларнинг ҳолидан ғофил бўлиб қолгани йўқ, балки уларга ризку рўз ёғилиб туриши учун устларида етти йўл-етти осмонни пайдо қилди.

Ва Биз осмондан (аниқ) ўлчов билан сув (ёмғир-қор) ёғдириб, уни ерга жойлаб қўйдик. Шак-шубҳасиз, Биз уни кетказишга ҳам қодирдирмиз. Сўнг Биз сизлар учун у (сув) ёрдамида хурмо ва узум боғларини пайдо қилдик. Сизлар учун у (боғларда) кўп мевалар бўлур, сизлар улардан ейсизлар. Яна (Биз сизлар учун) Тури Сайно (тоғи)дан чиқадиган ёғли ва егувчилар учун (нон) ҳуруш бўлган ҳолда ўсадиган бир дарахтни (яъни, зайтунни яратдик). Албатга сизлар учун чорва молларида ҳам ибрат бордир – Биз сизларни уларнинг қорнидаги сут билан суғорурмиз, яна сизлар учун уларда (юнгларида кийимлар тўқиш, миниш каби) кўп фойдалар бордир, шунингдек улар(нинг гўшт-ёғлари)дан ейсизлар. Яна уларнинг устида ва (дарё-денгизларда эса) кемаларда юк ташийсизлар» (Мўминун, 11 - 22);

﴿ أَلَمْ تَرَ أَنَّ اللَّهَ يَرْجِي سَحَابًا ثُمَّ يُؤَلِّفُ بَيْنَهُمْ ثُمَّ يَجْعَلُهُ رِزْقًا فَتَرَى الْوَدْقَ يَخْرُجُ مِنْ خِلَالِهِ وَيُنزِلُ مِنَ السَّمَاءِ مِنْ جِبَالٍ فِيهَا مِنْ بَرَدٍ فَيُصِيبُ بِهِ مَنْ يَشَاءُ وَيَصْرِفُهُ عَنِ مَنْ يَشَاءُ يَكَادُ سَنَا بَرْقِهِ يَذْهَبُ بِالْأَبْصَارِ ● يَقْلِبُ اللَّهُ اللَّيْلَ وَالنَّهَارَ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَعِبْرَةً لَأُولِي الْأَبْصَارِ ● وَاللَّهُ خَلَقَ كُلَّ دَابَّةٍ مِنْ مَاءٍ فَمِنْهُمْ مَنْ يَمْشِي عَلَى بَطْنِهِ وَمِنْهُمْ مَنْ يَمْشِي عَلَى رِجْلَيْنِ وَمِنْهُمْ مَنْ يَمْشِي عَلَى أَرْبَعٍ يَخْلُقُ اللَّهُ مَا يَشَاءُ إِنَّ اللَّهَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ ﴾

«Аллоҳ булутларни ҳайдашни, сўнгра уларни бирлаштиришни, сўнгра уларни устма-уст қилишини кўрмадингизми? Сўнг (булут) орасидан ёмғир чиқаётганини кўрурсиз. (Аллоҳ) осмондан – ундаги (булутлар) тоғидан дўл ёғдириб, унинг (зиёнини) ўзи хоҳлаган кишиларга етказур ва ўзи хоҳлаган кишилардан нари кетказур. Унинг чақмоғининг ёруғлиги (қараган) кўзларни кетказгудек бўлур. Аллоҳ кеча ва кундузни айлантириб турур. Албатта бунда дил эгалари учун ибрат бордир. Аллоҳ барча жониворни сувдан яратди. Улардан қорни билан (судралиб) юрадиганлари ҳам бор, икки оёқда юрадиганлари ҳам бор, тўрт (оёқда) юрадиганлари ҳам бордир. Аллоҳ ўзи хоҳлаган нарсани яратур. Албатта Аллоҳ барча нарсага қодирдир» (Нур, 43 - 45);

﴿ أَلَمْ تَرَ إِلَى رَبِّكَ كَيْفَ مَدَّ الظِّلَّ وَلَوْ شَاءَ لَجَعَلَهُ سَاكِنًا ثُمَّ جَعَلْنَا الشَّمْسُ عَلَيْهِ دَلِيلًا ● ثُمَّ قَبَضْنَا إِلَيْنَا قَبْضًا يَسِيرًا ● وَهُوَ الَّذِي جَعَلَ لَكُمْ اللَّيْلَ لِبَاسًا وَالنَّوْمَ سُبَاتًا وَجَعَلَ النَّهَارَ نُشُورًا ● وَهُوَ الَّذِي أَرْسَلَ الرِّيحَ بُشْرًا بَيْنَ يَدَيْ رَحْمَتِهِ وَأَنْزَلْنَا مِنَ السَّمَاءِ مَاءً طَهُورًا ● لِنُحْيِيَ بِهِ بَلْدَةً مَيِّتًا وَنُسْقِيَهُ مِمَّا خَلَقْنَا أَنْعَامًا وَأَنَاسِيَّ كَثِيرًا ● وَلَقَدْ صَرَّفْنَا فِيهِنَّ لِيَذَكَّرُوا فَأَنَّى أَكْثَرَ النَّاسِ إِلَّا كُفُورًا ● وَلَوْ شِئْنَا لَبَعَثْنَا فِي كُلِّ قَرْيَةٍ نَذِيرًا ● فَلَا نُنْعَمُ عَلَى الْكَافِرِينَ وَجَاهِدْهُمْ بِهِ جِهَادًا كَبِيرًا ● وَهُوَ الَّذِي مَرَجَ الْبَحْرَيْنِ هَذَا عَذْبٌ فُرَاتٌ وَهَذَا مِلْحٌ أُجَاجٌ وَجَعَلَ بَيْنَهُمَا بَرْزَخًا وَحِجْرًا مَحْجُورًا ● وَهُوَ الَّذِي خَلَقَ مِنَ الْمَاءِ بَشَرًا فَجَعَلَهُ نَسَبًا وَصِهْرًا وَكَانَ رَبُّكَ قَدِيرًا ﴾

«Парвардигорингизнинг (қудратини) – сояни қандай ёйиб қўйганини кўрмадингизми?! Агар хоҳласа уни сокин – жилмас қилиб қўйган бўлур эди. Сўнгра қуёшни унга (яъни, соянинг борлигига) далил қилдик. Сўнгра уни аста-секин Ўзимизга тортиб олдик.

И з о ҳ. Юқоридаги икки оятни муфассирлар қуйидагича тафсир қиладилар. Субҳи содикдан то қуёш чиққунича уфқда ёйилган қоронғулик билан ёруғлик ўртасидаги ҳолат – Аллоҳ Ер юзи узра ейиб қўйган бир соядир. У зот агар хоҳласа уни кетмайдиган қилиб қўяр эди, лекин Аллоҳ таоло чиқаётган қуёшни соя борлигига далил қилди – зеро, Нур бўлмаса соянинг борлиги билинмас – ва У соя – пардани Ер юзидан аста тортиб олди.

(Аллоҳ) сизлар учун кечани либос, уйқуни ором қилиб қўйган, кундузни эса (сизлар учун) қайта тирилиш қилган зотдир. У ўз раҳматининг (яъни, ёмғирнинг) олдидан хушхабар қилиб шамолларни юборган зотдир. Биз ўлик шаҳар-масканларни тирилтириш ва Ўзимиз яратган кўплаб чорва ҳайвонлари ҳамда инсонларни суғориш учун осмондан пок сув ёғдирдик. Ва у (сувни) эслатма олишлари учун (одамлар) орасида тақсимлаб қўйдик, (аммо) одамларнинг кўплари фақат куфрони неъмат қилишнигина истадилар. Агар Биз хоҳласак, ҳар қишлоқ-шаҳарга бир (охират азобидан) кўрқитгувчи – пайғамбар юборган бўлур эдик. (Лекин Биз барча қишлоқ-шаҳардан охират азобидан огоҳ қилиш бурчини сизнинг зиммангизга юкладик). **Бас, сиз кофир кимсаларга бўйинсунманг ва (Қуръон) ёрдамида уларга қарши қаттиқ курашинг!** (Аллоҳ) икки денгиз – дарёни буниси чучук – ширин, униси шўр – аччиқ қилиб оқизиб қўйган ва уларнинг ўртасида тўсиқ-тўғон ва кўринмас парда қилиб қўйган зотдир. У сувдан – нутфадан инсонни яратиб, сўнг уни насл-насаб (эгаси) ва қуда-анда қилиб қўйган зотдир. Дарҳақиқат, Парвардигорингиз (ҳар ишга) қодирдир» (Фурқон, 45 - 54);

﴿ فَسُبْحَانَ اللَّهِ حِينَ تُمْسُونَ وَحِينَ تُصْبِحُونَ • وَلَهُ الْحَمْدُ فِي السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَعَشِيًّا وَحِينَ تُظْهِرُونَ • يُخْرِجُ الْحَيَّ مِنَ الْمَيِّتِ وَيُخْرِجُ الْمَيِّتَ مِنَ الْحَيِّ وَيُحْيِي الْأَرْضَ بَعْدَ مَوْتِهَا وَكَذَلِكَ نُخْرِجُكُمْ مِنَ الْأَرْضِ وَإِذَا أَنْتُمْ بَشَرٌ تَنْتَشِرُونَ • وَمِنْ آيَاتِهِ أَنْ خَلَقَ لَكُمْ مِنْ أَنْفُسِكُمْ أَزْوَاجًا لِتَسْكُنُوا إِلَيْهَا وَجَعَلَ بَيْنَكُمْ مَوَدَّةً وَرَحْمَةً إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَاتٍ لِقَوْمٍ يَعْتَكِرُونَ • وَمِنْ آيَاتِهِ خَلْقَ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَاجْتِلَافَ أَلْسِنَتِكُمْ وَأَلْوَانِكُمْ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَاتٍ لِلْعَالَمِينَ • وَمِنْ آيَاتِهِ مَنَامُكُمْ بِاللَّيْلِ وَالنَّهَارِ وَابْتِغَاؤُكُمْ مِنْ فَضْلِهِ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَاتٍ لِقَوْمٍ يُسْمِعُونَ • وَمِنْ آيَاتِهِ يُرِيكُمُ الْبَرْقَ خَوْفًا وَطَمَعًا وَيُنزِلُ مِنَ السَّمَاءِ مَاءً فَيُحْيِي بِهِ الْأَرْضَ بَعْدَ مَوْتِهَا إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَاتٍ لِقَوْمٍ يَعْقِلُونَ • وَمِنْ آيَاتِهِ أَنْ تَقُومَ السَّمَاءُ وَالْأَرْضُ بِأَمْرِهِ ثُمَّ إِذَا دَعَاكُمْ دَعْوَةً مِنَ الْأَرْضِ إِذَا أَنْتُمْ تَخْرُجُونَ • وَلَهُ مَنْ فِي السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ كُلُّ لَه قَائِمُونَ • وَهُوَ الَّذِي يُبْدَأُ الْخَلْقَ ثُمَّ يُعِيدُهُ وَهُوَ أَهْوَنُ عَلَيْهِ وَلَهُ الْمَثَلُ الْأَعْلَىٰ فِي السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَهُوَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ ﴾

«Бас, тунга кириш пайтларингизда ҳам, тонгга кириш пайтларингизда ҳам, оқшомда ҳам, пешин пайтига киришингизда ҳам Аллоҳни поклангиз (яъни, У зотга ҳамду сано айтингиз. Зеро) осмонлар ва ердаги бор ҳамду-сано Униқидир (яъни, коинотдаги барча мавжудот Унга ҳамду-сано айтур). Аллоҳ ўликдан тирикни чиқарур, тирикдан ўликни чиқарур ва ерни ўлганидан кейин (баҳорда қайта) тирилтирур. Сизлар ҳам (қиёмат кунида қабрларингиздан) мана шундай чиқарилурсизлар. (Аллоҳнинг қудрати илоҳийсига далолат қиладиган) оят-аломатларидан (бири) – У зот сизларни (яъни, отангиз Одамни) тупроқдан яратгани, сўнгра сизлар башарга айланиб (Ер юзига) таралишларингиздир. Унинг оятларидан (яна бири) У зот сизлар ҳамдам бўлишларингиз учун ўзларингиздан жуфтлар яратиши ва ўрталарингизда ошнолик ва меҳр-муҳаббат пайдо қилишидир. Албатта бунда тафаккур қиладиган қавм учун оят-ибратлар бордир. Унинг оятларидан (яна бири) – У зот осмонлар ва ерни яратиши ва сизларнинг тилларингиз ва рангларингизни хилма-хил қилиб қўйгандир. Албатта бунда барча оламлар учун оят-ибратлар бордир. Унинг оятларидан (яна бири) – кечаси ва кундузи ухлашларингиз ҳамда (кундузлари) Унинг фазлу марҳаматидан (ризқу-рўз) ишталарингиздир. Албатта бунда англайдиган қавм учун оят-ибратлар бордир. Унинг оятларидан (яна бири) – У зот сизларга (момақалдиروқдан) қўрққан ва (ёмғир ёғишидан) умидвор бўлган ҳолингизда чақмоқни кўргизур ва осмондан сув-ёмғир ёғдириб, унинг ёрдамида ерни, ўлганидан сўнг тирилтирур. Албатта бунда ақл юргизадиган қавм учун оят-ибратлар бордир. Унинг оятларидан (яна бири) – осмон ва ер У зотнинг амри билан (фазода муаллақ) туришидир. Сўнгра (қиёмат қоим бўлганида) У сизларни (ётган) ерларингиздан бир бор чақириши билан барчангиз бирдан (ҳисоб-китоб учун) чиқарсизлар. Осмонлар ва ердаги бор жонзотлар, У зотга тегишлидирки, ҳаммаси Унга бўйинсунур. У аввал бошда Ўзи яратиб, сўнгра (қиёмат кунида) Ўзи яна қайта яратадиган зотдир. (Қайта яратиш – тирилтириш) У зотга жуда осондир. Осмонлар ва ердаги энг юксак хислат (яъни, яккаю ягоналик) Униқидир. У қудрат ва ҳикмат эгасидир» (Рум, 17 - 27);

﴿الرَّحْمٰنُ • عَلَّمَ الْقُرْآنَ • خَلَقَ الْإِنْسَانَ • عَلَّمَهُ الْبَيَانَ • الشَّمْسُ وَالْقَمَرُ بِحُسْبَانٍ • وَالنَّجْمُ وَالشَّجَرُ يَسْجُدَانِ • وَالسَّمَاءَ رَفَعَهَا وَوَضَعَ الْمِيزَانَ • أَلَّا تَطْغَوْا فِي الْمِيزَانِ • وَأَقِيمُوا الْوَزْنَ بِالْقِسْطِ وَلَا تُخْسِرُوا الْمِيزَانَ • وَالْأَرْضَ وَضَعَهَا لِلْأَنَامِ • فِيهَا فَاكِهَةٌ وَالنَّخْلُ ذَاتُ الْأَكْمَامِ • وَالْحَبُّ ذُو الْعَصْفِ وَالرَّيْحَانُ • فَبِأَيِّ آلَاءِ رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ • خَلَقَ الْإِنْسَانَ مِنْ صَلْصَالٍ كَالْفَخَّارِ • وَخَلَقَ الْجَانَّ مِنْ مَّارِجٍ مِنْ نَارٍ • فَبِأَيِّ آلَاءِ رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ • رَبُّ الْمَشْرِقَيْنِ وَرَبُّ الْمَغْرِبَيْنِ • فَبِأَيِّ آلَاءِ رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ • مَرَجَ الْبَحْرَيْنِ يَلْتَقِيَانِ • بَيْنَهُمَا بَرْزَخٌ لَا يَبْغِيَانِ • فَبِأَيِّ آلَاءِ رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ • يُخْرِجُ مِنْهُمَا

اللُّؤْلُؤُ وَالْمَرْجَانُ • فَبِأَيِّ آلَاءِ رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ • وَلَهُ الْجَوَارِ الْمُنشَآتُ فِي الْبَحْرِ كَالْأَعْلَامِ • فَبِأَيِّ آلَاءِ رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ ﴿﴾

«Меҳрибон (Аллоҳ Муҳаммад пайғамбар ва унинг умматларига) Қуръонни таълим берди. У зот инсонни яратиб, унга (дидидаги мақсадини аён эта олиши учун) баённи (нутқни) таълим берди. Қуёш ҳам, ой ҳам (аниқ) ҳисоб-ўлчов билан (жорий бўлур). Ўт-ўлан ҳам, дов-дарахт ҳам (ёлғиз Аллоҳга) сажда қилур – бўйинсунур. У зот осмонни баланд қилиб қўйди ва сизлар тош-тарозида туғёнга тушмасликларингиз (яъни, ўзгаларга зулм қилмасликларингиз) учун мезон-тарозини ўрнатди. (Эй инсонлар, ўзаро олди-берди муомалаларингизда) тўғри, адолат билан тортинглар ва тарозидан уриб қолманглар! Ерни У зот (жамики) жонзотлар учун (яъни, улар жойлашиб, фойдаланишлари учун) паст-текис қилиб қўйди. Унда (турли-туман) мева-чева ва гулкосали хурмо дарахтлари бор. Яна сомонли дон-дун ва хушбўй (гуллар) бор. Бас, (эй инсонлар ва жинлар), Парвардигорингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея (яъни, инкор қила) олурсизлар?! У зот инсонни (яъни, Одам алайҳис-саломни) сопол каби қуриган қора лойдан яратди. Жин-иблисни эса аланга – оловдан яратди. Бас, (эй инсонлар ва жинлар), Парвардигорингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсизлар?! (Аллоҳ) икки шарқнинг (яъни, кун ва ой ботадиган жойларнинг) ҳам Парвардигоридир. Бас, (эй инсонлар ва жинлар), Парвардигорингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсизлар?! У зот икки денгиз-дарёни бир-бирлари билан учрашадиган ҳолларида (ёнма-ён) оқизиб қўйди. (Аммо) у иккисининг ўрталарида бир тўсиқ бўлиб, улар (ўша тўсиқдан) ошиб ўтмаслар.

И з о ҳ. Маълумки, денгиз қаъри ҳам, дарё туби ҳам сув бемалол сизиб ўта оладиган қумлоқ ёки тупроқдир. Кўп ҳолларда шўр сувли денгиз билан чучук сувли дарё ёки кўл шундоқ ёнма-ён жойлашиб ҳам қолади. Лекин Аллоҳ таолонинг қудрати билан улардан бирининг шўри иккинчисига уриб кетмайди.

Бас, (эй инсонлар ва жинлар), Парвардигорингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсизлар?! У иккисидан (бири бўлмиш денгиздан) марварид ва маржонлар чиқур. Бас, (эй инсонлар ва жинлар), Парвардигорингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсизлар?! Денгиздаги тоғлар каби баланд кўтарилган қатновчилар (яъни, елканли кемалар) ҳам ёлғиз У зотникидир. Бас, (эй инсонлар ва жинлар), Парвардигорингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсизлар?!» (Раҳмон, 1 - 25);

﴿ أَلَمْ نَجْعَلِ الْأَرْضَ مِهَادًا • وَالْجِبَالَ أَوْتَادًا • وَخَلَقْنَاكُمْ أَرْوَاجًا • وَجَعَلْنَا نَوْمَكُمْ سِنَاتًا • وَجَعَلْنَا اللَّيْلَ لِبَاسًا • وَجَعَلْنَا النَّهَارَ مَعَاشًا • وَبَنَيْنَا فَوْقَكُمْ سَبْعًا شِدَادًا • وَجَعَلْنَا سِرَاجًا وَهَاجًا • وَأَنْزَلْنَا مِنَ الْمُعْصِرَاتِ مَاءً ثَبَّاجًا • لِنُخْرِجَ بِهِ حَبًّا وَنَبَاتًا • وَجَنَّاتٍ أَلْفَافًا ﴾

«Биз Ерни (барча жонзотлар маскан тутиб яшашлари учун) бир тўшак, тоғларни эса (ўша Ерни тутиб тургувчи) қозиклар қилиб қўймадикми?! Биз сизларни жуфт-жуфт қилиб яратдик. Уйқуларингизни (баданларингиз ва асабларингиз учун) ором қилдик.

И з о ҳ. Дарҳақиқат, уйқу Аллоҳ таолонинг энг улуғ неъматларидан биридир. Зеро, дунёдаги барча жонзот мубтало бўлган толиқиш, чарчаш деган бир дард борки, бу дарднинг уйқудан бўлак дармони йўқдир. Эҳтимол уйқусизлик дардига йўлиққан кишини бирон дори воситасида ухлатиш мумкиндир, лекин мана шу уйқуни яна бадтар чарчатадиган меҳнат эмас, балки ором-роҳат қилиш Яратгандан ўзганинг қўлидан келмас.

Кечани (ўз қоронғуси билан барча нарсани яшириб турадиган) либос қилдик. **Кундузни эса тирикчилик** (учун белгиланган вақт) қилдик. **Устларингизда етти (қават) пишиқ-мустаҳкам (осмонни) бино қилдик.** Ва доимо чарақлаб тургувчи чироқни (яъни, қуёшни пайдо) қилдик. Яна Биз ўзидан ёмғирни сиқиб чиқаргувчи (булут)лардан – ўша (ёмғир) ёрдамида дон ва набототни ҳамда (қалинлигидан дарахтлари) бир-бирига чирмашиб кетган боғларни ундириб чиқариш учун – мўл-кўл сув-ёмғир ёғдирдик.

И з о ҳ. Юқоридаги оятларда Аллоҳ таоло Ўзининг қудратини кўрсатиб турадиган тўққиз ёрқин далилни келтиргач, энди яна аввалги мавзу – қайта тирилиш мавзусига қайтилади» (Набаъ, 6 - 16).

﴿ أَأَنْتُمْ أَشَدُّ خَلْقًا أَمْ السَّمَاءُ بَنَاهَا • رَفَعَ سَعْتَكُمَا فَسَوَّاهَا • وَأَغْطَشَ لَيْلَهَا وَأَخْرَجَ ضُحَاهَا • وَالْأَرْضُ بَعْدَ ذَلِكَ دَحَاهَا • أَخْرَجَ مِنْهَا مَاءَهَا وَمَرْعَاهَا • وَالْجِبَالَ أَرْسَاهَا • مَتَاعًا لَكُمْ وَلِأَنْعَامِكُمْ ﴾

«(Эй мушриклар), сизларни яратиш қийинроқми ёки осмонними?! (Яъни, бутун Ер куррасининг атрофини ўзга сайёралардан бирон зиён етмаслиги учун том – осмон билан қоплаб қўйишга қодир бўлган зот учун сизларни яратиш ёки қайта тирилтириш ҳеч гап эмас-ку!) (Аллоҳ) уни бино қилди – Шифтини баланд қилиб, тиклади. Ва У ўша (осмон)нинг тунини қоронғу қилиб, (ундан) кундузини чиқарди. Ва шундан кейин Ерни ёйиб-текис қилди. – Ундан суви-ю, ўтлоқларини чиқарди. Ва у (Ер)га тоғларни ўрнаштирди. (Буларнинг барчаси) сизлар учун ва чорва ҳайвонларингиз учун манфаат бўлсин деб (қилингандир)» (Нозийот, 27 - 33).

﴿ فَلْيَنْظُرِ الْإِنْسَانُ إِلَى طَعَامِهِ ● أَنَا صَبَبْنَا الْمَاءَ صَبًّا ● ثُمَّ شَقَقْنَا الْأَرْضَ شَقًّا ● فَأَنْبَتْنَا فِيهَا حَبًّا ● وَعَيْنًا وَقَضْبًا ● وَزَيْتُونًا وَنَخْلًا ● وَحَدَائِقَ غُلْبًا ● وَفَاكِهَةً وَأَبًّا ● مَتَاعًا لَكُمْ وَلِأَنْعَامِكُمْ ﴾

«Энди инсон ўзининг таомига (ибрат кўзи билан бир) қараб кўрсин-чи! Биз (осмондан) сув-ёмғирни қуйдирдик. Сўнгра Ерни (ғиёҳлар билан) ёрдик. Сўнг Биз унда дон-дунни, узум ва кўкларни, зайтун ва хурмоларни, қуюқ дарахтзор боғларни, мева-чева-ю, ўт-ўланларни сизлар учун ва чорва ҳайвонларингиз учун манфаат бўлсин деб ундириб-ўстириб қуйдик-ку!» (Абаса, 24 - 32).

Бутун одамзот, ҳатто мушриклар ҳам, Аллоҳ таолонинг рубубиятига – Унинг Холиқ, Эга ва Бошқарувчи эканига иқрордирлар. Аллоҳ таоло уларнинг бу иқрорини Қуръони каримнинг қатор жойларида эслатиб ўтган. Масалан:

﴿ قُلْ لِمَنِ الْأَرْضُ وَمَنْ فِيهَا إِنْ كُنْتُمْ تَعْلَمُونَ ● سَيَقُولُونَ لِلَّهِ قُلْ أَفَلَا تَذَكَّرُونَ ● قُلْ مَنْ رَبُّ السَّمَاوَاتِ السَّبْعِ وَرَبُّ الْعَرْشِ الْعَظِيمِ ● سَيَقُولُونَ لِلَّهِ قُلْ أَفَلَا تَتَّقُونَ ● قُلْ مَنْ يَدِينُ مَلَكُوتَ كُلِّ شَيْءٍ وَهُوَ يُجِيرُ وَلَا يُجَارُ عَلَيْهِ إِنْ كُنْتُمْ تَعْلَمُونَ ● سَيَقُولُونَ لِلَّهِ قُلْ فَأَنَّى تُسْحَرُونَ ﴾

«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам, уларга) айтинг: «Агар билгувчи бўлсанглар (айтинглар-чи), бу ер ва ундаги бор жонзот кимники?» Улар: «Аллоҳникидир», дерлар. Айтинг: «Бас, (шундан) ибрат-эслатма олмайсизларми?!». Айтинг: «Етти осмоннинг ҳожаси ва улуғ аршнинг соҳиби кимдир?». Улар: «(Буларнинг барчаси) Аллоҳникидир», дерлар. Айтинг: «Ахир кўрқмайсизларми?!». Айтинг: «Агар билсанглар (айтинглар-чи), “Барча нарсанинг подшоҳлиги қўлида бўлган, Узи (барчага) Ҳомийлик қиладиган, Унга қарши биров ҳомийлик қила олмайдиган зот кимдир?». Улар: «Бундай подшоҳлик ва ҳомийлик ёлғиз Аллоҳникидир», дерлар. Айтинг: «Бас, қандай алданмоқдадирсизлар?!»» (Мўминун, 84 - 89);

﴿ وَلَكِنْ سَأَلْتَهُمْ مَنْ خَلَقَ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضَ لَيَقُولُنَّ خَلَقَهُنَّ الْعَزِيزُ الْعَلِيمُ ﴾

«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), қасамки, агар сиз улардан: «Осмонлар ва Ерни ким яратган?» деб сўрасангиз, албатта: «Уларни қудратли ва доно (Аллоҳ) яратган», дерлар. (Аммо ўзлари ҳеч нарса ярата олмайдиган бут ва санамларни У зотга шерик қилиб, уларга сиғинурлар)» (Зухруф, 9).

Аллоҳнинг рубубияти бобида, ширк келтирганлари боис, бир неча тоифада жузъий залолатлар пайдо бўлди. Масалан:

1. Мажусий дуалист (дуализм тарафдорлари) ва монистлар (монизм тарафдорлари)

Бу икки тоифа оламнинг икки: яхшиликни яратган Нур ва ёмонликни яратган Зулмат тангриси бор, деб эътиқод қилишади ва нур зулматдан кўра яхшироқ деб қарор қилишган бўлсада, зулматнинг нима экани ҳақида яқдил фикрда эмаслар: у қадимми ёки янги пайдо бўлганми?

2. Насронийлар.

Улар учликка иқрор бўлиб, битта тангрини уч – оталик, ўғиллик ва муқаддас руҳлик сифатлари бор эканига ишонадилар. Бироқ, олам учун бир-биридан ажралган учта парвардигорни исбот этмай, битта парвардигор бу оламни яратган эканига қарор қилганлар.

3. Араб мушриклари.

Булар тангриларининг фойда ва зарар бериш, ишларни бошқариш каби хусусиятлари бор эканига ишониб, фол таёқчалари билан фол очишар эди.

Бу залолатларнинг барчасини фитрат (хилқат), ақл, ҳис қилиш туйғулари ва шариат ҳужжатларини яратиш, эгадорлик ва буйруқ беришда парвардигорнинг якто эканига далолат қилиш билан даф қилинади. Аллоҳ таоло айтди:

﴿ مَا اتَّخَذَ اللَّهُ مِنْ وَلَدٍ وَمَا كَانَ مَعَهُ مِنْ إِلَهٍ إِذًا لَذَهَبَ كُلُّ إِلَهٍ بِمَا خَلَقَ وَلَعَلَّ بَعْضُهُمْ عَلَىٰ بَعْضٍ سُبْحَانَ اللَّهِ عَمَّا يُصِفُونَ ﴾

«Аллоҳнинг боласи йўқдир ва У зот билан бирга бирон илоҳ бўлган эмасдир. Акс ҳолда, албатта ҳар бир илоҳ ўзи яратган нарса билан кетиб, бир-бирларидан устун бўлиб олур эдилар, (яъни, ҳар бир «илоҳ» ўз ҳукмини ўтказмоқни истаб, натижада еру осмон бузилиб кетган бўлур эди). Аллоҳ улар айтаётган шериклардан покдир» (Мўминун, 91).

Ҳақиқий тангри яратгучи ва хоҳлаган нарчасини қила олгучи бўлиши керак. Агар унинг ҳам ярата оладиган ва (хоҳлаган ишини) қила оладиган шериги бўлса, унда вазият икки ҳолатдан биридан холи бўлмасди:

– ё ҳар бир тангри ўзи яратган нарчаси билан бирга бўлиб, ўз салтанатида мустақил бўлар эди. Коинот тизими бу эҳтимолни қабул қила олмайди.

– ё икки тангри орасида ғолиблик ва устунлик кураши пайдо бўлар, бири жисмни ҳаракатлантиришни мақсад қилса, бошқаси ҳаракатни тўхтатишни кўзлаб, уни бутунлай йўқ қилган бўлар эди. Бундай

пайтда оламдаги осуда жараён учун ё ҳар иккисининг ёки бирининг муддаоси амалга ошиши ёхуд ҳар иккисининг ҳам муддаоси амалга ошмаслиги керак. Биринчи ва учинчи муддаонинг амалга ошиши мушкул, чунки бир-бирига бирлаша олмайдиган даражада зидлар. Шундай экан, иккинчи муддао қолди, яъни қайси бирининг муддаоси амалга ошса, ўша қудратли тангри ҳисобланиб, иккинчиси худоликка ярамайди. Бундай вазиятда иш, бошқарувчи, подшоҳ, холиқ ва якто парвардигорни исбот қилишни тақозо қилади.

Буни: «бир-бирини йўқ қилиш далили» деб аталади.

❖ **Учинчиси: Аллоҳ таолонинг улуҳияти-илоҳлигига ишониш.**

Бу – Аллоҳ таолонинг ёлғиз ўзигина сиғинилишга лойиқ ҳақ илоҳ, деб қатъий эътиқод қилиш, демақдир.

«Илоҳ» сўзининг маъноси «кўнгиллар муҳаббат ва таъзим билан суяйдиган маъбуд», демақдир. Ибодатнинг асли эса, камоли камтарлик, ҳокисорлик ва улуғлаш билан муҳаббат камолоти, демақдир. Бундай муҳаббат фақатгина якто илоҳагина махсус бўлиши керак. Шундай иймонга энг буюк Зот, энг буюк мақомдан гувоҳлик олиб келди. Аллоҳ таоло айтди:

﴿ شَهِدَ اللَّهُ أَنَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ وَالْمَلَائِكَةُ وَأُولُو الْعِلْمِ قَائِمًا بِالْقِسْطِ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ ﴾

«Аллоҳ, фаришталар ва илм аҳллари – адолат билан ҳукм қилгувчи ёлғиз Аллоҳдан ўзга ҳеч қандай тангри йўқ, фақат Унинг Ўзи борлигига гувоҳлик бердилар. Ҳеч қандай тангри йўқ, фақат Унинг Ўзи бор. У қудратли, ҳикмат эгасидир» (Оли Имрон, 18);

﴿ وَإِلَهُكُمْ إِلَهٌ وَاحِدٌ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الرَّحْمَنُ الرَّحِيمُ ﴾

«Тангрингиз ягона тангридир. У меҳрибон ва раҳмли тангридан ўзга ҳеч қандай тангри йўқдир» (Бақара, 163).

Аллоҳ таоло барча махлуқотлари, жумладан, одамзот ва жинларни, улардан бутунлай беҳожат бўлиш билан бирга, Ўзигагина ибодат қилишлари учун яратди. Аллоҳ таоло айтди:

﴿ وَمَا خَلَقْتُ الْجِنَّ وَالْإِنْسَ إِلَّا لِيَعْبُدُونِ ● مَا أُرِيدُ مِنْهُمْ مِنْ رِزْقٍ وَمَا أُرِيدُ أَنْ يُطْعَمُونِ ﴾

«Мен жин ва инсни фақат Ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим. Мен улардан бирон ризқ истамасман ва улар Мени таомлантиришини истамасман» (Зориёт, 56, 57).

Аллоҳ таоло одамларга юборган барча пағамбарларини ушбу иймонни рўёбга чиқариш ва уларни Аллоҳ таолони илоҳлик борасида

яктолаш ва ширк амалларидан воз кечишга чақириш учун жўнатди. Аллоҳ таоло айтди:

﴿ وَلَقَدْ بَعَثْنَا فِي كُلِّ أُمَّةٍ رَسُولًا أَنِ اعْبُدُوا اللَّهَ وَاجْتَنِبُوا الطَّاغُوتَ ﴾

«Аниқки, Биз ҳар бир умматга: «Аллоҳга ибодат қилинглр ва шайтондан йироқ бўлинглр», (деган ваҳий билан) бир пайғамбар юборганмиз» (Наҳл, 36).

Пайғамбарлар ўз вазифаларини илк ўлароқ қавмларига шундай дейиш билан бошладилар:

﴿ يَا قَوْمِ اعْبُدُوا اللَّهَ مَا لَكُمْ مِنْ إِلَهٍ غَيْرُهُ ﴾

«Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилингиз! Сизлар учун Ундан ўзга бирон илоҳ йўқдир» (Аъроф, 59, 65, 73, 85);

﴿ وَمَا أَرْسَلْنَا مِنْ قَبْلِكَ مِنْ رَسُولٍ إِلَّا نُوحِي إِلَيْهِ أَنَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا أَنَا فَاعْبُدُونِ ﴾

«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), Биз сиздан илгари юборган ҳар бир пайғамбарга ҳам: «Ҳеч қандай илоҳ йўқ, магар Менгина бордирман, бас, Менгагина ибодат қилинглр», деб ваҳий юборгандирмиз» (Анбиё, 25).

Ушбу иймоннинг амалга ошиши барча ибодат турларини ёлғиз Аллоҳгагина қилишни тақозо қилади. Бу турлардан биронтасини Аллоҳдан бошқаси учун қилган одам кофир, мушрик бўлади. Ушбу ибодатлар бир неча синфга бўлинади:

1. Қалб ибодатлари.

Масалан, муҳаббат. Аллоҳ таоло айтди:

﴿ وَمِنَ النَّاسِ مَنْ يَخُذُ مِنْ دُونِ اللَّهِ أَنْدَادًا يُحِبُّونَهُمْ كَحُبِّ اللَّهِ وَالَّذِينَ آمَنُوا أَشَدُّ حُبًّا لِلَّهِ ﴾

«Одамлар орасида шундай кимсалар борки, улар ўзгаларни Аллоҳга тенг билиб, уларни Аллоҳни севгандек севадилар. Иймонли кишиларнинг Аллоҳга бўлган муҳаббатлари қаттиқроқдир» (Бақара, 165).

Қўрқув. Аллоҳ таоло айтди:

﴿ فَلَا تَخَافُوهُمْ وَخَافُوا مِنِّي إِن كُنتُمْ مُؤْمِنِينَ ﴾

«Бас, агар мўмин бўлсангизлар, улардан қўрқмангиз, мендан қўрқингиз!» (Оли Имрон, 175).

Умид. Аллоҳ таоло айтди:

﴿ قُلْ إِنَّمَا أَنَا بَشَرٌ مِثْلُكُمْ يُوحَىٰ إِلَيَّ أَنَّمَا إِلَهُكُمْ إِلَهٌ وَاحِدٌ فَمَنْ كَانَ يَرْجُوا لِقَاءَ رَبِّهِ فَلْيَعْمَلْ عَمَلًا صَالِحًا وَلَا يُشْرِكْ بِعِبَادَةِ رَبِّهِ أَحَدًا ﴾

«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам, уларга) **айтинг: «Ҳеч шак-шубҳа йўқки, мен ҳам сизлар каби бир одамдирман. Менга илоҳингиз ёлғиз Аллоҳнинг Ўзи экани ваҳий этилмоқда. Бас, ким Парвардигорига рўбарў бўлишидан умидвор бўлса, у ҳолда яхши амал қилсин ва Парвардигорига бандалик қилишда бирон кимсани (Унга) шерик қилмасин! (Яъни, қиладиган барча амалларини ёлғиз Аллоҳ учун қилсин)»» (Каҳф, 110).**

Бу уч турдаги ибодатлар – қалб ибодатларининг мағзидир. Аллоҳ таоло айтди:

﴿أُولَئِكَ الَّذِينَ يَدْعُونَ يَبْتَغُونَ إِلَىٰ رَبِّهِمُ الْوَسِيلَةَ أَيُّهُمْ أَقْرَبُ وَيَرْجُونَ رَحْمَتَهُ وَيَخَافُونَ عَذَابَهُ﴾

«Улар (илоҳ деб) илтижо қиладиган ўша кимсаларнинг ўзлари ҳам Парвардигорга қай бирлари яқинроқ бўлиш учун йўл изларлар. У зотнинг раҳмат-марҳаматидан умидвор бўлурлар, азобидан қўрқурлар» (Исро, 57).

Ушбу турлар, бири қолиб бошқасига чекланмайди. Шунга кўра, Аллоҳ таолога фақатгина кўрқиб ибодат қилган одам “ҳарурий”, Аллоҳ таолога фақатгина умид билан ибодат қилган одам “муржиъа”, Аллоҳ таолога фақат муҳаббат билангина ибодат қилган одам “зиндиқ”, Аллоҳ таолога муҳаббат, кўрқув ва умид билан билан ибодат қилган одам эса “ҳақ диндаги муваҳҳид”дир.

Қалбнинг тузалиши, ҳадисда айтилганидек, тана тузалишининг асосидир:

«Огоҳ бўлингизким, танада бир парча гўшт бор. Агар у тузалса, бутун тана тузалади. Агар бузилса, бутун тана бузилади. Унутмангиз, у – қалбдир»⁽⁷⁾.

2. Қавлий (талаффуз қилинадиган) ибодатлар.

Масалан, дуо. Аллоҳ таоло айтди:

﴿وَأَنَّ الْمَسَاجِدَ لِلَّهِ فَلَا تَدْعُوا مَعَ اللَّهِ أَحَدًا﴾

«Албатта, (барча) масжидлар Аллоҳникидир. Бас, (масжидларда) Аллоҳ билан бирга яна бирон кимсага дуо-илтижо қилманглар!» (Жин, 18).

Паноҳ сўраш, сиғиниш. Аллоҳ таоло айтди:

﴿قُلْ أَعُوذُ بِرَبِّ الْفَلَقِ﴾

(7) Имом Бухорий, 52; Имом Муслим, 1599. Нўъмон ибн Башир разияллоҳу анҳу ривояти.

«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), айтинг: «Мен тонг Парвардигоридан (менга) ... паноҳ беришини сўраб илтижо қилурман» (Фалақ, 1);

﴿ قُلْ أَعُوذُ بِرَبِّ النَّاسِ ﴾

«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), айтинг: «Мен барча инсонларнинг Парвардигоридан (менга) ... паноҳ беришин сўраб илтижо қилурман» (ан-Нос, 1).

Мадад сўраш. Аллоҳ таоло айтди:

﴿ إِذْ تَسْتَغِيثُونَ رَبَّكُمْ فَاسْتَجَبْ لَكُمْ ﴾

«Ўшанда Парвардигорингиздан мадад тилаганингизда, У сизларга ижобат қилиб ...» (Анфол, 9).

Барча турдаги зикрлар. Аллоҳ таоло айтди:

﴿ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اذْكُرُوا اللَّهَ ذِكْرًا كَثِيرًا ﴾

«Эй мўминлар, Аллоҳни кўп зикр қилинглар!» (Аҳзоб, 41).

Қуръон тиловати. Аллоҳ таоло айтди:

﴿ اتْلُ مَا أُوحِيَ إِلَيْكَ مِنَ الْكِتَابِ ﴾

«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), сиз ўзингизга ваҳий қилинган Китоб – Қуръондан бўлган (оятлар)ни тиловат қилинг» (Анкабут, 45).

Умуман, ширин гаплар. Аллоҳ таоло айтди:

﴿ إِلَيْهِ يَصْعَدُ الْكَلِمُ الطَّيِّبُ ﴾

«(Ҳар бир) хуш сўз Унга юксалур» (Фотир, 10).

3. Бадан ибодатлари.

Масалан, намоз ўқиш, қурбонлик сўйиш каби. Аллоҳ таоло айтди:

﴿ قُلْ إِنَّ صَلَاتِي وَنُسُكِي وَمَحْيَايَ وَمَمَاتِي لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ ﴾

«Айтинг (эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Албатта, намозим, ибодатларим, ҳаёту мамотим бутун оламларнинг Парвардигори бўлмиш Аллоҳ учундир» (Анъом, 162);

﴿ فَصَلِّ لِرَبِّكَ وَأَخَّرْ ﴾

«Бас, сиз Парвардигорингиз учун намоз ўқинг ва (жонлик) сўйиб-қурбонлик қилинг!» (Кавсар, 3).

Тавоф қилиш. Аллоҳ таоло айтди:

﴿وَلْيَطَّوَّفُوا بِالْبَيْتِ الْعَتِيقِ﴾

«Ва «Эски Уй»ни тавоф қилсинлар!» (Ҳаж, 29).

Йўлдан зарарли нарсаларни олиб ташлаш. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам иймон хусусиятлари ҳақида гапирар эканлар шундай дедилар: **«Энг арзимаси йўлдан зарарли нарсаларни олиб ташлашдир»**⁽⁸⁾.

Ва бундан бошқа тана ибодатлари.

4. Молиявий ибодатлар.

Масалан, закот, садақа, васият, вақф, ҳиба каби ибодатга асосланган нафақалар. Аллоҳ таоло айтди:

﴿إِنَّمَا الصَّدَقَاتُ لِلْفُقَرَاءِ وَالْمَسْكِينِ وَالْعَامِلِينَ عَلَيْهَا وَالْمَوْلَىٰ قُلُوبُهُمْ فِي الرِّقَابِ وَالْغَارِمِينَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَابْنِ السَّبِيلِ فَرِيضَةً مِّنَ اللَّهِ وَاللَّهُ عَلِيمٌ حَكِيمٌ﴾

«Албатта, садақалар (яъни, закотлар) Аллоҳ томонидан фарз бўлган ҳолда, фақат фақирларга, мискинларга, садақа йиғувчиларга, кўнгиллари (Исломга) ошна қилинувчи кишиларга, бўйинларни (қулларни) озод қилишга, қарздор кишиларга ва Аллоҳ йўлида (яъни, жиҳодга ёки ҳажга кетаётганларга) ҳамда йўловчи мусофирларга берилур. Аллоҳ билим ва ҳикмат соҳибидир.

Изоҳ. Закот Ислом динидаги фарз амалларидан биридир. Маълум миқдорда бойликка эга бўлган киши шу пулдан қирқдан бирини закот қилиб бериши фарздир. Юқоридаги оятда мана шу закотни кимларга бериш лозимлиги аниқ белгилаб берилган. Демак, мазкур кишилардан бошқа бировга берилган закот Ислом назарида мақбул эмас» (Тавба, 60);

﴿وَمِنَ الْأَعْرَابِ مَن يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ وَيَتَّخِذُ مَا يُنْفِقُ قُرْبَاتٍ عِنْدَ اللَّهِ وَصَلَوَاتِ الرَّسُولِ أَلَا إِنَّهَا قُرْبَةٌ لَّهُمْ سُبْحَانَ اللَّهِ فِي رِجْمِهِ إِنَّ اللَّهَ غَفُورٌ رَّحِيمٌ﴾

«Аъробийлар орасида Аллоҳга ва Охират кунига иймон келтирадиган ва қиладиган инфоқ-эҳсонини Аллоҳ даргоҳида қурбат (яқинлик) ҳосил қилиш ва пайғамбар дуосига (мушарраф бўлиш) деб биладиган зотлар ҳам бор. Огоҳ бўлсинларким, ўша инфоқ-эҳсонлари ўзлари учун қурбатдир. Аллоҳ уларни Ўз раҳматига дохил қилажак. Албатта Аллоҳ мағфиратли, меҳрибондир» (Тавба, 99).

(8) Имом Муслим (№ 35). Абу Ҳурайра разияллоҳу анху ривояти.

Бечораларнинг қорнини тўйдириш. Аллоҳ таоло айтди:

﴿ وَيُطْعِمُونَ الطَّعَامَ عَلَىٰ حُبِّهِ مِسْكِينًا وَيَتِيمًا وَأَسِيرًا ۝ إِنَّمَا نُطْعِمُكُمْ لِوَجْهِ اللَّهِ لَا نُرِيدُ مِنْكُمْ جَزَاءً وَلَا شُكْرًا ۝ ﴾

«Ва таомни суюб-хоҳлаб турсалар-да, (ўзлари емасдан) мискин, етим ва есирларни таомлантирурлар. (Улар айтурлар): «Биз сизларни ёлғиз Аллоҳнинг юзидан таомлантирурмиз. Сизлардан (бу ишимиз учун) бирон мукофот ва миннатдорчилик истамасмиз – кутмасмиз» (Инсон, 8 – 9).

Аллоҳнинг илоҳлигига иймон келтириш, Аллоҳнинг рубубиятига иймон келтириш талаб қилган шартлардан биридир. Аллоҳ таолонинг Холиқ, Эга ва Бошқарувчи эканига иқрор бўлган бандага Аллоҳ таолонинг илоҳлигига ҳам иқрор бўлиши, Аллоҳ таолони ибодат билан яктолаши фарз бўлади. Чунки, Аллоҳ таоло Аллоҳнинг рубубиятига иқрор бўлган, бироқ улуҳиятига иқрор бўлмаган мушрикларга Қуръони каримининг талайгина жойида ҳужжатлар келтириб шундай деган:

﴿ يَا أَيُّهَا النَّاسُ اعْبُدُوا رَبَّكُمُ الَّذِي خَلَقَكُمْ وَالَّذِينَ مِنْ قَبْلِكُمْ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ ۝ الَّذِي جَعَلَ لَكُمُ الْأَرْضَ فِرَاشًا وَالسَّمَاءَ بِنَاءً ۝ وَأَنْزَلَ مِنَ السَّمَاءِ مَاءً فَأَخْرَجَ بِهِ مِنَ الثَّمَرَاتِ رِزْقًا لَكُمْ فَلَا تَجْعَلُوا لِلَّهِ أَنْدَادًا وَأَنْتُمْ تَعْلَمُونَ ۝ ﴾

«Эй инсонлар, сизларни ва сизлардан илгари ўтганларни тақво эгалари бўлишингиз учун яратган Парвардигорингизга ибодат қилингиз. У зот сизлар учун Ерни қароргоҳ, осмонни том қилиб қўйди ва осмондан сув тушириб, унинг ёрдамида сизларга ризқ бўлсин, деб мевалар чиқарди. Бас, билиб туриб ўзгаларни Аллоҳга тенглаштирманг» (Бақара, 21 – 22);

﴿ قُلْ مَنْ يَرْزُقُكُمْ مِنَ السَّمَاءِ وَالْأَرْضِ أَمَّنْ يَمْلِكُ السَّمْعَ وَالْأَبْصَارَ وَمَنْ يُخْرِجُ الْحَيَّ مِنَ الْمَيِّتِ وَيُخْرِجُ الْمَيِّتَ مِنَ الْحَيِّ وَمَنْ يُدَبِّرُ الْأَمْرَ فَسَيَقُولُونَ اللَّهُ فَقُلْ أَفَلَا تَتَّقُونَ ۝ فَذَلِكُمُ اللَّهُ رَبُّكُمْ الْحَقُّ فَمَاذَا بَعْدَ الْحَقِّ إِلَّا الضَّلَالُ فَأَنْتُمْ تُصِرُّونَ ۝ ﴾

«(Эй Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтинг: «Ким сизларга осмон ва заминдан ризқ берур ёки ким кулоқ-кўзларингизга эгалик қилур?! Ким ўлиқдан тирикни чиқарур ва тирикдан ўлиқни чиқарур ҳамда ким барча ишларни тадбир қилиб турур?!» Улар албатта: «Аллоҳ», дейдилар. Бас, сиз айтинг: «Ахир Уша зотдан қўрқмайсизларми?!» Бас, мана шу Аллоҳ – ҳақиқий Парвардигорингиздир. Ҳақиқатдан кейин эса фақатгина йўлдан озиш бор, холос (яъни, ҳақиқий Парвардигорингиз бўлмиш Аллоҳдан ўзгага сиғинар экансиз, албатта йўлдан озган бўлурсиз). Бас, қай тарафга бурилиб кетмоқдасизлар?!» (Юнус, 31 – 32);

﴿ قُلِ الْحَمْدُ لِلَّهِ وَسَلَامٌ عَلَىٰ عِبَادِهِ الَّذِينَ اصْطَفَىٰ اللَّهُ خَيْرٌ أَمَّا يُشْرِكُونَ ۝ أَمَّنْ خَلَقَ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضَ وَأَنْزَلَ لَكُمْ مِنَ السَّمَاءِ مَاءً فَأَنْبَتْنَا بِهِ حَدَائِقَ ذَاتَ بَهْجَةٍ مَا كَانَ لَكُمْ أَنْ تُنْبِتُوا شَجَرَهَا أَلَيْسَ مَعَ اللَّهِ بَلَاءٌ هُمْ قَوْمٌ يَعْدِلُونَ ۝ أَمَّنْ جَعَلَ الْأَرْضَ قَرَارًا وَجَعَلَ خِلَالَهَا أَنْهَارًا وَجَعَلَ لَهَا رَوَاسِيًا وَجَعَلَ بَيْنَ الْبَحْرَيْنِ حَاجِزًا أَلَيْسَ مَعَ اللَّهِ بَلَاءٌ أَكْثَرُهُمْ لَا يَعْلَمُونَ ۝ أَمَّنْ يُجِيبُ الْمُضْطَرَّ إِذَا دَعَاهُ وَيَكْشِفُ السُّوءَ وَيَجْعَلُكُمْ خُلَفَاءَ الْأَرْضِ أَلَيْسَ مَعَ اللَّهِ قَبِيلًا مَا تَدَّكَّرُونَ ۝ أَمَّنْ يَهْدِيكُمْ فِي ظُلُمَاتِ اللَّيْلِ

وَالْبَحْرِ وَمَنْ يُرْسِلَ الرِّيحَ بُشْرًا بَيْنَ يَدَيْ رَحْمَتِهِ إِلَهٌ مَعَ اللَّهِ تَعَالَى اللَّهُ عَمَّا يُشْرِكُونَ ● أَمَّنْ يَبْدَأُ الْخَلْقَ ثُمَّ يُعِيدُهُ وَمَنْ يَرْزُقُكُمْ مِنَ السَّمَاءِ وَالْأَرْضِ إِلَهٌ مَعَ اللَّهِ فَلْهَاتُوا بُرْهَانَكُمْ إِنْ كُنْتُمْ صَادِقِينَ ﴿

«(Эй Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва саллам,) айтинг: «Аллоҳга ҳамду-сано бўлсин ва Унинг Ўзи (пайғамбарлик учун) танлаган бандаларига дуою-салом бўлсин». Аллоҳ яхшироқми ёки улар (Макка мушриклари Аллоҳга) шерик қилаётган бутларими?! Ёки осмонлар ва Ерни яратган ҳамда сизлар учун осмондан сув-ёмғир ёғдириб, унинг ёрдамида гўзал боғларни ўстирган зотми?! Сизлар учун у (боғларнинг) дов-дарахтини ўстириш имкони йўқ эди. Аллоҳ билан бирга яна бирон илоҳ борми?! Йўқ, улар (Аллоҳга ўзгаларни) тенг биладиган қавмдирлар!

Ёки Ерни (барча жонзотлар учун) қароргоҳ қилиб, унинг ўртасида дарёлар пайдо қилган ва унинг учун тутқи-тоғлар барпо қилган ҳамда икки (яъни, шўр-чучук) денгиз-дарё ўртасида тўсиқ-тўғон иншо қилган зотми?! Аллоҳ билан бирга яна бирон илоҳ борми?! Йўқ, уларнинг кўплари билмайдилар!

Ёки музтар инсон дуо қилганида ижобат қиладиган, ёмонликларни кушойиш этадиган ва сизларни Ер халифаси қиладиган ким?! Аллоҳ билан бирга яна бирон илоҳ борми?! Камдан-кам эслатма-ибрат олурсизлар!

Ёки сизларга қуруқлик ва денгиз зулматларида тўғри йўлни кўрсатадиган ва Ўз раҳмати-ёмғири олдидан шамолларни хушxabар қилиб жўнатадиган зотми?! Аллоҳ билан бирга яна бирон илоҳ борми?! Аллоҳ уларнинг ширк келтирган нарсаларидан юксакдир!

Ёки бошлаб Ўзи яратиб, сўнгра (охиратда) қайта яратадиган зотми?! Ким сизларга осмон ва заминдан ризқу-рўз берур? Аллоҳ билан бирга яна бирон илоҳ борми?! (Эй Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва саллам, кофирларга) айтинг: «Агар ростгўй бўлсангизлар ҳужжатларингизни келтирингиз!»» (Намл, 59 - 64).

Аллоҳ таоло рубубият тавҳидига ишонган, бироқ улуҳият тавҳидини рўёбга чиқармаган мушрикларга қарши мазкур ҳужжатларни келтирди.

Шунингдек, Аллоҳ субҳонаху ва таоло, рубубият сифатларининг биронтаси билан сифатланмаган мушриклар тангриларининг илоҳлигини ҳам бекор қилди ва айтди:

﴿ أَيَشْرِكُونَ مَا لَا يَخْلُقُ شَيْئًا وَهُمْ يُخْلَقُونَ • وَلَا يَسْتَطِيعُونَ هُمْ نَصْرًا وَلَا أَنْفُسَهُمْ يَنْصُرُونَ • وَإِنْ تَدْعُوهُمْ إِلَى الْهُدَىٰ لَا يَتَّبِعُوكُمْ سِوَاءَ عَلَيْنِكُمْ أَدْعَاؤُهُمْ أَمْ أَنْتُمْ صَامِتُونَ • إِنَّ الدِّينَ تَدْعَاؤُنَا مِنْ دُونِ اللَّهِ عِبَادَ أَمْثَلِكُمْ فَأَدْعُوهُمْ فَلْيَسْتَجِيبُوا لَكُمْ إِنْ كُنْتُمْ صَادِقِينَ • أَهَلُمْ أَرْجُلٌ يَمْشُونَ بِمَا آمَهُمْ أَيْدٍ يَبْطِشُونَ بِمَا آمَهُمْ أَعْيُنٌ يَبْصُرُونَ بِمَا آمَهُمْ أَذَانٌ يَسْمَعُونَ بِمَا قُلْنَا ادْعُوا شُرَكَاءَكُمْ ثُمَّ كِيدُوا فَلَا تَنْظُرُونَ • إِنَّ وَلِيَّيَ اللَّهُ الَّذِي نَزَّلَ الْكِتَابَ وَهُوَ يَتَوَلَّى الصَّالِحِينَ • وَالَّذِينَ تَدْعُونَ مِنْ دُونِهِ لَا يَسْتَطِيعُونَ نَصْرَكُمْ وَلَا أَنْفُسَهُمْ يَنْصُرُونَ • وَإِنْ تَدْعُوهُمْ إِلَى الْهُدَىٰ لَا يَسْمَعُوا وَتَرَاهُمْ يَنْظُرُونَ إِلَيْكَ وَهُمْ لَا يُبْصِرُونَ • خُذِ الْعَفْوَ وَأْمُرْ بِالْعُرْفِ وَأَعْرِضْ عَنِ الْجَاهِلِينَ ﴾

«Ҳеч нарсани ярата олмайдиган, балки ўзи яратилувчи бўлган нарсаларни (Аллоҳга) шерик қиладиларми?! Улар учун бирон ёрдам қилишга қодир бўлмайдиган, ҳатто ўзига ўзи ёрдам қила олмайдиган (нарсаларни Аллоҳга шерик қиладиларми?!).

Агар уларни (яъни, бутларни) ҳидоятга чақирсангиз, сизларга эргашмайдилар (яъни, улар жонсиздирлар). Сизлар учун уларни чақиришингиз ёки сукут қилиб туришингиз баробардир (яъни, барибир улар жавоб бера олмайдилар). Шубҳасиз, Аллоҳдан ўзга: сизлар илтижо қилаётган нарсалар ҳудди (сизнинг) ўзларингиз каби бандадирлар. Бас, агар ростгўй бўлсангизлар, сизлар уларни чақиринглар, улар сизларга жавоб қилсинлар-чи?!

Уларнинг оёқлари бормики, юрсалар, ё қўллари бормики тутсалар, ёки кўзлари бормики кўрсалар, ёхуд қулоқлари бормики тингласалар?! Айтинг (Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Ўша бутларингизни чақиринглар-да, сўнгра менга бир лаҳза муҳлат бермай бор ҳийла-найрангингизни қилаверинглар». (Қандай ҳунар кўрсатманг, натижаси ҳечдир).

Зотан, менинг эгам шу Китобни нозил қилган Аллоҳдир. У солиҳ бандаларга ёр бўлур. Ундан ўзга сизлар илтижо қилаётган нарсалар сизларга ёрдам қилишга қодир эмаслар ва улар ўзларига ҳам ёрдам қила олмаслар.

Агар уларни ҳидоятга чорласангиз, эшитмайдилар. Улар ўзлари кўрмаган ҳолларида сизга (боқиб) турганларини кўрурсиз.

(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), марҳаматли бўлинг, яхшиликка буюринг ва жоҳиллардан юз ўгининг!» (Аъроф, 191 - 199);

﴿ وَاتَّخَذُوا مِنْ دُونِهِ آلِهَةً لَا يَخْلُقُونَ شَيْئًا وَهُمْ يُخْلَقُونَ وَلَا يَمْلِكُونَ لِأَنْفُسِهِمْ ضَرًّا وَلَا نَفْعًا وَلَا يَمْلِكُونَ مَوْتًا وَلَا حَيَاةً وَلَا نُشُورًا ﴾

«(Мушриклар) эса У зотни қўйиб, бирон нарса ярата олмайдиган, (балки) ўзлари яралувчи бўлган, (ўзгалар у ёқда турсин, ҳатто) ўзларига ҳам бирон зиён ё фойда эга бўлмайдиган

ва на (бироваларга) ўлим беришга, на ҳаёт беришга ва на қайта тирилтиришга эга бўлмайдиган «худодлар»ни ушладилар (яъни, ўшаларга сиғиндилар)» (Фурқон, 3);

﴿ قُلْ ادْعُوا الَّذِينَ زَعَمْتُمْ مِنْ دُونِ اللَّهِ لَا يَمْلِكُونَ مِثْقَالَ ذَرَّةٍ فِي السَّمَاوَاتِ وَلَا فِي الْأَرْضِ وَمَا هُمْ فِيهَا مِنْ شَرِكٍ وَمَا لَهُ مِنْهُمْ مِنْ ظَهِيرٍ ● وَلَا تَتَّبِعُوا الشَّفَاعَةَ عِنْدَهُ إِلَّا لِمَنْ أَدْنَىٰ لَهُ حَتَّىٰ إِذَا فُزِعَ عَنْ قُلُوبِهِمْ قَالُوا مَاذَا قَالَ رَبُّكُمْ قَالُوا الْحَقَّ وَهُوَ الْعَلِيُّ الْكَبِيرُ ﴾

«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам, мушрикларга) айтинг: «Сизлар Аллоҳдан ўзга (илоҳлар) деб гумон қилган бутларингизга дуо-илтижо қилаверинглар-чи, (улар сизларга ижобат қила олармиканлар)! Улар на осмонларда ва на ерда бир зарра вазнича (нарс)га эга эмасдирлар ва улар учун (осмонлар ва ерда Аллоҳга) шериклик ҳам йўқдир ҳамда (Аллоҳ) учун улардан бирон ёрдамчи ҳам йўқдир.

(Аллоҳ) ҳузурида фақат Унинг Ўзи изн берган кишиларгагина шафоат-оқлов фойда берур (яъни, ана ўша зотларгина шафоатга эришурлар, ё ўзгаларни шафоат қила олурлар). То қачон (Парвардигор улар учун шафоатга изн бериши билан) дилларидан кўркув кетказилгач улар (бир-бирларига): «Парвардигорингиз нима деди (яъни, шафоатга ҳақиқатан изн бердими?)», деб (савол қилишиб), «Ҳақни (айтди, яъни ҳақиқатан шафоатга изн берди), У юксак ва буюк зотдир», дейишиб (жавоб қилурлар)» (Сабаъ, 22 – 23).

Шу боис, ибодатда Аллоҳ таолога шерик қилиш:

– зулмларнинг зулмидир; Аллоҳ таоло айтди:

﴿ إِنَّ الشِّرْكَ لَظُلْمٌ عَظِيمٌ ﴾

«Дарҳақиқат, ширк келтириш катта зулмдир» (Луқмон, 13).

Чунки, ширк – Аллоҳ таолони камситиш, Унинг ҳаққини бошқаларга бериш ҳамда Аллоҳ таолони бошқаларга тенглаштириш, демақдир. Аллоҳ таоло айтди:

﴿ تَمَّ الَّذِينَ كَفَرُوا بِرَبِّهِمْ يَعْدِلُونَ ﴾

«Сўнгра (яъни, Унинг шундай ягона эканлиги ҳақидаги ҳужжатларни кўра туриб) кофир бўлган кимсалар Парвардигорларига (ўзгаларни) тенглаштирадилар» (Анъом, 1).

– катта гуноҳларнинг каттароғидир;

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сизларга катта гуноҳларнинг энг каттасини айтиб берайми?!»

– деб уч марта такрорладилар. Саҳобалар: “**Ҳа, ё расулуллоҳ**”, дейишгач: «**Аллоҳга шерик қилиш**» – дедилар⁽⁹⁾.

– **гуноҳи азимдир;**

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга: «Қайси гуноҳ Аллоҳнинг наздида энг буюқдир?» – деб савол берилганида: «**Сени яратган бўлишига қарамай, Аллоҳга тенгдош қилишингдир!**» – деб жавоб бердилар⁽¹⁰⁾.

– **фитратдаги тубанлик ва залолатга шўнғиш;**

Аллоҳ таоло айтди:

﴿ وَمَنْ يُشْرِكْ بِاللَّهِ فَكَأَنَّمَا خَرَّ مِنَ السَّمَاءِ فَتُحَطُّهُ الطَّيْرُ أَوْ تَهْوِي بِهِ الرِّيحُ فِي مَكَانٍ سَحِيقٍ ﴾

«**Ким Аллоҳга ширк келтирса бас, у осмондан қулагану, уни (бирон ваҳший) қуш (ўлжа қилиб) олиб кетган ёки (қаттиқ) шамол йироқ жойларга учириб кетган кабидир**» (Ҳаж, 31).

Ўта хунук иш бўлгани боис, Аллоҳ таоло ширк амали учун, дунёвий ва ухровий ҳукмларнитайинлади. Шулардан баъзилари қуйидагилардир:

– **мағфират қилмаслик;**

Аллоҳ таоло айтди:

﴿ إِنَّ اللَّهَ لَا يَغْفِرُ أَنْ يُشْرَكَ بِهِ وَيَغْفِرُ مَا دُونَ ذَلِكَ لِمَنْ يَشَاءُ وَمَنْ يُشْرِكْ بِاللَّهِ فَقَدِ افْتَرَىٰ إِثْمًا عَظِيمًا ﴾

«**Албатта Аллоҳ Ўзига (бирон нарсанинг) шерик қилинишини кечирмас. Шундан бошқа гуноҳларни Ўзи хоҳлаган бандалари учун кечирур. Ким Аллоҳга (бирор кимса ёки нарсани) шерик келтирса, бас, у буюқ гуноҳни тўқиб чиқарибди**» (Нисо, 48).

– **жаннатдан маҳрум қилиш ва жаҳаннамдаги мангулик;**

Аллоҳ таоло айтди:

﴿ إِنَّهُ مَنْ يُشْرِكْ بِاللَّهِ فَقَدْ حَرَّمَ اللَّهُ عَلَيْهِ الْجَنَّةَ وَمَأْوَاهُ النَّارُ وَمَا لِلظَّالِمِينَ مِنْ أَنْصَارٍ ﴾

«**Албатта кимда-ким Аллоҳга ширк келтирса, Аллоҳ унга жаннатни ҳаром қилур ва борар жойи дўзах бўлур. Зулм қилгувчилар учун бирон ёрдамчи бўлмас**» (Моида, 72).

(9) Муттафақун алайҳ. Имом Бухорий (№ 2654) ва Имом Муслим (№ 87) ларнинг Абу Бакра разияллоҳу анҳудан ривояти.

(10) Муттафақун алайҳ. Имом Бухорий, 4477; Имом Муслим, 86. Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анху ривояти. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга савол берган ҳам Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳудир.

– қилинган барча солиҳ амалларнинг бекор бўлиши;

Аллоҳ таоло айтди:

﴿وَلَقَدْ أُوحِيَ إِلَيْكَ وَإِلَى الَّذِينَ مِنْ قَبْلِكَ لَئِنْ أَشْرَكْتَ لَيَحْبَطَنَّ عَمَلُكَ وَلَتَكُونَنَّ مِنَ الْخَاسِرِينَ﴾

«Дарҳақиқат, сизга ҳам, сиздан аввалги (пайғамбарларга ҳам шундай) ваҳий қилингандир: «Қасамки: агар мушрик бўлсанг, албатта қилган амалинг беҳуда кетур ва албатта зиён кўргувчилардан бўлиб колурсан!» (Зумар, 65).

– қон ва мулк дахлсизлигининг бекор қилиниши;

Аллоҳ таоло айтди:

﴿فَإِذَا انْسَلَخَ الْأَشْهُرُ الْحُرْمُ فَاقْتُلُوا الْمُشْرِكِينَ حَيْثُ وَجَدْتُمُوهُمْ وَخُذُوهُمْ وَأَحْضُرُوهُمْ وَأَقْعُدُوا لَهُمْ كُلَّ مَرْصَدٍ فَإِنْ تَابُوا وَأَقَامُوا الصَّلَاةَ وَآتَوُا الزَّكَاةَ فَخَلُّوا سَبِيلَهُمْ إِنَّ اللَّهَ غَفُورٌ رَحِيمٌ﴾

«Бас, қачон уруш ҳаром қилинган ойлар чиқса, мушрикларни топган жойингизда ўлдиригиз, (асир) олингиз, қамал қилингиз ва барча йўлларда уларни кузатиб турингиз! Энди агар тавба қилсалар ва намозни тўқис адо қилишиб, закотни берсалар, уларнинг йўлларини тўсмангиз! (Яъни, улар билан урушишни бас қилингиз). Албатта, Аллоҳ мағфиратли, меҳрибондир» (Тавба, 5).

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар:

«Мен одамлар «ла илаҳа иллаллоҳ» (Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ) деб иқроор бўлгунларича уруш қилишга буюрилдим. Агар уни айтишса, мендан қонлари ва молларини омон сақлаган бўладилар. Фақат Ислом ҳаққи бундан мустасно. Сарҳисоби эса Аллоҳга ҳаволадир»⁽¹¹⁾.

Бу мавзуда одамзотнинг бир неча тоифаси залолатга юз тутди:

1. Бутпарастлар. Шайтон уларни дарахт, тош, одамзот, жин, фаришта, юлдузлар ва ҳайвонлар каби нарсаларга ибодат қилдириш билан адаштирди.

2. Қабрпарастлар. Улар дафн қилинган ўликларга илтижо қилиб, назр ва қурбонликлар тақдим этадилар ҳамда улардан манфаат келтириш ва зарарни даф қилишларини сўрайдилар.

3. Сеҳргар, фирибгар ва фолбинлар.

(11) Муттафақун алайҳ. Имом Бухорий (№ 1399) ва Имом Муслим (№ 20) ларнинг Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривояти. Яна, Имом Бухорий (№ 25) ва Имом Муслим (№ 22) ларнинг Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳудан намоз ва закот қўшимчали ривояти.

Улар тақдим этишган хабарлари эвазига жинларга ибодат қиладилар ёки жинлар ўзлари хабарларни уларга олиб келишади ёхуд сеҳр каби ишларни қилишади.

Ибодатда шерик қилиш оқибати оғир бўлгани учун ҳам, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ширкка олиб борадиган воситалардан огоҳлантириб, унга олиб борадиган йўллари тўсдилар. Шу огоҳлантиришлардан баъзилари қуйидагилардир:

1. Солиҳинсонларни ардоқлашда ғулув кетишдан огоҳлантириш.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар:

«Ғулувдан узоқ турингиз! Чунки сизлардан аввал яшаб ўтганларни динда ғулув кетиш ҳалокатга учратган»⁽¹²⁾;

«Мени насронийлар Марям ўғлини улуғлаганларидек кўкларга кўтарманглар! Чунки, мен – Аллоҳнинг қулиман. Бас, “Аллоҳнинг қули ва элчиси” – денглар!»⁽¹³⁾.

Солиҳ одамларни восита қилиш ҳам, солиҳлар ҳақида ғулув кетишнинг бир туридир. Восита қилиш – тавассул икки турлидир:

А) Ислом миллатидан чиқарадиган ширк тавассул.

Бу эҳтиёжларни қондириши ва мусибатларни кушойиш қилиши учун Аллоҳ таолони қўйиб, бошқаларга илтижо қилишдир.

Б) Бидъат тавассул.

Бу тавассул ширкка олиб бормади. Чунки у, солиҳ инсонларнинг зотлари ёки обрўлари ёхуд ҳақ ва ҳурматлари каби, Аллоҳ таоло машруъ қилмаган нарсалар билан тавассул қилишдир.

В) Машруъ тавассул.

Бу тавассул – Аллоҳ таолога иймон келтириш, итоат этиш, Унинг бирон исм ёки сифатлари билан, ё қилган солиҳ амали билан ёда бирон солиҳ одам томонидан қилинадиган умумий дуо билан тавассул қилишдир.

Умар разияллоҳу анҳунинг: **«Аллоҳим, биз Сенга Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламни восита қилар ва Сен бизга ёмғир ёғдирар эдинг. (Бугун) Сендан Пайғамбаримизнинг амакисини**

(12) Имом Аҳмад (№№ 1851, 3248), Насоий (№ 3059), Ибн Можа (№ 3029). Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳудан ривояти.

(13) Имом Бухорий (№ 3445). Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳудан ривояти.

восита қилиб тилакда бўлмоқдамиз, бизга ёмғир ёғдир!»⁽¹⁴⁾ деб қилган тавассули. Аббос ибн Абдулмутталиб разияллоҳу анҳу зоти билан эмас, унинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга қариндошлиги сабабли дуоסי билан тавассул қилишдир. Агар зотлар билан тавассул қилиш жоиз бўлса эди, саҳобалар вафот этиб кетган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг зоти билан тавассул қилишарди!

2. Мозорлар билан фитналаниб қолишдан огоҳлантириш.

Бунинг баъзи турлари қуйидагилардир:

А) Қабрларни саждагоҳ қилиб олиш.

Оиша разияллоҳу анҳо айтдилар:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга ваҳий туша бошлаганида юзларига бир парча газмол ташлаб олар, ваҳий тугагач юзларини очар эдилар. (Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шундай ҳолатларидан бирида: «Пайғамбарларининг қабрларини саждагоҳ қилиб олган насроний ва яҳудийларга Аллоҳнинг лаънати бўлсин!» – деб, улар қилган ишлардан огоҳлантирдилар. Шунинг учун ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қабри кўрсатилмади. Чунки уни саждагоҳ қилиниш хавфи бор эди»⁽¹⁵⁾.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар:

«Огоҳ бўлингизким, сизлардан аввал яшаб ўтган (халқ)лар пайғамбарлари ва (ичларидан чиққан) солиҳ одамларининг мозорларини саждагоҳ қилиб олишар эди. Шунини ёддан чиқармангиз: Мозорларни саждагоҳ қилиб олмангиз! Мен сизларга бунини тақиқлайман!»⁽¹⁶⁾.

«Мозорларни саждагоҳ қилиб олмангиз» жумласининг маъноси: уларнинг олдида, гарчи масжид бўлмасада, намоз ўқишни мақсад қилмангиз, демакдир. Чунки масжид, сажда қилинадиган жойдир.

Б) Қабрлар устига дахмалар солиш, унинг устига тупроғидан бошқа нарсаларни тортиш ва қабрларни бетонлаш.

(14) Имом Бухорий (№ 1010). Анас разияллоҳу анҳунинг Умар разияллоҳу анҳудан ривояти.

(15) Муттафақун алайҳ: Имом Бухорий (№ 435, 436, 1390), Имом Муслим (№ 529, 531).

(16) Имом Муслим (№ 532). Жундуб разияллоҳу анҳу ривояти.

Абу Ҳайёж Асадий раҳимаҳуллоҳ айтди:

«Менга Али ибн Абу Толиб разияллоҳу анҳу шундай деди: «Мен сени Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мени юборган иш учун юборайми? Биронта (жонли мавжудотнинг) расм(и)ни қўймай ўчирасан, баланд бўлган биронта қабрни қўймай, (ер билан) текислайсан!»⁽¹⁷⁾.

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳумо айтди:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қабр устини бетонлаш, қабрлар устига ўтириш ва қабрлар устига бинолар қуришни тақиқладилар»⁽¹⁸⁾.

Қабрлар устига гумбаз ва дахмалар қуриш ҳамда қабрлар устини безаш ҳам, ушбу ҳукм таҳтига киради.

В) Мозорларга бориш учун тайёргарлик кўриш.

Чунки бундай ҳаракатлар, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: **«Фақатгина учта масжид: Масжидул Ҳаром, менинг ушбу масжидим ва Ақсо масжидига бориш учунгина ният қилинади»⁽¹⁹⁾**— деб айтган ҳадисининг умумий маънолари ичига киради.

Г) Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қабрини сайлгоҳ қилиб олиш.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар:

«Мозоримни байрамгоҳ қилиб олманглар!»⁽²⁰⁾.

“Байрамгоҳ”: келиш ёки ният қилиш қасд қилинган замон ва макондир.

3. Мушрик ва китоб аҳлларига эътиқодлари, ўзларига хос ибодатлари, одатларида менгзашдан огоҳлантириш.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар:

«Мушриклар қилган ишнинг аксини қилинглари!»⁽²¹⁾;

(17) Имом Муслим (№ 969).

(18) Имом Муслим (№ 970).

(19) Муттафақун алайҳ: Имом Бухорий (№ 1189) ва Имом Муслим (№ 1397). Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривояти.

(20) Абу Довуд (№ 2042). Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривояти.

(21) Муттафақун алайҳ: Имом Бухорий (№ 5892) ва Имом Муслим (№ 259). Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривояти.

**«Мажусий (оташпараст)лар қилган ишнинг аксини қилинглар!»⁽²²⁾;
«Яҳудийлар қилган ишнинг аксини қилинглар!»⁽²³⁾.**

4. Жонли махлуқотларнинг расмини чизишдан огоҳлантириш.

Оиша разияллоҳу анҳо айтди:

«Умму Салама разияллоҳу анҳо Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга Ҳабашистонда кўрган черковни ва черковдаги расмларни айтиб берди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

«Улар – ичларидан биронта солиҳ одам ўлса, унинг мозори устига саждагоҳ бино қилар ва унинг ичига ўша расмларни чизадиган халқлар эди. Ўшалар – Аллоҳнинг ҳузуридаги энг бадбахт одамлардир!» – дедилар»⁽²⁴⁾.

5. Ширкни ифодалаган жумлаларни талаффуз қилишдан огоҳлантириш.

Бунинг турларидан баъзилари қуйидагилардир:

А) Аллоҳдан бошқа нарсаларнинг номига онт (қасам) ичиш.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар:

«Ким Аллоҳдан бошқасининг номи билан онт ичса, куфр ёки ширк сўзини айтибди»⁽²⁵⁾.

Б) Истак ва хоҳишда махлуқотларни Аллоҳга тенглаштириш.

Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Аллоҳ ва сиз хоҳласангиз!»** – деган одамга: **«Мени Аллоҳга тенглаштирдингми?!** (Бунинг ўрнига): **«Аллоҳнинг ўзи хоҳласа! – деб айт»** – дедилар»⁽²⁶⁾.

В) «Фалон бурж сабабли бизга ёмғир ёғди», дейиш.

(22) Имом Муслим (№ 220). Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривояти.

(23) Абу Довуд (№ 652). Шаддод ибн Авс разияллоҳу анҳудан ривояти.

(24) Муттафақун алайҳ: Имом Бухорий (№ 434) ва Имом Муслим (№528) ривояти. Ҳадис лафзи Имом Бухорийники.

(25) Абу Довуд (№ 3251) ва Термизий (№ 1535) ривояти. Ҳадис лафзи Термизийники. Ҳар иккиси келтирган ушбу ҳадисни, Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳумо ривоят қилган.

(26) Насоий «ас-Сунанул Кубро» (№ 10759)да Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривояти.

Аллоҳ таолонинг ҳадис қудсийсида шундай дейилган:

«Ким: “Бизга фалон ва фалон буржлар сабабли ёмғир ёғди” деса, Менга кофир, буржга мўмин бўлибди»⁽²⁷⁾.

Бу ҳадиснинг таҳтига Коинотдаги жараёнларни бошқаришни Аллоҳдан бошқасига нисбатлашни ўз ичига олган барча гаплар кираверади.

6. Ширкка олиб борадиган амаллардан огоҳлантириш.

Бунинг турларидан баъзилари қуйидагилардир:

А) Радди бало учун қўл ёки бўйинга ҳалқа тақиб, иплар боғлаш.

Имрон ибн Ҳусойн разияллоҳу анҳу ривоят қилди:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қўлига мис халқа тақиб олган бир одамни кўриб: **«Қуриб кетгур, бу нима?!»** – деб сўрадилар. У одам: **«Иқтидорсизликка қарши тақиб олдим!»** – деб жавоб бергач, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Уни чиқар! У сенда иқтидорсизликни кучайтиради. Бу сенда тақилган ҳолатингда ўлсанг, (жаҳаннамдан) асло қутула олмайсан!»** – дедилар»⁽²⁸⁾.

Б) Кўз тегишдан ҳимояланиш учун тумор, ип ва тақинчоқларни тақиб.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар:

«Ким (назар ва бошқа офатлардан сақланиш учун) тумор таққан бўлса, Аллоҳ уни соғлиқ ва офиятига етказмасин! Ким радди бало учун тумор таққан бўлса, Аллоҳ унинг офиятини йўқ қилсин!»⁽²⁹⁾.

Имом Аҳмад ва Ҳоким раҳимаҳумаллоҳлар ривоятида:

«Ким тумор тақса, ширк келтирибди (мушрик бўлибди)» – дейилган⁽³⁰⁾.

Бошқа бир ҳадисда: **«Туя(лар)нинг бўйнидаги ҳар бир тумор ва ип тақинчоқлар узиб ташланди»** – дейилган⁽³¹⁾.

(27) Муттафақун алайҳ: Имом Бухорий (№ 846) ва Имом Муслим (№ 71)ларнинг Зайд ибн Холид Жуҳаний разияллоҳу анҳудан ривояти.

(28) Имом Аҳмад (№ 20000), Ибн Можа (№ 3531), Ибн Ҳиббон «Саҳиҳ» (№ 6085) даги ривояти.

(29) Имом Аҳмад (№ 17404). Ибн Ҳиббон (№ 6086). Ҳоким «Мустадрок» (№ 7708). Уқба ибн Омир разияллоҳу анҳу ривояти.

(30) Имом Аҳмад (№ 17422). Ҳоким «Мустадрок» (№ 7720). Уқба ибн Омир разияллоҳу анҳу ривояти.

(31) Муттафақун алайҳ: Имом Бухорий (№ 3005), Имом Муслим (№ 2115). Абу

В) Ширк сўзларни ўз ичига олган дам солиш, азойим ва иситма-совутмалар.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «(Ширк сўзларни ўз ичига олган) **дам солишлар, тумор ва иситма-совутма (азойим)лар – ширкдир**» – дедилар⁽³²⁾.

«Иситма-совутма»: хотинни эрига севимли қилиб кўрсатиш мақсадда тайёрланган тумор.

Г) Ширк ишлари амалга ошириладиган жойда жонлиқ сўйиш.

Чунки бир одам Бувона деган жойда туя бўғизламоқчи бўлганини айтганида, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**У жойда сиғинилган жоҳилият бутларидан биронтаси борми?**» – деб сўрадилар. (Саҳобалар): “Йўқ”, деб жавоб беришгач: «**У жойда уларнинг бирон байрамгоҳи борми?**» – деб сўрадилар. (Саҳобалар): “Йўқ”, деб жавоб беришгач: «**Назрингни амалга оширавер!**» – дедилар⁽³³⁾.

Д) Шумланиш.

Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳумо марфуъ ўлароқ нақл қилган ҳадисда шундай дейилган: «**Шумланиш – ширкдир! Шумланиш – ширкдир!**»⁽³⁴⁾. Хуллас, Аллоҳ таоло сабаб, ҳис ва шариат деб ҳисобламаган нарсани сабаб қилган кимса, ширк амалини қилибди ёки ширк унга оралай бошлабди.

❖ Тўртинчиси: Аллоҳ таолонинг исм ва сифатларига иймон келтириш.

Бу иймон, Аллоҳ таолонинг гўзал исмлари ва олий сифатлари борлигига қатъий ишониш; Аллоҳ таоло ўз Китобида ўзи учун, пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам суннатларида Аллоҳ учун исбот қилган камолот ва олийлик сифатларини ўхшатмай ва кайфиятсиз исбот қилиш; Аллоҳ таоло ўзидан ўз Китобида, пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам суннатларида инкор қилган нуқсонлик, айблилик ва махлуқотларига ўхшашлик каби сифатларни инкор қилиш, демакдир.

Башир Ансорий разияллоҳу анҳу ривояти.

(32) Абу Довуд (№ 3883). Ибн Можа (№ 3530). Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу ривояти.

(33) Абу Довуд (№ 3313). Собит ибн Заҳҳок разияллоҳу анҳу ривояти. Ибн Можа (№ 2130). Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳумо ривояти.

(34) Абу Довуд (№ 3910). Ибн Можа (№ 3538).

Аллоҳ таоло айтди:

﴿وَلِلَّهِ الْأَسْمَاءُ الْحُسْنَىٰ فَادْعُوهُ بِهَا وَذَرُوا الَّذِينَ يُلْحِدُونَ فِي أَسْمَائِهِ سُبُحْرُونَ مَا كَانُوا يَعْمَلُونَ﴾

«Аллоҳнинг гўзал исмлари бордир. Бас, Уни ўша исмлар билан чорланглар (ёд этинглар). Унинг исмларида ҳақдан оғиб (ноўрин жойларда уларни қўллайдиган мушрик) кимсаларни тарк қилинглар. Улар яқинда қилиб ўтган амалларига яраша жазоланурлар» (Аъроф, 180);

﴿لَيْسَ كَمِثْلِهِ شَيْءٌ وَهُوَ السَّمِيعُ الْبَصِيرُ﴾

«Бирон нарса У зотга ўхшаш эмасдир. У эшитгувчи ва кўриб тургувчидир» (Шўро, 11).

Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг исм ва сифатлари тавқифий – Аллоҳ тарафидан белгиланган ва ўзгармасдир: башар ақлининг ўзигина уларни исботлай олмас. Аллоҳ таоло ўзини ёки пайғамбари Аллоҳни сифатлаган сифатлар билангина сифатланади. Аллоҳ ва пайғамбари оғиз очмаган барча сифатлар ҳақида жим қолиш, на инкор ва на исбот қилиш, у сифатларни тилга олган одамдан тафсилотларни талаб қилиш фарздир. Агар тилга олган одам тўғри маънони назарда тутган бўлса, у қабул қилинсада, лафзи рад этилади. Агар бузуқ маънони назарда тутган бўлса, сифатнинг лафзи ҳам, маъноси ҳам рад қилинади. Аллоҳ таоло айтди:

﴿وَلَا تَقْفُ مَا لَيْسَ لَكَ بِهِ عِلْمٌ إِنَّ السَّمْعَ وَالْبَصَرَ وَالْفُؤَادَ كُلُّ أُولَٰئِكَ كَانَ عَنْهُ مَسْئُولًا﴾

«(Эй инсон), ўзинг аниқ билмаган нарсага эргашма! Чунки қулоқ, кўз, дил – буларнинг барчаси тўғрисида (ҳар бир инсон) масъул бўлур (яъни, эшитган, кўрган ва ишонган ҳар бир нарсаси учун киши Қиёмат кунида жавоб беради)» (Исро, 36).

Аллоҳнинг исмлари гўзалликнинг энг чўққисига эришди. Улар – Аллоҳнинг зотининг исмлари ва Унинг сифатларидир. Аллоҳнинг сифатлари мукамал бўлиб, уларда бирон жиҳатдан камчилик йўқдир. Аллоҳ таоло айтди:

﴿وَلَهُ الْمَثَلُ الْأَعْلَىٰ فِي السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَهُوَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ﴾

«Осмонлар ва Ердаги энг юксак хислат (яъни, яккаю-ягоналик) Уникидир. У қудрат ва ҳикмат эгасидир» (Рум, 27).

Бу ўз аслига кўра ҳақиқатдир. Бу сифатларни ўзининг юзаки маъноларига кўра, ўзгартирмай ишлатиш лозим. Уларга яроқсизлаштирмай ёки ўхшатмай ёхуд Аллоҳ ўзини атамаган исмлар

билан исламамай инкор этиш, ёки бутлар отини Аллоҳнинг “илоҳ” сўзидан “Лот”, “Азиз” исмидан “Уззо” ва “Маннон” исмидан “Манот” исмларини яшаш, ҳаромдир.

Тилак ёки ибодат сўровлари-дуолари шу исмлар билан бўлиши керак. У исм ва сифатларни ёддан билиш, уларнинг маъноларини англаш, уларнинг осорлари ҳақида тафаккур қилиш ва улар тақозоси билан амал қилиш керак. Бу – энг шарафли билимлардан биридир.

Аллоҳ таолонинг сифатлари Аллоҳ таолога боғлиқлиги нуқтаи назаридан қуйидаги турларга бўлинади:

1. Аллоҳнинг зотига тааллуқли сифатлар.

Бу сифатлар, Аллоҳ таолонинг муқаддас зотига тааллуқли тириклик, эшитиш, кўриш, билиш, қудрат, истак, ҳикмат, қувват ва бошқа сифатлардир.

2. Феълий сифатлар.

Бу сифатлар, Аллоҳ таолонинг истак ва ҳикматига тааллуқли сифатлар бўлиб, уларни ҳикмати тақозо этганидек, хоҳлаган пайтида хоҳлаганидек қила олади. Масалан, кўтарилиш, тушиш, суюш, ёмон кўриш, севиниш, кибрланиш, кулиш, келиш ва бундан бошқа, Қуръони карим ёки ишончли суннатларда келган Аллоҳнинг сифатлари.

Бу сифатларнинг айримлари, масалан, “калом” сифати ҳам зотий ва ҳам феълий сифат дейилади. Бу сифат сифатнинг аслига кўра зотий, бўлақларига кўра феълийдир. Ёхуд уларни асли қадим, бўлақлари эса ҳодис (янги), деб ҳам аталади.

Айрим сифатларни “хабар сифатлари” деб аталади. Чунки уларнинг исботи ақл билан эмас, балки фақат берилган хабар билан собит бўлгандир. Масалан: юз, икки қўл, икки кўз, оёқ ва бошқа ишончли хабарлар келтирган сифатлар.

Аллоҳ таолонинг Қуръони карим ва ишончли суннат билан собит бўлган сифатларидан баъзилари:

1. Улув (олийлик) сифати.

Бу сифат уч турлидир:

А) Қадри олий.

Яъни, Аллоҳ таолонинг камолот сифатлари энг баркамол, энг мукамал ва энг олий сифатлардир. Аллоҳ таоло айтди:

﴿ وَلِلَّهِ الْمَثَلُ الْأَعْلَى ﴾

«Энг юксак хислатлар Аллоҳникидир» (Наҳл, 60).

Б) Мутлақ ғолиблик.

Аллоҳ таоло барча махлуқотлари устидан мутлақ ғолиб, кучли ва иззатлидир. Аллоҳ таоло айтди:

﴿ وَهُوَ الْقَاهِرُ فَوْقَ عِبَادِهِ ﴾

«Унинг Ўзи бандалари устида ғолибдир» (Анъом, 18).

В) Зотнинг олийлиги.

Яъни, Аллоҳ таоло осмонлар устида, Аршига кўтарилган, махлуқларидан олисда. Аллоҳда махлуқларининг бирон сифати, махлуқларида Аллоҳнинг бирон сифати йўқдир. Аллоҳни мушриклар сифатлаётган нуқсонли сифатлардан поклайман! Аллоҳ таоло айтди:

﴿ أَمِنْتُمْ مَنْ فِي السَّمَاءِ ﴾

«(Эй Макка кофирлари), ё сизлар (кофирлигингизда оёқ тираб тураверсангизлар) осмондаги зот сизларни Ер юттириб юборишидан, бас, баногоҳ (Ер) титроққа тушиб, сизларни босиб қолишидан хотиржаммисизлар (қўрқмайсизларми)?!» (Мулк, 16).

Имом Муслим раҳимаҳуллоҳнинг «Саҳиҳ» ҳадислар девонида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бир жориядан: **«Аллоҳ қаерда?»** – деб сўрагани, унинг: **«Осмонда!»** – деб жавоб бергани, шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг (унинг ҳожасига): **«Уни озод қил! Чунки у мўминадир!»** – деганлари нақл қилинган⁽³⁵⁾.

Қуръон, суннат, ижмоъ, ақл ва фитратнинг бу турдаги сифатни исботлаш учун далиллари ҳисобсиз даражада кўпдир. Олийлик – зотий сифатдир.

(35) Имом Муслим (№ 537)нинг Муовия ибн Ҳакам Суламийдан ривояти.

2. Кўтарилиш (истиво) сифати.

Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг олти жойида:

﴿مُّسْتَوِي عَلَى الْعَرْشِ﴾

«сўнгра Ўз аршга кўтарилди» – деган бўлса (Аъроф, 54), битта жойида:

﴿الرَّحْمَنُ عَلَى الْعَرْشِ اسْتَوَى﴾

«Раҳмон аршга кўтарилди» – деган (Тоҳа, 5).

“Кўтарилиш”дан мақсад, Аллоҳ таолонинг Еру Осмонларни яратиб бўлгач, буюклиги ва азаматига лойиқ шаклда, махлуқларининг кўтарилишига ўхшамаган тарзда аршга кўтарилишидир. Кўтарилиш – феълий сифатдир.

3. Калом сифати.

Аллоҳ таоло айтди:

﴿قُلْ لَوْ كَانَ الْبَحْرُ مَدَادًا لَكَلِمَاتِ رَبِّي لَنَفَذَ الْبَحْرُ قَبْلَ أَنْ تَنْفَدَ كَلِمَاتُ رَبِّي وَلَوْ جِئْنَا بِمِثْلِهِ مَدَدًا﴾

«Айтинг: «Агар барча денгиз Парвардигоримнинг сўзлари (яъни, илму ҳикматларини битиш) учун сиёҳ бўлса ва яна шунча сиёҳ келтирсак ҳам, Парвардигоримнинг сўзлари битишидан илгари, у денгизлар тугаб битар!»» (Каҳф, 109);

﴿وَكَلَّمَ اللَّهُ مُوسَى تَكْلِيمًا﴾

«Мусо билан Аллоҳнинг Ўзи (бевосита) гаплашди» (Нисо, 164);

﴿وَلَمَّا جَاءَ مُوسَى لِمِيقَاتِنَا وَكَلَّمَهُ رَبُّهُ﴾

«Қачонки Мусо (ваъдалашган) вақтимизда (Тур тоғига) келиб, Парвардигори унга (бевосита) сўзлагач...» (Аъроф, 143).

Калом сифати, Аллоҳ таоло ҳарфлар ва товушлар билан эшитиладиган ва ҳақиқий бўлган гапларни гапиради, бироқ Аллоҳнинг гапириши махлуқларнинг гапиришига ўхшамайди; Аллоҳ таоло хоҳлаган пайтида хоҳлаган нарсасини, Ўзи тўғри ва адолат деб хоҳлаганидек, фоний бўлмайдиган ва азалий сўзлар билан гапиради, демакдир. Аллоҳ ҳануз гапирмоқда. Бу сифат асли нуқтаи назаридан зотий, танҳо ва яктолиги жиҳатидан эса феълий сифатдир.

Бу турдаги барча сифатлар аслига кўра ҳақиқат бўлиб, уларни исботлаш, қандай ваҳий қилинган бўлса ўзгартирмай, қўшимча қўшмай, ўхшатмай ва кайфиятга солмай ўшандай тушуниш, зоҳирига кўра жорий қилиш лозим. Бу барча сифатларга доирдир. Айрим сифатлар

ҳақида айтилган ҳукмлар, бошқаларига ҳам тааллуқлидир. Бундан бошқача тушунган одам, далилсиз ҳукм қилган бўлади.

Аллоҳнинг исм ва сифатлари бобида қибладошлар орасидан бир неча гуруҳлар адашдилар. Улардан баъзилари қуйидагилардир:

1. Ахлут-тамсил.

Бу гуруҳдаги одамлар Аллоҳнинг сифатларини исбот этишда ҳадларидан ошиб, тенгдош қилиш балосига дучор бўлдилар ва: «Бу сифатларни баён қилиш ваҳий тақозосидир! Чунки Аллоҳ таоло, одамларга махлуқларда кўришган нарсалар билан хитоб қилган!» деган шубҳага боришди. *(Бу гуруҳ “Аллоҳ таолонинг сифатлари махлуқлар сифатлари кабидир” деган тушунчададирлар. Таржимон изоҳи).*

● Уларга бир неча жиҳатдан раддия бериш мумкин.

➤ **Биринчидан:** Аллоҳ таоло (бирон соҳада) ўзининг тенгги ёки тенгдоши борлигини қатъий ва очиқ оятлар билан инкор қилди.

﴿لَيْسَ كَمِثْلِهِ شَيْءٌ﴾

«Бирон нарса У зотга ўхшаш эмасдир» (Шуро, 11).

﴿فَلَا تَجْعَلُوا لِلَّهِ أَنْدَادًا وَأَنْتُمْ تَعْلَمُونَ﴾

«Бас, билиб туриб ўзгаларни Аллоҳга тенглаштирманг» (Бақара, 22).

﴿وَمَا يَكُنْ لَهُ كُفُوًا أَحَدٌ﴾

«Ва ҳеч ким У зотга тенг эмасдир» (Ихлос, 4). Шундай экан, Аллоҳ таолонинг сўзлари асло бир-бирига зид бўлиши мумкин эмас.

➤ **Иккинчидан:** соғлом ақл ҳам, баркамол яратувчи илоҳнинг калтабин махлуқот бўлган қулдек бўлишини қабул қилмайди. Бинобарин, Аллоҳнинг зоти бошқа зотларга, сифатлари эса бошқа сифатларга ўхшамайди.

➤ **Учинчидан:** Аллоҳ таоло бандаларга маъно нуқтаи назаридан тушуна олишадиган нарсалар билан хитоб қилди. Мутлақ маънода шерик бўлиш аслият ва кайфиятларда ўхшашлик бўлишини тақозо қилмайди. Жумладан, махлуқларнинг ўзларида мавжуд бўлган эшитиш, кўриш, қудрат, қўл, юз каби исм ва сифатлар ҳам, улар ўртасида бир хилликни ифода этмайди. Шундай экан, Холиқ билан махлуқ орасидаги фарқлиликнинг бўлиши оддий ҳолдир.

2. Ахлут-таътил.

Бу гуруҳдаги одамлар Аллоҳ таолони (исму сифатларда) поклашда илгарилаб, Унинг сифатларини бутунлай ёки қисман инкор қилишгача этиб бордилар ҳамда «сифатларни исботлаш, айна сифатлар махлуқларда ҳам бўлгани учун, ўхшашликни тақозо қилади. Шу боис, ушбу сифатларни Холиқдан (Аллоҳдан) йўқ қилиш керак», деган шубҳага бордилар-да, Аллоҳ таоло учун сифатларга алоқаси бўлмаган мутлақ вужудни исбот қилдилар.

Бу гуруҳларнинг энг ашаддийлари Аллоҳ таолодан бир-бирига зид бўлган сифатларни инкор қилган ботиний қаромитлар, сўнгра исм ва сифатларни бутунлай инкор қилган жаҳмийлар, кейин эса исмларни исбот қилиб, исмлар тақозо қилган сифатларни инкор қилган мўътазила гуруҳларидир.

● Уларга бир неча жиҳатдан раддия берилган:

➤ **Биринчидан:** Аллоҳ таоло қатъий ва очиқ оятларда Ўзи учун сифатларни батафсил ва очиқ исбот этиб, тенгдошликни инкор қилишга боғлаб зикр қилди. Масалан:

﴿لَيْسَ كَمِثْلِهِ شَيْءٌ وَهُوَ السَّمِيعُ الْبَصِيرُ﴾

«Аллоҳнинг тенги ўқдир ва У – эшитгувчи, кўрувчи зотдир» (Шуро, 11).

Аллоҳнинг каломи ўзаро зид бўлиши мумкин эмас.

➤ **Иккинчидан:** бирон сифати бўлмаган мутлақ вужудни исбот этишнинг, воқелиқда ҳақиқати бўлмай, у фақатгина хаёллардагина мавжуд бўлади. Уларнинг ушбу сўзлари Яратгувчи-Холиқни инкор қилишгача олиб боради.

➤ **Учинчидан:** муайян зотда умумий ва мутлақ лафзлар билан мавжуд бўлган сифат, бошқа муайян зотда бўлишни тақозо қилмайди. Балки ҳар иккиси ҳам ўша умумий сифатнинг икки шахси бўлади. Чунки ўша сифат белгиланса ёки қўшилса, ташқи кўринишдаги муштараклик йўқолади.

3. Ахлут-таъвил.

Бу гуруҳдаги одамлар: “Феълий ва хабар сифатлари каби сифат ҳақидаги ваҳийлар, Аллоҳ таолонинг ҳақиқий сифатларига далолат қилмайди” – деб эътиқод қилдилар ва сифатлар баён қилинган ваҳийларни изоҳлаш учун, гапни зоҳири англаган маънодан буриш учун бошқа маъноларни излай бошлашди ва бу хатоларини “таъвил” (изоҳ, баён) деб аташди.

- Уларга бир неча жиҳатдан раддия берилган:

➤ **Биринчидан:** Аллоҳ таоло махлуқларидан кўра ўзини жуда яхши билади, махлуқларидан кўра ростгўй ва махлуқларидан кўра чиройли тушунтирувчидир. Унинг элчиси Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам эса бошқа одамлардан кўра Раббини жуда яхши билади, ростгўй, етарлича тушунтира оладиган ва уммат учун энг яхши насихатгўйдир. Шундай экан, ким ҳам Аллоҳ таоло ва Расули соллаллоҳу алайҳи ва салламдан кўра ўзини билимдон кўрсатиб, уларнинг сўзларини шубҳа ва залолатга восита қилади?!

➤ **Иккинчидан:** гапдаги асос, уни ҳақиқатига боғлашдир. Изоҳ эса, зоҳирий маънолардан мажозий маъноларга буришни тақозо қиладиган соғлом далил бўлсагина дуруст бўлади. Бундай соғлом далил эса йўқдир.

➤ **Учинчидан:** Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Рабби тарафидан туширилган нарсаларни одамларга очиқлаб, очиқ-ойдин етказдилар. Шундай экан, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг анави хато қилганлар иддао қилишган сохта маъноларни очиқламай, ушбу катта мавзунини эътиборсиз қолдиришларини ақл бовар қилмайди.

3. Ахлут-тажхил.

Бу гуруҳдаги одамлар: “Аллоҳ таоло ўзи, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳ таоло ҳақида берган хабарларнинг маънолари биз учун номаълум, уларни Аллоҳ таолонинг ўзигина билади, Ундан бошқа ҳеч ким билмайди” – деб эътиқод қилишади ва ўз йўлларини “тафвиз” (Аллоҳнинг ўзига топшириш, ҳавола қилиш), деб атайдилар.

- Уларга бир неча жиҳатдан раддия берилган:

➤ **Биринчидан:** дин дарвозаларининг энг каттаси бўлмиш Аллоҳ таолони билиш мавзусининг ёпиқ бўлиши мумкин эмас. Шу боис, бунга далолат қиладиган биронта ақл ёки нақл (ривоят) йўқ.

➤ **Иккинчидан:** Аллоҳ таоло Қуръони каримни очиқ араб тилида нозил қилиб, бандаларини у ва унинг маънолари ҳақида тафаккур қилишга чорлаб, бирон нарсани истисно қилмади. Маъноларни билиш мумкин эканини кўрсатган бўлсада, кайфият ва ҳақиқатлар илми Аллоҳ таолога ҳавола қилинадиган ғайб ишлардан ҳисобланади.

➤ **Учинчидан:** бундай йўл умматнинг ўтмишда яшаб ўтган солиҳ аждодларини жоҳил, уларни Қуръондан фақатгина орзуларнигина тушунадиган саводсиз, сифатлар ҳақидаги оятлар уларга мавҳум-тилсим ёхуд бирон маънони англамаган алифбо ҳарфларидек бўлгани билан васфлайдилар.





Фаришталарга иймон келтириш

Фаришталарга иймон келтириш – Аллоҳ таоло Ўзига ибодат қилишлари учун қуллар яратгани; уларни фақат ибодат қилишлари, Аллоҳга яқин бўлишлари учун тайинлагани; уларга самовотидан жой бергани ҳамда амру фармойишларини ижро этишлари учун куч-қудрат берган эканига қатъий ишониш, демақдир.

Фаришталарга қуйидаги нарсаларга эътиқод қилмай туриб иймон келтириш мукаммал бўлмайди:

Биринчидан: фаришталар – муҳтарам, Аллоҳ таолога яқин, Раббиларига итоатгўй ва Раббиларидан ўта қўрққан махлуқлардир.

Фаришталарда рубубият ва улуҳият хусусиятлари йўқдир. Аллоҳ таоло айтди:

﴿ وَقَالُوا اتَّخَذَ الرَّحْمَنُ وَلَدًا سُبْحَانَہٗ ۚ لَوْلَا عِبَادٌ مُّكْرَمُونَ ۚ لَا يَسْبِقُونَهُ بِالْقَوْلِ وَهُمْ بِأَمْرِهِ يَعْمَلُونَ ۗ يَعْلَمُ مَا بَيْنَ أَيْدِيهِمْ وَمَا خَلْفَهُمْ وَلَا يَشْفَعُونَ إِلَّا لِمَنِ ارْتَضَىٰ وَهُمْ مِنْ خَشْيَتِهِ مُشْفِقُونَ ﴾

«Улар (яъни, мушриклар): «Раҳмоннинг (фаришталардан) боласи бор», дедилар. У зот (мушрикларнинг бадгумонларидан) мутлақо покдир. Йўқ, (фаришталар асло Аллоҳнинг болалари эмас, балки) улуғ бандалардир. (Фаришталар) У зотдан илгари бирон сўз айтмайдилар (яъни, Аллоҳ буюрмаган бирон ишни қилмайдилар), улар (Аллоҳнинг) амри фармони билангина амал қилурлар. У зот уларнинг олдиларидаги (қиладиган) ва орқаларидаги (қилиб ўтган) барча иш-амалларини билур. Улар (қиёмат қоим бўлган кунда) фақат (Аллоҳ) рози бўлган кишиларнигина шафоат қилурлар – оқлай олурлар. Уларнинг (ўзлари Аллоҳдан) қўрқиб хавфу хатарда турурлар» (Анбиё, 26 - 28);

﴿ كَخَافُونَ رَبَّهُمْ مِنْ فَوْقِهِمْ وَيَفْعَلُونَ مَا يُؤْمَرُونَ ﴾

«Улар устиларидаги (уларни кузатиб турган) Парвардигорларидан қўрқурлар ва фақат ўзларига амр этилган ишларнигина қилурлар» (Наҳл, 50);

﴿ لَا يَعْصُونَ اللَّهَ مَا أَمَرَهُمْ وَيَفْعَلُونَ مَا يُؤْمَرُونَ ﴾

«Эй мўминлар, сизлар ўзларингизни ва аҳли-оилаларингизни ўтини одамлар ва тошлар бўлган дўзахдан сақлангизки, у (дўзах) устида қаттиқдил ва қаттиққўл, Аллоҳ уларга буюрган нарсага

итоатсизлик қилмайдиган, фақат ўзларига буюрилган нарсани қиладиган фаришталар турур» (Таҳрим, 6);

﴿ كَرَامَ بَرَّةٍ ﴾

«Улуғ, итоатли мирзолар (яъни, фаришталар) қўллари билан (Лавҳул-Маҳфуздан кўчириб битилгандир)» (Абаса, 16);

﴿ وَيَوْمَ نَحْشُرُهُمْ جَمِيعًا ثُمَّ يَقُولُ لِلْمَلَائِكَةِ أَهؤلاءِ إِيَّاكُمْ كَانُوا يَعْبُدُونَ • قَالُوا سُبْحَانَكَ أَنْتَ وَلِيِّنَا مِنْ دُونِهِمْ بَلْ كَانُوا يَعْبُدُونَ الْجِنَّ أَكْثَرُهُمْ بِهِمْ مُؤْمِنُونَ ﴾

«(Эсланг, Аллоҳ) уларнинг (яъни, мушрикларнинг) барчаларини тўплаб, сўнгра фаришталарга «Ана у (мушриклар) сизларга ибодат қилгувчи бўлганмидилар?» – дейилган кунда (фаришталар): «Пок Парвардигор, Сен Ўзинг бизларнинг дўстимиздирсан, улар эмас. Йўқ, улар жинларга ибодат-итоат қилар эдилар. Уларнинг кўплари (жинларга) иймон келтиргувчидирлар», дерлар» (Сабаъ, 40 - 41);

﴿ قَالُوا سُبْحَانَكَ لَا عِلْمَ لَنَا إِلَّا مَا عَلَّمْتَنَا إِنَّكَ أَنْتَ الْعَلِيمُ الْحَكِيمُ ﴾

«Улар айтдилар: «Эй пок Парвардигор, биз фақат Сен билдирган нарсаларнигина биламиз. Албатта, Сен Ўзинг илму ҳикмат соҳибсан»» (Бақара, 32).

Иккинчидан: фаришталарнинг гўзал исмлари бор.

Исмларидан дарак берилган фаришталарга исмлари билан, исмларидан дарак берилмаган фаришталарга эса умумий тарзда иймон келтирамиз. Бизга Қуръони карим ва соғлом суннатда муҳтарам фаришталарнинг Жибрил, Микоил, Исрофил, Малакул-мавт (ўлим фариштаси), Молик, Ризвон, Мункар ва Накир каби исмларидан хабар берилган.

Учинчидан: фаришталар нурдан, хилма-хил қанотлар билан, баҳайбат қилиб яратилган махлуқлардир.

Аллоҳ таоло айтди:

﴿ الْحَمْدُ لِلَّهِ فَاطِرِ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ جَاعِلِ الْمَلَائِكَةِ رُسُلًا أُولِي أَجْنِحَةٍ مَثْنَى وَثُلَاثَ وَرَبَاعَ يَزِيدُ فِي الْخَلْقِ مَا يَشَاءُ إِنَّ اللَّهَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ ﴾

«Ҳамду-сано осмонлар ва ерни илк яратгувчи ҳамда (Ўзи билан бандалари ўртасида) фаришталарни икки, уч, тўрт қанотли элчилар (воситачилар) қилгувчи Аллоҳ учундир. У зот (яратган) махлуқотида Ўзи хоҳлаган нарсани зиёда қилур. Албатта Аллоҳ барча нарсага қодирдир» (Фотир, 1).

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Фаришталар нурдан яратилган»** – деганлар⁽³⁶⁾. Имом Муслим ривояти.

Икки «Саҳиҳ» ҳадислар девонида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг **“Жибрил алайҳиссаломнинг ўзини кўргани ва унинг олти юзта қаноти борлиги”** нақл қилинган⁽³⁷⁾.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Менга Аршни кўтариб турадиган Аллоҳнинг фаришталаридан бири билан гаплашишга рухсат берилди. Унинг солинчоғи билан бўйни оралиғи етти юз йиллик йўл эди»** – дедилар⁽³⁸⁾. Абу Довуд ривояти.

Фаришталар ҳаётда мавжуд махлуқотлар бўлиб, айрим тахминчилар иддао қилганларидек, маънавий кучлар эмас. Уларнинг сони кўп бўлиб, санокларини Аллоҳ таологина билади. Анас разияллоҳу анҳу ривоят қилган ва соғлом экани Имом Бухорий ва Имом Муслимлар тарафидан эътироф қилинган ва Меърож ҳикояси келтирилган ҳадисда: **«Еттинчи осмонда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни Байтул-маъмур олдига олиб чиқилди. У ерда етмиш мингта фаришта намоз ўқир, агар чиқиб кетса қайта асло кира олмас эди»** дейилган⁽³⁹⁾.

Тўртинчидан: фаришталар саф туриб тасбиҳ айтадилар.

Аллоҳ таоло фаришталарни Аллоҳни поклаш, Аллоҳ таолонинг амру фармойишларини жойига келтиришга илҳомлантириб, уларга бу фармойишларни бажо келтириш қудратини берган. Аллоҳ таоло айтди:

﴿ وَمَا مَنَّا إِلَّا لَهُ مَقَامٌ مَّعْلُومٌ • وَإِنَّا لَنَحْنُ الصَّافُّونَ • وَإِنَّا لَنَحْنُ الْمُسَبِّحُونَ ﴾

«(Фаришталар дедилар): **«Бизларнинг ҳар биримиз учун (осмонларда) аниқ маълум бир ўрин бордир(ки, бизлар ана ўша ўрнимизда Аллоҳнинг амрини адо этурмиз). Дарҳақиқат, бизлар (Аллоҳнинг йўлида) саф тортиб тургувчилардирмиз. Дарҳақиқат,**

(36) Имом Муслимнинг Оиша разияллоҳу анҳодан ривояти (№ 2996).

(37) Имом Бухорий, № 3234, Имом Муслим № 177, Оиша разияллоҳу анҳу ривояти. Имом Бухорий, №3232; Имом Муслим, № 174, Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу ривояти.

(38) Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу ривояти, № 4727.

(39) Имом Бухорий, № 3207; Имом Муслим, № 162.

бизлар (Аллоҳни ҳар қандай айбу нуқсондан поклаб) – **тасбеҳ айтгувчилардирмиз»** (Соффот, 164 - 166);

﴿ فَإِنِ اسْتَكْبَرُوا فَالَّذِينَ عِنْدَ رَبِّكَ يُسَبِّحُونَ لَهُ بِاللَّيْلِ وَالنَّهَارِ وَهُمْ لَا يَسْأَمُونَ ﴾

«Энди агар (кофирлар Аллоҳга сажда қилишдан) **кибр-ҳаво қилсалар, бас** (билингки), **Парвардигорингизнинг ҳузуридаги зотлар** (фаришталар) **кеча-ю кундузи ҳеч зерикмасдан-малолланмасдан У зотга тасбеҳ айтурлар – сажда қилурлар»** (Фуссилат, 38);

﴿ لَا يَفْتُرُونَ ﴾

«Улар туну кун сусткашлик қилмасдан (Аллоҳни) **поклайдилар»** (Анбиё, 20).

Ҳаким ибн Ҳизом разияллоҳу анху айтди: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобалар орасида экан: **«Мен эшитаётган нарсани эшитаяпсизларми?»** – деб сўрадилар. Саҳобалар: **«Ҳеч нарса эшитмаяпмиз»** – деб жавоб бердилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Мен осмоннинг инграганини эшитаяпман. Уни инграши учун малоламанат қилинмайди. (Чунки), ундаги ҳар бир қаричда бир фаришта ё сажда қилиб ёки тикка тур**(иб Аллоҳ таолони улуғламоқ)**моқда»** – дедилар» (Табароний ривояти. Шайх Албоний: «Ушбу ҳадис Муслим шартига кўра саҳиҳдир» деган)⁽⁴⁰⁾.

Бешинчидан: фаришталарни кўз илғамайди.

Фаришталар бу дунёда Аллоҳ таоло истаганлардан бошқа бирон инсоннинг ҳис этиш аъзолари тарафидан ҳис этилмайдилар. Масалан, пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Жибрил алайҳиссаломни ўз яралиш хилқати билан кўрганлар. Охиратда эса улар кўринадилар. Аллоҳ таоло бу ҳақда шундай деган:

﴿ لَا بُشْرَى يَوْمَئِذٍ لِلْمُجْرِمِينَ وَيُقُولُونَ جَهَنَّمُ حُجْرًا مُّحْجُورًا ﴾

«У кунда жиноятчи кимсалар учун бирон хушхабар бўлмас. Ва (фаришталар уларга) **дерлар:** **«(Ҳар қандай хушхабар сизлар учун) бутунлай ҳаромдир»»** (Фурқон, 22);

﴿ وَالْمَلَائِكَةُ يَدْخُلُونَ عَلَيْهِمْ مِنْ كُلِّ بَابٍ ﴾

« ... уларнинг ҳузурларига ҳар эшикдан фаришталар кириб ...» (Раъд, 23).

(40) Табароний «ал-Мўъжам ал-Кабир», № 3122. Шайх Албоний «ас-Силсилат ас-Саҳиҳаҳ», № 852.

Аллоҳ таоло фаришталарга одамлар қиёфасига кириш қудратини берган. Аллоҳ таоло айтди:

﴿ فَأَرْسَلْنَا إِلَيْهَا رُوحَنَا فَتَمَثَّلَ لَهَا بَشَرًا سَوِيًّا ﴾

«Биз унга ўз руҳимиз - (яъни, Жаброил)ни юбордик. Бас, у (Марямга) бус-бутун (рўй-рост) одам бўлиб кўринди» (Марям, 17);

﴿ وَلَقَدْ جَاءَتْ رُسُلُنَا إِبْرَاهِيمَ بِالْبُشْرَى قَالُوا سَلَامًا قَالَ سَلَامٌ فَمَا لَبِثَ أَنْ جَاءَ بِعِجْلٍ حَنِيذٍ • فَلَمَّا رَأَى أَنِّي إِلَهُهُمْ لَا أَتَّصِلُ إِلَيْهِمْ نَكِرَهُمْ وَأَوْجَسَ مِنْهُمْ خِيفَةً قَالُوا لَا تَخَفْ إِنَّا أُرْسِلْنَا إِلَى قَوْمٍ لُوطٍ ﴾

«Дарҳақиқат, Бизнинг элчиларимиз – фаришталар Иброҳимга (Исҳоқ исмли фарзанд кўриши ҳақида) хушxabар билан келиб, салом бердилар. У ҳам: «Салом», деди-да, қараб турмай бир бузоқни қовуриб келтирди. Энди қачонки овқатга қўл чўзмаганларини кўргач, улардан шубҳаланди ва улардан хавфсирай бошлади. (Шунда) улар: «Қўрқмагин. Бизлар (фаришталаримиз – таом емаймиз), Лут қавмига (уларни ҳалок қилиш учун) юборилганмиз», дедилар» (Ҳуд, 69 – 70);

﴿ وَلَمَّا جَاءَتْ رُسُلُنَا لُوطًا سِيءَ بِهِمْ وَضَاقَ بِهِمْ ذَرْعًا وَقَالَ هَذَا يَوْمٌ عَصِيبٌ • وَجَاءَهُ قَوْمُهُ يُهْرَعُونَ إِلَيْهِ وَمَنْ قَبْلَ كَانُوا يَعْمَلُونَ السَّيِّئَاتِ قَالَ يَا قَوْمِ هَؤُلَاءِ بَنَاتِي هُنَّ أَطْهَرُ لَكُمْ فَاتَّقُوا اللَّهَ وَلَا تُخْزُونِ فِي ضَيْفِي أَلَيْسَ مِنْكُمْ رَجُلٌ رَشِيدٌ ﴾

«Қачонки элчиларимиз Лутнинг олдига кетганларида, у бундан ёмон ҳолга тушди ва уларнинг келишларидан юраги сиқилиб, деди: «Бу кун оғир кундир».

И з о ҳ. Фаришталар келишидан Лутнинг сиқилишига сабаб, улар ёш ва хушрўй йигитлар суратида келишган эди. Лут қавмидаги кофир кимсалар эса баччабозлик дардига мубтало эдилар. Шунинг учун Лут пайғамбар улар бу йигитларнинг келганини пайқаб қолишиб, бемаънилик қилишларидан хавотирланиб, юқоридаги сўзларни айтди.

(Дарҳақиқат, Лут пайғамбарнинг ҳузурига йигитлар келганини эшитишгач) қавми унинг олдига чопиб келишди. Улар илгаридан ёмон ишлар – баччабозлик қилар эдилар. У айтди: «Эй қавмим, анави қизларим (яъни, шаҳримиздаги қизлар) сизлар учун покроқ-ку (яъни, ўшаларга уйланаверсангизлар бўлмайдими)?! Бас, Аллоҳдан кўрқинглар ва меҳмонларим олдида мени шарманда қилманглар. Орангизда бирон тўғри йўлга юргувчи киши йўқми?!»» (Ҳуд, 77 – 78).

Мазкур фаришталарнинг барчаси инсон қиёфасида эдилар. Жибрил алайҳиссалом ҳам Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига тим қора сочли, оппоқ кийим кийган эркак қиёфасида, гоҳида эса Калб қабиласига мансуб Диҳя исмли саҳоба (разияллоҳу анҳу) қиёфасида келар эди.

Олтинчидан: фаришталар турли ишларни қилиш учун тайинланишган.

Фаришталарнинг асосий ва давомий ишлари – Аллоҳ таолога ибодат қилиш ва Уни поклаш билан бирга бошқа ишларни ҳам қиладилар. Шулардан баъзилари қуйидагилардир:

А. Ваҳийни олиб тушиш.

Бу Жибрил алайҳиссаломнинг вазифасидир. Аллоҳ таоло айтди:

﴿ قُلْ نَزَّلَهُ رُوحُ الْقُدُسِ مِنْ رَبِّكَ بِالْحَقِّ لِيُثَبِّتَ الَّذِينَ آمَنُوا وَهُدًى وَبُشْرَى لِلْمُسْلِمِينَ ﴾

«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам, уларга) уни (яъни, Қуръонни) **Рухул – Қудс** (яъни, Жаброил) **Парвардигорингиз тарафидан иймон келтирган зотларни собитқадам қилиш учун мусулмонларга ҳидоят ва хушxabар бўлган ҳолида ҳаққи-рост нозил қилганини айтинг**» (Наҳл, 102);

﴿ تَوَلَّى بِهِ الرُّوحُ الْأَمِينُ • عَلَى قَلْبِكَ لِتَكُونَ مِنَ الْمُنذِرِينَ ﴾

«**Албатта** (бу Қуръон) **барча оламлар Парвардигори томонидан нозил қилингандир.** (Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), **сиз** (охират азобидан) **огоҳлантиргувчилардан бўлишингиз учун қалбингизга уни** (яъни, Қуръонни) **Рухул-Амин – Жаброил очиқ-равшан арабий тил билан нозил қилди**» (Шуъаро, 192 - 194).

Б. Ёмғирларни ёғдириш ва ўсимликларни ўстириш.

Бу Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан Имом Аҳмад раҳимахуллоҳ ривоят қилган ҳадисга кўра, Микоил алайҳиссаломнинг вазифасидир. Яҳудийлар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга: **«Агар раҳматни, (ўсимликлар) ўсишини ва ёмғирларни Микоил олиб тушади десангиз, шундайдир»** – дедилар⁽⁴¹⁾.

(41) Имом Аҳмад раҳимахуллоҳнинг Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан келтирган ривояти (№2483).

Табароний раҳимахуллоҳнинг Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилган ҳадисида эса Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Микоил нима иш қилади?»** – деб савол берганларида Жибрил алайҳиссаломнинг: **«У ўсимлик(ларни ўстириш) ва ёмғир(ларни ёғдириш) га тайинланган»** – дея жавоб берганлари айtilган (№ 12061). Ҳайсамий раҳимахуллоҳ «Мажмаъ аз-завоид» китобида: «Ушбу ҳадис ровийлари ичида Муҳаммад ибн Абу Яъло ҳам бор. Уни муҳаддисларнинг бир гуруҳи ишончли деб ҳисоблашсада, хотираси яхши бўлмаган. Ундан бошқа ровийлар ишончли кишилардир», деган.

В. Сур чалиш.

Бу ўлиш ва қайта тирилиш учун Исрофил алайҳиссаломнинг вазифасидир. Аллоҳ таоло айтди:

﴿ وَنُفِّخَ فِي الصُّورِ فَصَعِقَ مَنْ فِي السَّمَاوَاتِ وَمَنْ فِي الْأَرْضِ إِلَّا مَنْ شَاءَ اللَّهُ ثُمَّ نُفِخَ فِيهِ أُخْرَىٰ فَإِذَا هُمْ قِيَامٌ يَنْظُرُونَ ﴾

«Сур чалинди-ю, осмонлар ва ердаги бор жонзот ўлди, магар Аллоҳ хоҳлаган зотларгина (тирик қолдилар). Сўнгра у иккинчи бор чалинди-да, баногоҳ улар (яъни, барча халойиқ қайта тирилди, қабрларидан) туриб, (Аллоҳнинг амрига) кўз тутарлар» (Зумар, 68).

Юқорида номлари зикр қилинган уч фаришта – Жибрил, Микоил ва Исроил алайҳимуссаломлар фаришталарнинг пешқадамларидир. Чунки уларнинг вазифалари ҳаётга боғлиқдир: Жибрил алайҳиссаломнинг иши қалблар ҳаёти, Микоил алайҳиссаломники ўсимликлар ҳаёти, Исрофил алайҳиссаломники эса таналар ҳаётига боғлиқдир.

Фаришталарнинг энг пешқадами – Рухул-Қудс бўлган Жибрил алайҳиссаломдир.

Г. Одамзотни ҳимоя қилиш.

Аллоҳ таоло айтди:

﴿ لَهُ مُعَقَّبَاتٌ مِنْ بَيْنِ يَدَيْهِ وَمَنْ خَلْفَهُ يَحْفَظُونَهُ مِنْ أَمْرِ اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ لَا يُغَيِّرُ مَا بِقَوْمٍ حَتَّىٰ يُغَيِّرُوا مَا بِأَنفُسِهِمْ وَإِذَا أَرَادَ اللَّهُ بِقَوْمٍ سُوءًا فَلَا مَرَدَّ لَهُ وَمَا لَهُمْ مِنْ دُونِهِ مِنْ وَالٍ ﴾

«Унинг (яъни, ҳар инсоннинг) олдида ҳам, ортида ҳам таъқиб қилгувчи (фаришталар) бўлиб, улар Аллоҳнинг амри билан уни сақлаб-муҳофаза қилиб турурлар. Аниқки, то бирон қавм ўзларини ўзгартирмагунларича Аллоҳ уларнинг аҳволини ўзгартирмас. Қачон Аллоҳ бирон қавмга ёмонлик – бало юборишни ирода қилса, бас, уни қайтариб бўлмас. Ва улар учун Ундан ўзга ҳоким йўқдир» (Раъд, 11).

Д. Одамзот қилган ишларни муҳофаза қилиш.

Аллоҳ таоло айтди:

﴿ إِذْ يَتَلَقَى الْمُتَلَقِيَانِ عَنِ الْيَمِينِ وَعَنِ الشِّمَالِ قَعِيدٌ ۗ مَا يَلْفُظُ مِنْ قَوْلٍ إِلَّا لَدَيْهِ رَقِيبٌ عَتِيدٌ ﴾

«Зотан ўнг ва чап (томон)да ўтирган икки қабул қилгувчи (ёзиб тургувчи фаришта инсоннинг айтган ва қилган барча яхши-ёмон сўз-амалларини) қабул қилиб-ёзиб турурлар. У бирон сўзни талаффуз қилмас, магар (талаффуз қилса) унинг олдида ҳозир у нозир бўлган бир кузатгувчи (фаришта у сўзни ёзиб олур)» (Қоф, 17 – 18).

Е. Мўминларни устивор қилиб, уларга ёрдам бериш.

Аллоҳ таоло айтди:

﴿ إِذْ يُوحِي رَبُّكَ إِلَى الْمَلَائِكَةِ أَنِّي مَعَكُمْ فَتَيَّبُوا الَّذِينَ آمَنُوا سَأَلْتَنِي فِي قُلُوبِ الَّذِينَ كَفَرُوا الرُّغْبَ فَاضْرِبُوا فَوْقَ الْأَعْنَاقِ وَاضْرِبُوا مِنْهُمْ كُلَّ بَنَانٍ ﴾

«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), ўшанда Парвардигорингиз фаришталарга: «Албатта, Мен сизлар билан биргаман, бас, сизлар иймон келтирган зотларнинг (ғалаба қозонишларига бўлган ишончларини) маҳкамланглар! Мен кофир бўлган кимсаларниинг дилларига қўрқув солажакман. Бас, уларнинг бўйинларини узинглар, бутун-ҳамма бармоқларини чопинглар», деб ваҳий қилган эди» (Анфол, 12).

Ё. Жонларни олиш.

Бу ўлим фариштасининг вазифасидир. Аллоҳ таоло айтди:

﴿ قُلْ يَتَوَفَّاكُم مَّلَكُ الْمَوْتِ الَّذِي وُكِّلَ بِكُمْ ثُمَّ إِلَىٰ رَبِّكُمْ تُرْجَعُونَ ﴾

«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), айтинг: «Сизларга вакил қилинган ўлим фариштаси жонларингизни олур, сўнгра Парвардигорингизга қайтарилурсизлар»» (Сажада, 11);

﴿ حَتَّىٰ إِذَا جَاءَ أَحَدَكُمْ الْمَوْتُ تَوَفَّتْهُ رُسُلُنَا وَهُمْ لَا يُفْرَطُونَ ﴾

«Қачонки бировингизга ўлим келса, элчиларимиз сусткашлик қилмаган ҳолларида унинг жонини олурлар» (Анъом, 61).

Ж. Майитни қабрида Парвардигори, дини ва пайғамбари ҳақида сўроқлаш.

Сўроқ қиладиган фаришталар – Мункар ва Накирдир.

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини ривоят қилди:

«Банда қабрига қўйилиб, дўстлари узоқлашар экан, уларнинг оёқ товушларини эшитади ва икки фаришта кириб, уни ўтқозишади ва: “Бу одам – Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳақида нималарни билар эдинг?” – деб сўрашади. Мўмин: “Мен унинг Аллоҳнинг бандаси ва элчиси эканига гувоҳлик бераман”, деб жавоб беради. Унга: “Жаҳаннамдан бўлган жойингга боқ! Аллоҳ уни жаннатдан бўлган жойингга алиштирди”, дейилади. Банда ҳар икки жойини ҳам кўради.

Мунофиқ ва кофирга ҳам: “Бу одам ҳақида нима дейсан?” – дейилади. У: “Билмайман. Мен ҳам одамлар айтган гапларни айтар эдим”, деб жавоб беради. Унга: “Билмадинг ва билишга ҳам ҳаракат қилмадинг!” – дейилади ва темир гурзи билан урилади. У шундай қаттиқ қичқиради-ки, у(нинг қичқириви)ни атрофидаги инсу жиндан бошқа барча (тирик) жонзот эшитади»⁽⁴²⁾.

Термизий раҳимахуллоҳнинг Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан нақл қилган ҳадисда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар:

«Агар маййит – ёки бировингиз – қабрга қўйилса, унинг ёнига мовий кўзли, қора рангли (қорамағиз) икки фаришта келади ва: «Бу одам ҳақида нима дейсиз?» – деб сўрашади ...»⁽⁴³⁾.

Ж. Ҳомилага эътибор қилиш.

Ҳомилага руҳ пуфлаш, унинг ризқи, ажали, амали ва бахтли ёки бахтиқаро эканини ёзиш.

Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳумо айтди: “Ростгўй ва ростгўйлиги тасдиқланган Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар:

«Бировингизнинг онаси қорнидаги яралиши қирқ кун мобайнида нутфа, кейин яна шунча кун қуюқ қон, яна шунча кун бир парча гўшт шаклида қолади. Сўнгра Аллоҳ таоло унга бир фариштани тўртта нарса: унинг амали, ризқи, ажали ва бахтли ёки бахтиқаро экани ёзиш учун юборади. Сўнгра унга руҳи пуфланади ...»⁽⁴⁴⁾.

(42) Муттафақун алайҳ. Имом Бухорий ривояти (№ 1374), Имом Муслим ривояти (№ 2870).

(43) Термизий ривояти (№ 1071). Шайх Албоний раҳимахуллоҳ «ас-Силсилаҳ ас-Саҳиҳаҳ» китобида: «Ҳадиснинг ривоят силсиласи яхшидир. Ровийларнинг барчаси Имом Муслим ровийларининг ишончлиларидир. Ибн Исҳоқ раҳимахуллоҳнинг ривоятида Қурайш қабиласининг ғуломларидан бўлган Омирий зикр қилинган бўлиб, ундан ривоят силсиласига зарар бермайдиган гап бор» – деган.

(44) Имом Бухорий ривояти (№ 3208), Имом Муслим ривояти (маний (нутфа) сўзи зикр қилинмаган) (№ 2643). “Нутфа” сўзи билан Абу Авона ривоят қилган. Бу Ибн Ҳажар Асқалоний раҳимахуллоҳнинг «Фатҳул Борий» китобида келган (15/189).

Ж. Жаҳаннам посбонлиги.

Аллоҳ таоло айтди:

﴿ وَمَا جَعَلْنَا أَصْحَابَ النَّارِ إِلَّا مَلَائِكَةً ﴾

«Биз фақат фаришталарни дўзах эгалари-қўриқчилари қилдик»
(Муддассир, 31);

﴿ وَنَادُوا يَامَالِكُ لِيَقْضِ عَلَيْنَا رَبُّكَ قَالَ إِنَّكُمْ مَا كَانْتُمْ ﴾

«Улар (дўзахходими бўлган фариштага) «Эй Молик, Парвардигоринг бизларга ўз ҳукмини қилсин (яъни, тезроқ жонимизни олсин, бизлар бу азобдан қутулайлик», деб) нидо қилганларида, у: «Албатта, сизлар (мана шу азобда мангу) тургувчидирсизлар», деди» (Зухруф, 77);

﴿ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا قُوا أَنْفُسَكُمْ وَأَهْلِيكُمْ نَارًا وَقُودُهَا النَّاسُ وَالْحِجَارَةُ عَلَيْهَا مَلَائِكَةٌ غِلَاظٌ شِدَادٌ لَا يَعْصُونَ اللَّهَ مَا أَمَرَهُمْ وَيَفْعَلُونَ مَا يُؤْمَرُونَ ﴾

«Эй мўминлар, сизлар ўзларингизни ва аҳли-оилаларингизни ўтини одамлар ва тошлар бўлган дўзахдан сақлангизки, у (дўзах) устида қаттиқдил ва қаттиққўл, Аллоҳ ўзларига буюрган нарсага итоатсизлик қилмайдиган, фақат ўзларига буюрилган нарсани қиладиган фаришталар турур» (Таҳрим, 6).

3. Мўминларнинг гуноҳларини кечиришни сўраш, улар учун дуо қилиш, уларга муждалар бериш ҳамда уларга жаннатда иззат кўрсатиш.

Аллоҳ таоло айтди:

﴿ الَّذِينَ يَحْمِلُونَ الْعَرْشَ وَمَنْ حَوْلَهُ يُسَبِّحُونَ بِحَمْدِ رَبِّهِمْ وَيُؤْمِنُونَ بِهِ وَيَسْتَغْفِرُونَ لِلَّذِينَ آمَنُوا رَبَّنَا وَسِعْتَ كُلَّ شَيْءٍ رَحْمَةً وَعِلْمًا فَاغْفِرْ لِلَّذِينَ تَابُوا وَاتَّبَعُوا سَبِيلَكَ وَقِهِمْ عَذَابَ الْجَحِيمِ ● رَبَّنَا وَأَدْخِلْهُمْ جَنَّاتٍ عَدْنٍ الَّتِي وَعَدْتَهُمْ وَمَنْ صَلَحَ مِنْ آبَائِهِمْ وَأَزْوَاجِهِمْ وَذُرِّيَّاتِهِمْ إِنَّكَ أَنْتَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ ● وَقِهِمُ السَّيِّئَاتِ وَمَنْ تَقِ السَّيِّئَاتِ يَوْمَئِذٍ فَقَدْ رَحِمْتَهُ وَذَلِكَ هُوَ الْقَوْلُ الْعَظِيمُ ﴾

«Аршни кўтариб турадиган ва унинг атрофидаги (фаришталар) Парвардигорларига ҳамду сано айтиш билан (У зотни барча айбу нуқсонлардан) поклаб-тасбеҳ айтурлар ва У зотга иймон келтирурлар ҳамда иймон келтирган кишиларни мағфират қилишини сўрарлар: «Парвардигоро, Ўзинг раҳмат-меҳрибонлик ва илм жиҳатидан барча нарсдан кенгдирсан. Бас, тавба-тазарруъ қилган ва Сенинг йўлингга эргашган кишиларни Ўзинг мағфират қилгин ва уларни дўзах азобидан сақлагин. Парвардигоро, уларни ҳам, уларнинг ота-боболари, жуфти ҳалоллари ва зурриётлари орасидаги солиҳ-мўмин бўлган кишиларни ҳам ўзинг уларга

ваъда қилган мангу жаннатларга дохил қилгин. Албатта Сенинг Ўзинггина қудрат ва ҳикмат соҳибидирсан. Ўзинг уларни барча ёмонликлардан асрагин. Кимни ўша Кундаги (Қиёматдаги) ёмонликлардан асрасанг», бас, ҳақиқатан унга раҳм-шафқат қилибсан. Мана шу буюк бахтдир»» (Ғофир, 7 - 9);

﴿ إِنَّ الَّذِينَ قَالُوا رَبُّنَا اللَّهُ ثُمَّ اسْتَقَامُوا تَتَنَزَّلُ عَلَيْهِمُ الْمَلَائِكَةُ أَلَّا تَخَافُوا وَلَا تَحْزَنُوا وَأَبْشُرُوا بِالْجَنَّةِ الَّتِي كُنتُمْ تُوعَدُونَ ﴾

«Албатта: «Парвардигоримиз Аллоҳдир», деб сўнгра (ёлғиз Аллоҳга тоат-ибодат қилишда) тўғри – устивор бўлган зотларнинг олдиларига (ўлим пайтида) фаришталар тушиб, (дерлар): «Қўрқманглар ва ғамгин бўлманглар. Сизларга ваъда қилинган жаннат хушxabари билан шодланинглар!» (Фуссилат, 30);

﴿ وَالْمَلَائِكَةُ يَدْخُلُونَ عَلَيْهِمْ مِنْ كُلِّ بَابٍ ● سَلَامٌ عَلَيْكُمْ بِمَا صَبَرْتُمْ فَنِعْمَ عُقْبَى الدَّارِ ﴾

«Сўнг уларнинг ҳузурларига ҳар эшикдан фаришталар кириб (дерлар): «(Аллоҳ йўлида меҳнат-машаққатларга) сабр-тоқат қилиб ўтганларингиз сабабли (энди бу жаннатларда) сизларга тинчлик-осойишталик бўлгай. Бу охираат диёри нақадар яхши!»» (Раъд, 23 – 24).





Самовий китобларга иймон келтириш

Самовий китобларга иймон келтириш – Аллоҳ таоло одамларга ҳидоят, раҳмат, насихат, барча нарсанинг очиқламаси ва зарарларига ҳужжат бўлган китобларни ҳақ билан пайғамбарларига нозил қилган, деб қатъий эътиқод қилишдир.

Самовий китобларга иймон келтириш бир неча нарсани тақозо қилади;

① Бу китобларнинг Аллоҳ таоло томонидан ҳақ билан нозил қилинганига иймон келтириш.

Аллоҳ таоло айтди:

﴿ نَزَّلَ عَلَيْكَ الْكِتَابَ بِالْحَقِّ مُصَدِّقًا لِمَا بَيْنَ يَدَيْهِ وَأَنزَلَ التَّوْرَةَ وَالْإِنجِيلَ ﴾

«Сизга (эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), ўзидан аввал тушган китобларни тасдиқловчи бўлган бу Китобни (Қуръонни) ҳақ билан нозил қилди. Илгари одамларни ҳақ йўлга ҳидоят қилиш учун Таврот ва Инжилни туширган эди» (Оли Имрон, 3).

Улар Аллоҳ таолога яқин бўлган фаришта ёки юборилган пайғамбарнинг эмас, балки Аллоҳ таолонинг китоблари ва сўзларидир. Бу китоблар (Аллоҳ таоло нозил қилган шакли билан) ноҳақликлардан пок ва муқаддасдир.

② Бу китоблар ичидан бизга номлари билдирилган китобларга номлари билан, номлари айтилмаган китобларга эса умумий тарзда иймон келтирамиз.

Бу китобларнинг энг муаззамлари учта бўлиб, улар:

А. Мусо алайҳиссаломга нозил қилинган Таврот.

Аллоҳ таоло айтди:

﴿ قَالَ يَا مُوسَى إِنِّي اصْطَفَيْتُكَ عَلَى النَّاسِ بِرِسَالَاتِي وَبِكَلامِي فَخُذْ مَا آتَيْتُكَ وَكُنْ مِنَ الشَّاكِرِينَ • وَكَتَبْنَا لَهُ فِي الْأَنْوَابِ مِنْ كُلِّ شَيْءٍ مَوْعِظَةً وَتَفْصِيلًا لِكُلِّ شَيْءٍ فَخُذْهَا بِقُوَّةٍ وَأْمُرْ قَوْمَكَ يَأْخُذُوا بِأَحْسَنِهَا سَأُرِيكُمْ دَارَ الْفَاسِقِينَ ﴾

«Аллоҳ айтди: «Эй Мусо, ҳақиқатан Мен сени одамлар устида пайғамбарим бўлишга ва (бевосита) каломимни эшитишга танлаб олдим. Бас, сенга ато этган нарсамни (яъни, пайғамбарликни) олгин ва шукр қилгувчилардан бўлгин!» Унинг учун лавҳларга (яъни, Таврот варақларига) ҳамма нарсани – панд-насихат ва барча нарсаларнинг тафсилотини ёзиб қўйдик ва: «Уларни маҳкам ушлагин ҳамда қавмингни у панд-насихатларнинг энг

ғўзалларини олишларига буюргин» (дедик). Энди сизларга итоатсиз кимсаларнинг диёрини кўрсатурман» (Аъроф, 144 – 145);

﴿ إِنَّا أَنْزَلْنَا التَّوْرَةَ فِيهَا هُدًى وَنُورٌ يَجُكُّمُ بِمَا التَّبَيُّونَ الَّذِينَ أَسْلَمُوا لِلَّذِينَ هَادُوا وَالرَّيْبَانِيُونَ وَالْأَحْبَارُ بِمَا اسْتَحْفَضُوا مِنْ كِتَابِ اللَّهِ وَكَانُوا عَلَيْهِ شُهَدَاءَ ﴾

«Албатта, Биз Тавротни ҳидоят ва нурни ўз ичига олган ҳолда нозил қилганмиз. Аллоҳга бўйинсунувчи бўлган пайғамбарлар, илоҳий билим эгалари ва донишмандлар ўзларига Аллоҳнинг китоби омонат қўйилгани сабабли яҳудийларга у (яъни, Таврот ҳукмлари) билан ҳукм қиладилар. Улар бу китоб устида гувоҳдирлар» (Моида, 44).

Б. Ийсо алайҳиссаломга нозил қилинган Инжил.

Аллоҳ таоло айтди:

﴿ ثُمَّ قَفَّيْنَا عَلَى آثَارِهِم بِرُسُلِنَا وَقَفَّيْنَا بِعِيسَى ابْنِ مَرْيَمَ وَآتَيْنَاهُ الْإِنجِيلَ ﴾

«Сўнгра уларнинг изларидан кетма-кет пайғамбарларимизни юбордик ва Ийсо бинни Марямни ҳам (уларнинг) ортидан юбордик ва унга Инжил ато этдик» (Ҳадид, 27);

﴿ وَآتَيْنَاهُ الْإِنجِيلَ فِيهِ هُدًى وَنُورٌ وَمُصَدِّقًا لِمَا بَيْنَ يَدَيْهِ مِنَ التَّوْرَةِ وَهُدًى وَمَوْعِظَةً لِّلْمُتَّقِينَ ﴾

«Уларнинг изларидан ўзидан олдинги Тавротни тасдиқловчи бўлган Ийсо бинни Марямни эргаштирдик ва унга ҳидоят ва нурни ўз ичига олган, ўзидан олдинги Тавротни тасдиқлагувчи ва тақводорлар учун ҳидоят, панд-насиҳат бўлган Инжилни бердик» (Моида, 46).

В. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга нозил қилинган Қуръон.

Қуръон мазкур китобларнинг энг улуғидир. Аллоҳ таоло айтди:

﴿ وَأَنْزَلْنَا إِلَيْكَ الْكِتَابَ بِالْحَقِّ مُصَدِّقًا لِمَا بَيْنَ يَدَيْهِ مِنَ الْكِتَابِ وَمُهَيِّمًا عَلَيْهِ ﴾

«Сизга эса (эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам,) ўзидан олдинги китоб(ларни) тасдиқлагувчи ва у (китоблар) устида гувоҳ бўлган бу Китобни ҳаққирост нозил қилдик» (Моида, 48);

﴿ تَبَارَكَ الَّذِي نَزَّلَ الْفُرْقَانَ عَلَى عَبْدِهِ لِيَكُونَ لِلْعَالَمِينَ نَذِيرًا ﴾

«Барча оламларни (охират азобидан) кўрқитгувчи бўлсин деб, Ўз бандаси (Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га Фурқон – Қуръон нозил қилган зот – Аллоҳ баракотли – Буюқдир» (Фурқон, 1).

Аллоҳ таолонинг китоблари ичида Довуд алайҳиссаломга нозил қилинган Забур ва Иброҳим алайҳиссаломга нозил қилинган Саҳифалар ҳам бор.

Аллоҳ таоло айтди:

﴿ وَآتَيْنَا دَاوُدَ زَبُورًا ﴾

«Биз Довудга Забурни бердик» (Исро, 55);

﴿ إِنَّ هَذَا لَفِي الصُّحُفِ الْأُولَى • صُحُفِ إِبْرَاهِيمَ وَمُوسَى ﴾

«Дарвоқеъ, бу (сурада мазкур бўлган панд-насихатлар) аввалги (пайғамбарларга нозил бўлган) саҳифаларда – Иброҳим ва Мусо саҳифаларида ҳам бордир» (Аъло, 17 – 18).

③ Самовий китобларнинг бузилмаган хабарларини тасдиқлаш.

Аллоҳ таоло бизга Исроил авлодларига берилган китобларга лафзий ва маънавий ўзгартишлар кириб кетганидан дарак берди ва айтди:

﴿ يُحَرِّفُونَ الْكَلِمَ عَن مَّوَاضِعِهِ ﴾

«... сўзларни ўз ўринларига қўйилгандан кейин ўзгартирадиган...» (Моида, 41);

﴿ وَإِنَّ مِنْهُمْ لَفَرِيقًا يَلُؤُونَ أَلْسِنَتَهُم بِالْكِتَابِ لِتَحْسَبُوهُ مِنَ الْكِتَابِ وَمَا هُوَ مِنَ عِنْدِ اللَّهِ وَمَا هُوَ مِنْ عِنْدِ اللَّهِ وَيَقُولُونَ عَلَى اللَّهِ الْكُذِبَ وَهُمْ يَعْلَمُونَ ﴾

«Улардан (яхудийлардан) яна бир гуруҳи борки, сизлар Китобдан (Тавротдан) бўлмаган нарсани Китобдан деб ўйлашингиз учун Таврот китобини тилларини бураб (бузиб-ўзгартириб) ўқийдилар ва Аллоҳнинг ҳузуридан келмаган (ўзларининг сўзларини) «Аллоҳнинг ҳузуридан келган», дейдилар. Улар билиб туриб Аллоҳ ҳақида ёлғон сўзлайдилар» (Оли Имрон, 78).

Қуръони каримни эса, Аллоҳ таоло ўз кафолотига олиб, муҳофаза қилди.

Аллоҳ таоло айтди:

﴿ إِنَّا نَحْنُ نَزَّلْنَا الذِّكْرَ وَإِنَّا لَهُ لَحَافِظُونَ ﴾

«Албатта бу эслатмани (яъни, Қуръонни) Биз Ўзимиз нозил қилдик ва шубҳасиз, Ўзимиз уни сақлагувчимиз» (Ҳижр, 9);

﴿ إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا بِالذِّكْرِ لَمَّا جَاءَهُمْ وَإِنَّ لَهُمْ لَكِتَابًا عَزِيزًا • لَا يَأْتِيهِ الْبَاطِلُ مِنْ بَيْنِ يَدَيْهِ وَلَا مِنْ خَلْفِهِ تَرْجِيلًا مِنْ حَكِيمٍ حَمِيدٍ ﴾

«Албатта ўзларига Эслатма – Қуръон келган вақтда унга кофир бўлган кимсалар (қаттиқ азобга йўлиқурлар). Шак-шубҳасиз, у

азиз – қудратли Китобдир. Унга олдидан ҳам, ортидан ҳам (ҳеч қандай) **ботил-ноҳақлик келмас** (яъни, Қуръони каримнинг ҳеч қайси томонидан бирон китоб ё ҳужжат келиб, уни ботил қила олмас, чунки у) **ҳикмат ва ҳамду сано эгаси томонидан нозил қилингандир»** (Фуссилат, 41 – 42).

Мазкур асосларга кўра, китоб аҳлларининг китобларидаги «исроилиёт» дея аталган қисса ва хабарлар, уч ҳолатнинг биридан холи бўлмайди:

Улардан биринчиси: Қуръони каримда келган қиссалар билан бир хил.

Бундай ҳикояларнинг ҳаққи рост эканига Китобимиз гувоҳ бўлгани боис, тафсилотларига эътибор бермай, тўғри дея эътиқод қиламиз. Масалан: Тўфон, Иброҳим, Юсуф ва Мусо алайҳимуссалом қиссалари, Фиръавннинг ғарқ қилиниши, Ийсо алайҳиссаломнинг мўъжизалари ва бошқалар.

Иккинчиси: Қуръони каримда келган хабарларга зид.

Бундай маълумотларнинг асоссиз, аҳли китобларнинг ўзлари тўқиган ва қўллари билан ёзишиб, тиллари билан сайрашган эканига эътиқод қиламиз. Масалан: аҳли китобларнинг Лут алайҳиссаломнинг ароқ ичгани, икки қизига зино қилгани – Аллоҳ сақласин ва Уни бундай насалардан асрасин! –, Ийсо алайҳиссаломнинг Аллоҳ ёки Аллоҳнинг ўғли экани ёхуд учта зотдан бири экани. Аллоҳ таоло улар айтаётган нарсалардан олий, юксақдир!

Учинчиси: Қуръони каримда келган хабарларга зид ҳам, мувофиқ ҳам эмас.

Бундай хабарларни ёлғон ҳам демаймиз, рост ҳам демаймиз. Чунки Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар:

«Китоб аҳллари сизларга бирон хабар берса уни тасдиқламанглар ҳам, рад ҳам этманглар. Балки: Аллоҳга, Унинг китоби ва расулларига иймон келтирдик, денглар. Агар у хабар ҳаққи рост бўлса рад қилмаган, нотўғри бўлса тасдиқламаган бўласизлар»⁽⁴⁵⁾.

Акси тақдирда, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламнинг қуйидаги ҳадисларига кўра, ўша хабарларни тилга олиш ва ҳикоя қилиш жоиздир:

(45) Имом Аҳмад ривояти (№ 17225), Абу Довуд ривояти (№ 3644). Абу Намла Ансорий разияллоҳу анҳу ривояти.

«Исроил ўғиллари ҳақида гаправеринглар. (Бунинг) ҳечқиси йўқ!»⁽⁴⁶⁾.

Ҳолбуки, мазкур хабарларнинг аксариятида на фойда бор ва на уларга эҳтиёж бор.

④ Қуръон олиб келган шариат билан ҳукм қилиш.

Аллоҳ таоло Қуръонни ўтмиш китобларни ўз ичига олган, яъни ҳукм қилувчи, омонатдор ва Ўзига гувоҳ ўлароқ нозил қилди. Шунинг учун ҳам, Қуръони карим ўтмиш китоблар ўз ичига олган манфаатларни қамраб, уларнинг айрим ҳукмларини бекор ва айримларини тасдиқ қилиб, уларга қўшимчаларни қўшди. Шунинг учун Қуръон олиб келган шариатдан бошқа шариатга эргашиш, ҳаромдир. Бинобарин, Аллоҳ таоло Таврот ва Инжилни эслатганидан сўнг шундай деган:

﴿ وَأَنْزَلْنَا إِلَيْكَ الْكِتَابَ بِالْحَقِّ مُصَدِّقًا لِمَا بَيْنَ يَدَيْهِ مِنَ الْكِتَابِ وَمُهَيِّمًا عَلَيْهِ فَخُكْمٌ بَيْنَهُمْ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ وَلَا تَتَّبِعْ أَهْوَاءَهُمْ عَمَّا جَاءَكَ مِنَ الْحَقِّ لِكُلِّ جَعَلْنَا مِنْكُمْ شِرْعَةً وَمِنْهَاجًا وَلَوْ شَاءَ اللَّهُ لَجَعَلَكُمْ أُمَّةً وَاحِدَةً وَلَكِنْ لِيَبْلُوَكُمْ فِي مَا آتَاكُمْ فَاسْتَبِقُوا الْخَيْرَاتِ إِلَى اللَّهِ مَرْجِعُكُمْ جَمِيعًا فَيُنَبِّئُكُمْ بِمَا كُنْتُمْ فِيهِ تَخْتَلِفُونَ • وَأَنْ أَحْكُمَ بَيْنَهُمْ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ وَلَا تَتَّبِعْ أَهْوَاءَهُمْ وَخَاذَرَهُمْ أَنْ يَقْبِضُوا عَنْ بَعْضِ مَا أَنْزَلَ اللَّهُ إِلَيْكَ فَإِنْ تَوَلَّوْا فَاعْلَمُوا أَنَّمَا يُرِيدُ اللَّهُ أَنْ يُصِيبَهُمْ بِبَعْضِ ذُنُوبِهِمْ وَإِنَّ كَثِيرًا مِنَ النَّاسِ لَفَاسِقُونَ • أَفَحُكْمَ الْجَاهِلِيَّةِ يَنْتَوُونَ وَمَنْ أَحْسَنُ مِنَ اللَّهِ حُكْمًا لِقَوْمٍ يُوقِنُونَ ﴾

«Сизга эса (эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам,) ўзидан олдинги китоб(ларни) тасдиқлагувчи ва у (китоблар) устида гувоҳ бўлган бу Китобни ҳаққирост нозил қилдик. Бас, одамлар ўртасида Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилинг ва Сизга келган ҳақдан юз ўгириб, уларнинг ҳавойи нафсларига эргашманг! Сизлардан ҳар бир миллат (яъни, дин) учун (алоҳида) шариат ва йўл қилиб қўйдик. Агар Аллоҳ хоҳласа эди, ҳаммангизни бир миллат қилиб қўйган бўлур эди. Лекин ўзи ато этган нарсаларда сизларни имтиҳон қилиш учун (ҳар бир миллатга алоҳида шариат йўл қилиб қўйди). Бас, яхши амалларга шошилингиз! Барчангиз Аллоҳга қайтишингиз бор. Сўнг У зот сизларга ихтилоф қилгувчи бўлган нарсаларингизнинг хабарини берур. (Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), улар ўртасида Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилинг, уларнинг ҳавойи нафсларига эргашманг ва Аллоҳ сизга нозил қилган ҳукмларнинг айримларидан сизни буриб фитнага солиб қўйишларидан эҳтиёт бўлинг! Агар (сизнинг ҳукмингиздан) юз ўгирсалар, билингки, Аллоҳ уларга айрим гуноҳлари сабабли мусибат етказшни истамоқда. Шубҳасиз, одамлардан кўплари итоатсиздирлар. Динсизлик ҳукмрон

(46) Имом Бухорийнинг Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳумодан қилган ривояти (№ 3461).

бўлишини истайдиларми?! Иймонлари комил бўлган қавм учун Аллоҳдан ҳам гўзалроқ ҳукм қилгувчи ким бор?!» (Моида, 48 - 50);

﴿ إِنَّا أَنْزَلْنَا إِلَيْكَ الْكِتَابَ بِالْحَقِّ لِتَحْكُمَ بَيْنَ النَّاسِ بِمَا أَرَاكَ اللَّهُ وَلَا تَكُنْ لِلْخَائِبِينَ حَصِيمًا ﴾

«Албатта, Биз сизга ушбу Ҳақ Китобни (Қуръонни) одамлар орасида Аллоҳ кўрсатган йўл билан ҳукм этишингиз учун нозил қилдик. Сиз хоинларни ҳимоя қилгувчи бўлманг» (Нисо, 105).

⑤ **Қуръонга бир бутун ўлароқ иймон келтириб, Қуръонни баъзи жойига иймон келтириб, бошқа жойига иймон келтирмаса бўлаверади, деб тушунмаслик.**

Аллоҳ таоло айтди:

﴿ أَفَتُؤْمِنُونَ بِبَعْضِ الْكِتَابِ وَتَكْفُرُونَ بِبَعْضٍ فَمَا جَزَاءُ مَنْ يَفْعَلُ ذَلِكَ مِنْكُمْ إِلَّا جُزْئٌ فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَيَوْمَ الْقِيَامَةِ يُرَدُّونَ إِلَىٰ أَشَدِّ الْعَذَابِ وَمَا اللَّهُ بِغَافِلٍ عَمَّا تَعْمَلُونَ ﴾

«Ё китобнинг (Тавротнинг) бир қисмига ишониб, бир қисмини инкор қиласизми? Ораларингдан ким бу ишни қилса, унинг жазоси бу дунёда расво бўлиш, Қиёмат кунида эса қаттиқ азобга дучор қилинадилар. Аллоҳ қилаётган ишларингдан ғофил эмасдир» (Бақара, 85);

﴿ هَآأَشْمُ أَوْلَآءِ مَحْبُوبِنَهُمْ وَلَا يُحِبُّونَكُمُ وَتُؤْمِنُونَ بِالْكِتَابِ كُلِّهِ ﴾

«Ҳой (мўминлар), сизлар уларни яхши кўрасизлар-у, улар сизларни суймайдилар. Сизлар ҳамма китобларга иймон келтирасизлар-у (улар сизларнинг китобингизга иймон келтирмайдилар)» (Оли Имрон, 119).

⑥ **Қуръон оятларининг маъноларини яшириш, ўзгартириш, улар ҳақида ихтилофлар қилиш ва ёмон ниятлар билан Аллоҳ каломидан бирини бошқасига тўғри келмади-ку! дея ҳужжат қилишнинг ҳаромлиги.**

Аллоҳ таоло айтди:

﴿ وَإِذْ أَخَذَ اللَّهُ مِيثَاقَ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ لَتُبَيِّنُنَّهُ لِلنَّاسِ وَلَا تَكْتُمُونَهُ فَنَبَذُوهُ وَرَاءَ ظُهُورِهِمْ وَأَشْرَكُوا بِهِ ثَمَنًا قَلِيلًا فَبَيِّنَسْنَا مَا يَشْتُرُونَ ﴾

«Эсланг (эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), Аллоҳ Китоб берилган кимсалардан «Албатта у Китобни одамларга очиқ баён қилурсизлар ва яширмайсизлар!» – деб аҳд-паймон олган эди. Сўнг улар бу аҳд-паймонни ортларига ташладилар ва уни озгина қийматга сотдилар. Уларнинг бу олди-сотдилари нақадар ёмон иш бўлди!» (Оли Имрон, 187);

﴿ إِنَّ الَّذِينَ يَكْتُمُونَ مَا أَنْزَلَ اللَّهُ مِنَ الْكِتَابِ وَيَشْتَرُونَ بِهِ ثَمَنًا قَلِيلًا أُولَئِكَ مَا يَأْكُلُونَ فِي بُطُونِهِمْ إِلَّا النَّارَ وَلَا يُكَلِّمُهُمُ اللَّهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَلَا يُزَكِّيهِمْ وَهُمْ عَذَابُ أَلِيمٍ • أُولَئِكَ الَّذِينَ اشْتَرُوا الضَّلَالََةَ بِالْهَدَىٰ وَالْعَذَابُ بِالْمَغْفِرَةِ فَمَا أَصْبَرَهُمْ عَلَى النَّارِ • ذَلِكَ بِأَنَّ اللَّهَ نَزَّلَ الْكِتَابَ بِالْحَقِّ وَإِنَّ الَّذِينَ اخْتَلَفُوا فِي الْكِتَابِ لَفِي شِقَاقٍ بَعِيدٍ ﴾

«Аллоҳ нозил қилган Китоб (Таврот)дан иборат бўлган нарсани (Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг пайғамбарлигини) беркитадиган ва уни озгина қийматга сотадиган кимсалар қоринларини фақат олов билан тўлдирадилар – уларга Қиёмат кунда Аллоҳ сўзламайди – боқмайди ва уларни (гуноҳларидан) покламайди. Улар учун аламли азоб бордир. Ана ўшалар ҳидоят ўрнига залолатни, мағфират ўрнига азобни сотиб олган кимсалардир. Жаҳаннам ўтига мунча сабр-тоқатли эканлар-а? Ўша (азоб) Аллоҳ бу Китоб (Таврот)ни ҳақ билан нозил қилгани сабабдир.

И з о ҳ. Аллоҳ таоло Тавротда Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳақида ҳақ сўзларни нозил қилган эди. Улар мана шу ҳақиқатни яширганлари учун дўзах азобига дучор бўлдилар.

Албатта, бу китоб хусусида талашиб-тортишадиган кимсалар ҳеч қачон (ҳақ билан) келиша олмайдилар» (Бақара, 174 - 176);

﴿ قَوْلٌ لِلَّذِينَ كَتَبُوا الْكِتَابَ بِأَيْدِيهِمْ ثُمَّ يَقُولُونَ هَذَا مِنْ عِنْدِ اللَّهِ لِيَشْتَرُوا بِهِ ثَمَنًا قَلِيلًا قَوْلٌ لَهُمْ مِمَّا كَتَبَتْ أَيْدِيهِمْ وَوَيْلٌ لَهُمْ مِمَّا يَكْسِبُونَ ﴾

«Ўз қўллари билан китоб ёзиб, сўнгра озгина қийматга сотиш учун: «Бу китоб Аллоҳ ҳузуридан келди», дейдиган кимсаларга ҳалокат бўлғай, бас, ёзган нарсалари уларга ҳалокат бўлғай, топган фойдалари уларга ҳалокат бўлғай» (Бақара, 79).

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам (Аллоҳнинг аҳкомлари ҳақида) ўзаро тортишаётган одамларни кўриб шундай дедилар:

«Сиздан аввалги (яшаб ўтган халқ)лар шундай қилиш билан ҳалокатга учрадилар. Улар Аллоҳ каломининг бир қисми билан бошқасини рад қилишмоқчи бўлишди. Ҳолбуки, Аллоҳнинг китоби (оятлари) бир-бирларини тасдиқлаш учун нозил бўлган. Қуръондан билганларингизнигина гапирингиз, билмаганларингизни эса ўз билимдонига топширингиз!»⁽⁴⁷⁾.



(47) Имом Аҳмад раҳимахуллоҳнинг Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳумодан ривояти (№ 6741).



Пайғамбарларга иймон келтириш

Пайғамбарларга иймон келтириш, Аллоҳ таоло одамлар орасидан эркакларни танлаб, уларга ваҳий юборгани, уларни мужда бергувчи ва огоҳлантирувчи ўлароқ жўнатгани, улар бандаларга раҳмат ва зарарларига ҳужжат бўлиши учун Аллоҳнинг ўзигагина ибодат қилиш ва тоғутлардан сақланиш билан Аллоҳга сиғинишни ўз ичига олган пайғомини етказганлар, дея қатъий эътиқод қилиш, демакдир.

Аллоҳ таоло айтди:

﴿ اللَّهُ يَصْطَفِي مِنَ الْمَلَائِكَةِ رُسُلًا وَمِنَ النَّاسِ إِنَّ اللَّهَ سَمِيعٌ بَصِيرٌ ﴾

«Аллоҳ фаришталардан ҳам элчилар танлар, инсонлардан ҳам. Дарҳақиқат, Аллоҳ эшитгувчи, кўргувчидир» (Ҳаж, 75);

﴿ وَمَا أَرْسَلْنَا مِنْ قَبْلِكَ إِلَّا رِجَالًا نُوْحِي إِلَيْهِمْ فَاسْأَلُوا أَهْلَ الذِّكْرِ إِنْ كُنْتُمْ لَا تَعْلَمُونَ ﴾

«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), **Биз сиздан** (яъни, сизни пайғамбар қилиб юборишимиздан) **илгари ҳам** (фаришталарни эмас, балки) **фақат** (сиз каби) **кишиларни – инсонларнигина** **Ўзимиз туширган ваҳий билан** (пайғамбар қилиб) **юборганмиз.** (Эй мушриклар), **агар** (бу ҳақда) **билмайдиган бўлсангизлар, аҳли илмларидан** (яъни, Таврот ва Инжилни биладиган кишилардан) **сўранглар!**» (Наҳл, 43);

﴿ رُسُلًا مُبَشِّرِينَ وَمُنذِرِينَ لِئَلَّا يَكُونَ لِلنَّاسِ عَلَى اللَّهِ حُجَّةٌ بَعْدَ الرُّسُلِ وَكَانَ اللَّهُ عَزِيزًا حَكِيمًا ﴾

«Токи бу пайғамбарлар ўтганларидан кейин одамлар учун Аллоҳга қарши ҳужжат бўлиб қолмаслиги учун пайғамбарларни (мўминларга жаннат ҳақида) **хушxabар элтувчи ва** (кофирларни дўзах азобидан) **қўрқитувчи қилиб юбордик. Аллоҳ қудрат ва ҳикмат эгаси бўлган зотдир»** (Нисо, 165);

﴿ وَلَقَدْ بَعَثْنَا فِي كُلِّ أُمَّةٍ رَسُولًا أَنْ اعْبُدُوا اللَّهَ وَاجْتَنِبُوا الطَّاغُوتَ ﴾

«Аниқки, Биз ҳар бир умматга: «Аллоҳга ибодат қилинглр ва шайтондан йироқ бўлинглар», (деган ваҳий билан) бир пайғамбар юборганмиз» (Наҳл, 36).

Пайғамбарларга иймон келтириш ичига қуйидаги нарсалар ҳам киради:

① **Пайғамбарларнинг пайғамбарликлари, Аллоҳ таолонинг Ўз истак- хоҳиши ва ҳикматидан бошқа нарса эмаслигига иймон келтириш.**

Аллоҳ таоло айтди:

﴿وَإِذَا جَاءَتْهُمْ آيَةٌ قَالُوا لَنْ نُؤْمِنَ حَتَّىٰ نُؤْتَىٰ مِثْلَ مَا أُوتِيَ رُسُلُ اللَّهِ اللَّهُ أَعْلَمُ حَيْثُ يَجْعَلُ رِسَالَتَهُ﴾

«Қачон уларга (Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг пайғамбар эканлиги ҳақида) бирон оят келса: «То бизга ҳам Аллоҳнинг пайғамбарларига берилган оятларга ўхшаш оятлар берилмагунча ҳаргиз иймон келтирмаймиз», дейдилар. Аллоҳ пайғамбарлик вазифасини қаерга қўйишни яхшироқ билгувчидир» (Анъом сураси, 124);

﴿وَقَالُوا لَوْلَا نُزِّلَ هَذَا الْقُرْآنُ عَلَىٰ رَجُلٍ مِنَ الْقَرْيَتَيْنِ عَظِيمٍ ● أَهْمُ يَقْسِمُونَ رَحْمَتَ رَبِّكَ نَحْنُ قَسَمْنَا بَيْنَهُمْ مَيعَشَتَهُمْ فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَرَفَعْنَا بَعْضَهُمْ فَوْقَ بَعْضٍ دَرَجَاتٍ لِيَتَّخِذَ بَعْضُهُمْ بَعْضًا سَخِرِيًّا وَرَحْمَتُ رَبِّكَ خَيْرٌ مِمَّا يَجْمَعُونَ﴾

«Яна улар: «Бу Қуръон икки қишлоқ(нинг бири)дан бўлган улуғ одамга нозил қилинганида эди», дедилар.

И з о ҳ. Икки қишлоқдан мурод Макка ва Тоиф шаҳарларидир. Мушриклар назарида Макканинг улуғи ўша жойлик боёнлардан Валид ибн Муғйира бўлса, Тоифнинг улуғи Урва ибн Масъуд Сақафий номли бир бой эди. У мушриклар ҳам барча замонлардаги дунёга қул бўлган кимсалар каби улуғликни мол-давлат ва салтанат билан ўлчар эдилар. Шунинг учун улар: «Агар бу Қуръон ҳақ китоб бўлганида Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга ўхшаган бир етим ва камбағалга эмас, балки Валид ва Урва каби улуғ зотларга тушган бўлар эди», дедилар.

(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), **Парвардигорингизнинг раҳмати (бўлмиш пайғамбарлик)ни ўшалар тақсимлайдиларми?! (Йўқ, асло ундоқ эмас!) Уларнинг ҳаёти дунёдаги маишат-тирикчиликларини ҳам уларнинг ўрталарида Биз Ўзимиз тақсимлаганмиз ва баъзилари баъзиларини қўл остига олиб (ишлатиш) учун айримларини айримларидан баланд даража-мартабаларга кўтариб қўйганмиз. Парвардигорингизнинг раҳмати – пайғамбарлик эса улар тўплайдиган нарса (мол-дунё) ларидан яхшироқдир. (Бас, Биз бу улуғ неъматни фақат Ўзимиз танлаган кишиларгагина ато этурмиз)» (Зухруф, 31 - 32).**

Пайғамбарлик ва элчилик (расуллик)ка айрим зиндиқлар тушунганидек, риёзат ва тиришиш билан эришилмайди. Ҳатто айрим файласуфлар тушунганидек, муқаддас, хаёлий ва таъсир этувчи кучларни бирлаштириш билан ҳам юзага келмайди. Пайғамбарлик ва

элчилик, Аллоҳ таолонинг муҳтарам бандалари ичидан танлаб олиши ва марҳамати билангина бўлади.

② **Пайғамбарларнинг барчасига: исмлари билдирилганларига исмлари билан, билдирилмаганларига эса умумий тарзда иймон келтириш.**

Бизга исмлари билдирилган пайғамбар ва расуллар, Аллоҳ таолонинг Иброҳим алайҳиссаломнинг исми зикр қилинганидан кейин келган ушбу оятда айтиб ўтилган:

﴿ وَوَهَبْنَا لَهُ إِسْحَاقَ وَيَعْقُوبَ كُلًّا هَدَيْنَا وَنُوحًا هَدَيْنَا مِنْ قَبْلُ وَمَنْ ذُرِّيَّتِهِ دَاوُدَ وَسُلَيْمَانَ وَأَيُّوبَ وَيُوسُفَ وَمُوسَى وَهَارُونَ وَكَذَلِكَ نُجْزِي الْمُحْسِنِينَ • وَذَكَرْنَا وَجْهَكَ وَعِيسَى وَإِلْيَاسَ كُلًّا مِنَ الصَّالِحِينَ • وَإِسْمَاعِيلَ وَالْيَسَعَ وَيُونُسَ وَلُوطًا وَكُلًّا فَضَّلْنَا عَلَى الْعَالَمِينَ ﴾

«Унга (Иброҳимга фарзандлари) Исҳоқ ва Яъқубни ҳадя этдик. Буларнинг барчаларини ҳидоят қилдик. Илгари Нухни ҳам ҳидоят қилган эдик. Унинг зурриётидан Довуд, Сулаймон, Айюб, Юсуф, Мусо ва Ҳорунни (ҳам ҳидоят қилдик). Чиройли амал қилгувчиларни мана шундай мукофотлаймиз. Закариё, Яҳё, Ийсо ва Илёсни (ҳам ҳидоят қилдик). Барчалари солиҳ бандалардандир» (Анъом, 84 – 85);

﴿ وَلَقَدْ أَرْسَلْنَا رُسُلًا مِنْ قَبْلِكَ مِنْهُمْ مَنْ قَصَصْنَا عَلَيْكَ وَمِنْهُمْ مَنْ لَمْ نَقْصُصْ عَلَيْكَ ﴾

«Аниқки, Биз сиздан илгари (кўп) пайғамбарлар юборгандирмиз. Улардан Биз сизга ҳикоя қилиб берган кишилар ҳам бор, яна улардан Биз сизга ҳикоя қилмаган кишилар ҳам бордир» (Ғофир, 78).

У пайғамбарларнинг барчасига иймон келтириш фарздир. Чунки уларнинг чақириқлари битта бўлган. Аллоҳ таоло айтди:

﴿ شَرَعَ لَكُمْ مِنَ الدِّينِ مَا وَصَّى بِهِ نُوحًا وَالَّذِي أَوْحَيْنَا إِلَيْكَ وَمَا وَصَّيْنَا بِهِ إِبْرَاهِيمَ وَمُوسَى وَعِيسَى أَنْ أَقِيمُوا الدِّينَ وَلَا تَتَفَرَّقُوا فِيهِ ﴾

«(Эй мўминлар, Аллоҳ) сизлар учун ҳам диндан Нухга буюрган нарсани ва Биз сизга (яъни, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга) ваҳий қилган нарсани, (шунингдек) Биз Иброҳим, Мусо ва Ийсога буюрган нарсани – шариат – (қонун) қилди, – «Динни барпо қилинглр ва унда фирқа-фирқа бўлиб бўлинманглр!»» (Шуро, 13).

Уларнинг биттасига кофир бўлиш, барчасига кофир бўлиш, демакдир.

Аллоҳ таоло айтди:

﴿ كَذَّبَتْ قَوْمُ نُوحٍ الْمُرْسَلِينَ ﴾

«Нуҳнинг қавми барча пайғамбарларни рад қилди» (Шуаро, 105).

Холбуки, Нуҳ алайҳиссалом илк расул эдилар.

Шунинг учун пайғамбарларни айриш, уларнинг баъзиларига иймон келтириб, баъзиларига иймон келтирмаслик жоиз эмас. Бундай ишни қилган одам кофир бўлади. Аллоҳ таоло айтди:

﴿إِنَّ الَّذِينَ يَكْفُرُونَ بِاللَّهِ وَرُسُلِهِ وَيُرِيدُونَ أَنْ يُقْرِفُوا بِئِنَّ اللَّهَ أَنْ يَنْجُدُوا بَيْنَ ذَلِكَ سَبِيلًا ۝ أُولَئِكَ هُمُ الْكَافِرُونَ حَقًّا وَأَعْتَدْنَا لِلْكَافِرِينَ عَذَابًا مُهِينًا ۝ وَالَّذِينَ آمَنُوا بِاللَّهِ وَرُسُلِهِ وَلَمْ يُقْرِفُوا بَيْنَ أَحَدٍ مِنْهُمْ أُولَئِكَ سَوْفَ يُؤْتِيهِمْ أَجْرُهُمْ وَكَانَ اللَّهُ غَفُورًا رَحِيمًا﴾

«Албатта, Аллоҳ ва пайғамбарига ишонмайдиган, Аллоҳ билан пайғамбарларнинг ораларини ажратишни истайдиган (яъни, Аллоҳга ишониб, пайғамбарларини инкор қиладиган) ва айрим пайғамбарларга ишонамиз, айримларига ишонмаймиз», дейдиган ҳамда ора йўлни тутишни истайдиган кимсалар – ана ўшалар ҳақиқий кофирдирлар. Бундай кофирлар учун хор қилгувчи азобни тайёрлаб қўйганмиз. Аллоҳ ва пайғамбарларига иймон келтирган ҳамда улардан биронтасини ажратиб қўймаган зотларга эса яқинда (Аллоҳ) муносиб мукофотларини ато этажак. Аллоҳ мағфиратли, меҳрибон бўлган зотдир» (Нисо, 150 - 152).

③ Пайғамбарларни тасдиқлаш ва уларнинг Аллоҳдан келтирган хабарларини қабул қилиш.

Аллоҳ таоло айтди:

﴿يَا أَيُّهَا النَّاسُ قَدْ جَاءَكُمْ الرَّسُولُ بِالْحَقِّ مِنْ رَبِّكُمْ فَآمِنُوا خَيْرًا لَكُمْ وَإِنْ تَكْفُرُوا فَإِنَّ لِلَّهِ مَا فِي السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَكَانَ اللَّهُ عَلِيمًا حَكِيمًا﴾

«Эй одамлар, бу пайғамбар сизларга Парвардигорингиздан ҳақ динни келтирди. Бас, иймон келтирингиз, ўзингиз учун яхши бўлур. Агар инкор қилсанглар (ўзингизга зарар қиласиз, холос). Зеро, осмонлардаги ва Ердаги бор нарса Аллоҳникидир. Аллоҳ билим ва ҳикмат эгаси бўлган зотдир» (Нисо, 170);

﴿وَالَّذِي جَاءَ بِالصِّدْقِ وَصَدَّقَ بِهِ أُولَئِكَ هُمُ الْمُتَّقُونَ﴾

«Рост Қуръонни келтирган зот (яъни, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ва уни тасдиқ этган (мўминлар) – ана ўшалар тақводор зотлардир» (Зумар, 33);

﴿وَالنَّجْمِ إِذَا هَوَىٰ ۝ مَا صَلَٰ صَاحِبِكُمْ وَمَا غَوَىٰ ۝ وَمَا يَنْطِقُ عَنِ الْهَوَىٰ ۝ إِنَّ هُوَ إِلَّا وَحْيٌ يُوحَىٰ ۝ عَلَّمَهُ شَدِيدُ الْقُوَىٰ﴾

«Ботиб кетаётган юлдузга қасамки, сизларнинг соҳибингиз (яъни, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам) залолатга ҳам

кетгани йўқ, йўлдан ҳам озгани йўқ! Ва у (сизларга келтираётган Қуръонни) ўз ҳавойи-хоҳиши билан сўзламас. У (Қуръон) фақат (Аллоҳ томонидан пайғамбарга) ваҳий қилинаётган (туширилаётган) бир ваҳийдир. Унга (бу ваҳийни) бир кучга тўлган, соҳиби қудрат (яъни, Жаброил алайҳис-салом) таълим бермишдир» (Нажм, 1 - 5).

Пайғамбарлар ҳақидаги ўтмиш хабарларнинг Қуръони карим ва Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳиҳ-ишончли ҳадисларида ворид бўлганларини тасдиқлаш, исроилиётларда келган хабарларга эса, самовий китобларга иймон келтириш ҳақида келган тушунчалар билан қараш керак. (Яъни, уларни тасдиқ ҳам, инкор ҳам этилмайди). Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга боғлаб келтирилган хабарларнинг тўғри ёки нотўғри эканини билиш учун муҳаддислар қоидалари ишлатилади. Ўша қоидаларга кўра соғлом-ишончли бўлганларини қабул қилиш лозим бўлади.

④ Пайғамбарларга итоат қилиш, ҳукм қилишлари учун мурожаат қилиш ва уларнинг йўлларига эргашиш.

Аллоҳ таоло айтди:

﴿ وَمَا أَرْسَلْنَا مِنْ رَسُولٍ إِلَّا لِيُطَاعَ بِإِذْنِ اللَّهِ ﴾

«Ҳар бир пайғамбарни Аллоҳнинг изни билан итоат қилиниши учун юборганмиз» (Нисо, 64).

Шунга биноан, ҳар бир халққа, ўзига юборилган пайғамбарга итоат қилиб, эргашиши фарздир. Уларнинг охиргилари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам бўлганлари боис, у олиб келган шариат ўзидан аввалги шариатларни бекор қилган. Унга итоат қилиш ва эргашиш эса, уни эшитган барча одам учун фарздир, соллаллоҳу алайҳи ва саллам. Аллоҳ таоло айтди:

﴿ الَّذِينَ يَتَّبِعُونَ الرَّسُولَ النَّبِيَّ الْأُمِّيَّ الَّذِي يَجِدُونَهُ مَكْنُونًا عِنْدَهُمْ فِي الْتَوْرَةِ وَالْإِنْجِيلِ يَأْمُرُهُمْ بِالْمَعْرُوفِ وَيَنْهَاهُمْ عَنِ الْمُنْكَرِ وَجَلَّ لَهُمُ الطَّيِّبَاتِ وَيُحَرِّمُ عَلَيْهِمُ الْخَبَائِثَ وَيَضَعُ عَنْهُمْ إِصْرَهُمْ وَالْأَغْلَالَ الَّتِي كَانَتْ عَلَيْهِمْ فَالَّذِينَ آمَنُوا بِهِ وَعَزَّرُوهُ وَنَصَرُوهُ وَاتَّبَعُوا النُّورَ الَّذِي أُنزِلَ مَعَهُ أُولَئِكَ هُمُ الْمُفْلِحُونَ ● قُلْ يَا أَيُّهَا النَّاسُ إِنِّي رَسُولُ اللَّهِ إِلَيْكُمْ جَمِيعًا الَّذِي لَهُ مُلْكُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ يُحْيِي وَيُمِيتُ فَأَمِنُوا بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ النَّبِيِّ الْأُمِّيِّ الَّذِي يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَكَلِمَاتِهِ وَاتَّبِعُوهُ لَعَلَّكُمْ تَهْتَدُونَ ﴾

«Улар шундай кишилардирки, уммий (саводсиз) пайғамбарга – номини ўз олдиларидаги Таврот ва Инжилда ёзилган ҳолда топишадиган – элчимизга эргашадилар. У пайғамбар уларни яхшиликка буюради, ёмонликдан қайтаради ва пок нарсаларни улар учун ҳалол қилиб, нопок нарсаларни уларга ҳаром қилади ҳамда улардан юкларини ва устларидаги кишанларини олиб ташлайди (яъни, Ислом динидан аввалги динларда бўлган оғир, машаққатли ибодатларни олиб ташлаб, уларнинг ўрнига осон ва

енгилларини келтиради). **Бас, унга иймон келтирган, уни улуғлаб, унга ёрдам қилган ҳамда унинг (келиши) билан нозил қилинган нурга (яъни, Қуръонга) эргашган зотлар – ана ўшаларгина нажот топгувчилардир. Айтинг (эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Эй одамлар, албатта мен сизларнинг барчангизга Аллоҳ (юборган) элчиман. У шундай зотки, самовот ва Ер Унинг мулкидир. Ҳеч қандай илоҳ йўқ, фақат Унинг Ўзи бордир. Ҳаёт ва ўлим берадиган ҳам Унинг Ўзидир. Бас, Аллоҳга ва Унинг элчисига – Аллоҳ ва Унинг сўзларига ишонадиган уммий пайғамбарга иймон келтирингиз ва унга эргашингиз – шояд ҳидоят топурсиз»» (Аъроф, 157 – 158);**

﴿قُلْ إِنْ كُنْتُمْ تُحِبُّونَ اللَّهَ فَاتَّبِعُونِي يُحْبِبْكُمُ اللَّهُ وَيَغْفِرْ لَكُمْ ذُنُوبَكُمْ وَاللَّهُ غَفُورٌ رَحِيمٌ • قُلْ أَطِيعُوا اللَّهَ وَالرَّسُولَ فَإِنْ تَوَلَّوْا فَإِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ الْكَافِرِينَ﴾

«**Айтинг (эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Агар Аллоҳни севсангиз, менга эргашинглар. Шунда Аллоҳ сизларни севади ва гуноҳларингизни мағфират қилади. Аллоҳ (гуноҳларни) мағфират қилгувчи, меҳрибондир». Айтинг: «Аллоҳ ва пайғамбарга итоат қилингиз!» Агар юз ўгирсалар, бас, албатта Аллоҳ (бундай) динсизларни севмас» (Оли Имрон, 31 – 32);**

﴿فَلَا وَرَبِّكَ لَا يُؤْمِنُونَ حَتَّىٰ يُحَكِّمُوكَ فِيمَا شَجَرَ بَيْنَهُمْ ثُمَّ لَا يَجِدُوا فِي أَنفُسِهِمْ حَرَجًا مِّمَّا قَضَيْتَ وَيُسَلِّمُوا تَسْلِيمًا﴾

«**Йўқ, Парвардигорингизга қасамки, то улар ўз ўрталарида чиққан келишмовчиликларда сизни ҳакам қилмагунларича ва кейин сиз чиқарган ҳукмдан дилларида ҳеч қандай танглик топмай, тўла таслим бўлмагунларича – бўйинсунмагунларича зинҳор мўмин бўла олмайдилар» (Нисо, 65).**

⑤ **Пайғамбарларни самимий дўст ўлароқ кўриш, уларни суюш, ардоқлаш ва уларга салавоту саломлар йўллаш.**

Аллоҳ таоло айтди:

﴿إِنَّمَا وَلِيُّكُمُ اللَّهُ وَرَسُولُهُ وَالَّذِينَ آمَنُوا الَّذِينَ يُقِيمُونَ الصَّلَاةَ وَيُؤْتُونَ الزَّكَاةَ وَهُمْ رَاكِعُونَ • وَمَنْ يَتَوَلَّ اللَّهَ وَرَسُولَهُ وَالَّذِينَ آمَنُوا فَإِنَّ حِزْبَ اللَّهِ هُمُ الْغَالِبُونَ﴾

«**Сизларнинг дўстингиз фақат Аллоҳ, Унинг пайғамбари ва таъзим-тавозеъ қилган ҳолларида намозни тўқис адо этадиган, закотни (ҳақдорларга) ато этадиган мўминлардир. Кимки Аллоҳни, Унинг пайғамбарини ва мўминларни дўст тутса (нажот топгай), зеро, фақат Аллоҳнинг гуруҳигина ғолиб бўлгувчидир» (Моида, 55 – 56);**

﴿قَلَمًا أَحْسَنَ عِيسَىٰ مِنْهُمُ الْكُفْرَ قَالَ مَنْ أَنْصَارِي إِلَى اللَّهِ قَالَ الْحَوَارِيُّونَ نَحْنُ أَنْصَارُ اللَّهِ آمَنَّا بِاللَّهِ وَأَشْهَدُ بِأَنَّ مُحَمَّدًا رَسُولُ اللَّهِ﴾

«Қачонки Ийсо улар томондан куфрни кўргач: «Аллоҳнинг динига даъват қилишимда ким менга ёрдамчи бўлур?» – деди. Ҳаворийлар айтдилар: «Биз Аллоҳнинг (динига) ёрдам бергувчилармиз. Аллоҳга иймон келтирдик» (Оли Имрон, 52);

﴿ قُلْ إِنْ كَانَ آبَاؤُكُمْ وَأَبْنَاؤُكُمْ وَإِخْوَانُكُمْ وَأَزْوَاجُكُمْ وَعَشِيرَتُكُمْ وَأَمْوَالٌ اقْتَرَفْتُمُوهَا وَتِجَارَةٌ تَخْشَوْنَ كَسَادَهَا وَمَسَاكِينُ تَرْضَوْنَهَا أَحَبُّ إِلَيْكُمْ مِنَ اللَّهِ وَرَسُولِهِ وَجِهَادٍ فِي سَبِيلِهِ فَتَرَبَّصُوا حَتَّى يَأْتِيَ اللَّهُ بِأَمْرِهِ وَاللَّهُ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الْفَاسِقِينَ ﴾

«(Эй Мухаммад), айтинг: «Агар ота-оналарингиз, болаларингиз, ака-укаларингиз, жуфтларингиз, қариндош-уруғларингиз ва касб қилиб топган мол-дунёларингиз, касод бўлиб қолишидан кўрқадиган тижоратларингиз ҳамда яхши кўрадиган уй-жойларингиз сизларга Аллоҳдан, Унинг пайғамбаридан ва Унинг йўлида жиҳод қилишдан суюклироқ бўлса, у ҳолда то Аллоҳ ўз амрини (яъни, азобини) келтирганича кутиб тураверинглар. Аллоҳ итоатсиз қавмни ҳидоят қилмас» (Тавба, 24);

﴿ وَسَلَامٌ عَلَى الْمُرْسَلِينَ ﴾

«Элчиларга саломлар бўлсин!» (Соффат, 121).

Аллоҳ таоло Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг тилидан шундай деди:

﴿ لِنُؤْمِنُوا بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ وَنُعَزِّرُوهُ وَنُوَقِّرُوهُ وَتُسَبِّحُوهُ بُكْرَةً وَأَصِيلًا ﴾

«(Эй инсонлар, Биз бу пайғамбарни) сизлар Аллоҳга ва унинг пайғамбарига иймон келтиришларингиз учун ва У зотни улуғлаб, эҳтиром қилишларингиз ҳамда эртаю кеч Уни поклаб, тасбеҳ айтишларингиз учун (юбордик)» (Фатҳ, 9);

﴿ إِنَّ اللَّهَ وَمَلَائِكَتَهُ يُصَلُّونَ عَلَى النَّبِيِّ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا صَلُّوا عَلَيْهِ وَسَلِّمُوا تَسْلِيمًا ﴾

«Албатта Аллоҳ ҳам, Унинг фаришталари ҳам пайғамбарга дуо-ю салавот айтурлар. Эй мўминлар, сизлар ҳам у зотга салавот ва саломлар айтинглар!» (Аҳзоб, 56).

Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар:

«Бировингизга мен отаси, фарзанди ва барча одамлардан кўра суюмлироқ бўлмагунимча комил мўмин бўла олмайди»⁽⁴⁸⁾.

(48) Муттафақун алайҳ. Имом Бухорий ривояти (№ 15), Имом Муслим ривояти (№ 44). Анас разияллоҳу анху ривоят қилган ҳадис.



Охират кунига иймон келтириш

Охират кунига иймон келтириш: «Аллоҳ таоло бандаларнинг сарҳисобини қабрларидан қайта тирилишадиган бир кунга кечиктиради ва уларни сарҳисоб қилиб, ордидан ё жаннат ёки жаҳаннам билан тақдирлайди», дея қатъий эътиқод қилиш, демакдир.

Аллоҳ таоло айтди:

﴿ إِنَّمَا يُؤَخِّرُهُمْ لِيَوْمٍ تَشْخَصُ فِيهِ الْأَبْصَارُ ﴾

«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), сиз ҳаргиз: «Аллоҳ золим кимсаларнинг қилаётган амалларидан ғофил», деб ўйламанг! **Фақат Аллоҳ уларни**(нг жазоларини) **кўзлар** (даҳшатдан) **қотиб қоладиган** (қўрқинчли Қиёмат) **Кунига қолдирмоқда, холос**» (Иброҳим, 42);

﴿ زَعَمَ الَّذِينَ كَفَرُوا أَنْ لَنْ يُبْعَثُوا قُلْ نَبَىٰ وَرَبِّي لَتُبْعَثُنَّ ثُمَّ لَتُنَبَّؤُنَّ بِمَا عَمِلْتُمْ وَذَلِكِ عَلَى اللَّهِ يَسِيرٌ ﴾

«**Кофир бўлган кимсалар ўзларининг ҳеч қачон қайта тирилмасликларини гумон-даъво қилдилар.** (Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам, уларга) айтинг: «**Йўқ! Парвардигоримга қасамки, албатта қайта тирилурсизлар, сўнгра албатта сизларга қилган амалларингизнинг хабари берилур. Бу Аллоҳга осондир**»» (Тағобун, 7);

﴿ وَيَوْمَ تَقُومُ السَّاعَةُ يُبْلِسُ الْمُجْرِمُونَ ● وَلَمْ يَكُنْ لَهُمْ مِنْ شُرَكَائِهِمْ شُفَعَاءُ وَكَانُوا بِشُرَكَائِهِمْ كَافِرِينَ ● وَيَوْمَ تَقُومُ السَّاعَةُ يُؤْمِنُ بِتَفَرُّقُونَ ● فَأَمَّا الَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ فَهُمْ فِي رَوْضَةٍ يُحْبَرُونَ ● وَأَمَّا الَّذِينَ كَفَرُوا وَكَذَّبُوا بِآيَاتِنَا وَلِقَاءِ الْآخِرَةِ فَأُولَٰئِكَ فِي الْعَذَابِ مُحْضَرُونَ ﴾

«(Қиёмат) соати қойим бўладиган кунда – ана ўша кунда (мўминлар билан кофирлар) бир-бирларидан ажралурлар. Энди иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотлар (жаннат) боғида шодланурлар. Аммо куфр йўлини тутган ва Бизнинг оятларимизни ҳамда охират мулоқотини ёлғон деган кимсалар – ана ўшалар (мангу) азобга дучор қилинурлар» (Рум, 14 – 16).

Охират кунига иймон келтириш таҳтига ушбу нарсалар ҳам киради:

① **Ўлимдан кейин бўладиган нарсаларга ишониш.**

Ўлим тўшагида фаришталарни кўриш, барзах оламида икки фариштанинг банданинг парвардигори, дини, пайғамбари ҳақида сўроқ қилиши, қабр қийноқлари ёки неъматлари каби содир бўладиган қабр фитналари.

Аллоҳ таоло айтди:

﴿وَلَوْ تَرَىٰ إِذْ يَتَوَقَّى الَّذِينَ كَفَرُوا الْمَلَائِكَةَ يَصْرِيحُونَ بِأَجْرِهِمْ وَأَنْذَارِهِمْ وَذُوقُوا عَذَابَ الْحَرِيقِ﴾

«Агар фаришталар кофир кимсаларнинг юз ва кетларига уриб жонларини олаётган ва: «Дўзах азобини тотингиз! Бунга сабаб ўзларингиз қилган амалларингиздир, зеро Аллоҳ ҳаргиз бандаларига зулм қилгувчи эмасдир», деяётган пайтини кўрсангиз эди» (Анфол, 50);

﴿إِنَّ الَّذِينَ قَالُوا رَبُّنَا اللَّهُ ثُمَّ اسْتَقَامُوا تَتَنَزَّلُ عَلَيْهِمُ الْمَلَائِكَةُ أَلَّا تَخَافُوا وَلَا تَحْزَنُوا وَأَبْشِرُوا بِالْجَنَّةِ الَّتِي كُنْتُمْ تُوعَدُونَ﴾

«Албатта: «Парвардигоримиз Аллоҳдир» деб, сўнгра (ёлғиз Аллоҳга тоат-ибодат қилишда) тўғри – устивор бўлган зотларнинг олдиларига (ўлим пайтида) фаришталар тушиб, (дерлар): «Қўрқманглар ва ғамгин бўлманглар. Сизларга ваъда қилинган жаннат хушxabари билан шодланинглар!» (Фуссилат, 30);

﴿فَوْقَاهُ اللَّهُ سَيِّمَاتٍ مَّا مَكْرُوا وَحَاقَ بِآلِ فِرْعَوْنَ سُوءُ الْعَذَابِ ● النَّارُ يُعْرَضُونَ عَلَيْهَا غُدُوًّا وَعَشِيًّا وَيَوْمَ تَقُومُ السَّاعَةُ أَدْخِلُوا آلَ فِرْعَوْنَ أَشَدَّ الْعَذَابِ﴾

«Бас, Аллоҳ у (иймон келтирган киши)ни уларнинг ёмон макр-ҳийлаларидан сақлади ва Фиръавн хонадонини ёмон азоб ўраб олди. (У азоб бир) оловдирки, улар эртаю кеч ўшанга кўндаланг қилиниб (куйдирилурлар). (Қиёмат) соати қойим бўладиган Кунда эса (дўзах фаришталарига): «Фиръавн хонадонини энг қаттиқ азобга киритинглар», (дейилур)» (Ғофир, 45 – 46).

Анас разияллоҳу анҳу Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини ривоят қилди:

«Банда қабрга қўйилиб, дўстлари узоқлашар ва уларнинг оёқ товушларини эшитар экан, ёнига икки фаришта келиб, уни ўтқазishiб: «Бу одам – Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳақида нима дейсан?» – деб сўрашади. Мўмин: «Мен унинг Аллоҳнинг қули ва элчиси эканига гувоҳлик бераман», дейди. Фаришталар: «Жаҳаннамдан ажратилган жойингга боқ, Аллоҳ уни жаннатдан бўлган (мана бу) жойингга алиштирди», дейишади.

Банда ҳар икки жойини (ҳам) кўради. Мунофиқ ёки кофир бўлса унга: “Мана бу одам ҳақида нима дердинг!” – деб сўралади. У: “Билмайман, одамлар айтган нарсани айтиб юрардим”, дейди. Унга: “Билмадинг ҳам, ўрганмадинг ҳам!” – дейилади-да, темир гурзи билан қаттиқ урилади. У (оғриқдан) инсу жиндан бошқа барча (махлуқотлар) эшитадиган даражада фарёд чекади»⁽⁴⁹⁾.

Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоху анҳумо ривоят қилади:

«Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва саллам икки қабр олдидан ўтдилар ва: «Улар азобланмоқдалар ва катта гуноҳ сабабли азобланмаяптилар. Улардан бири сийдикдан эҳтиёт бўлмас, бошқаси эса чақимчилик қилиб гап ташир эди», дедилар.

Сўнгра қуримаган хурмо шохини олиб иккига бўлиб, ҳар икки қабрга биттадан суқиб қўйдилар. (Саҳобалар): “Ё Расулуллоҳ, нега бундай қилдингиз?” – деб сўрашганида: «Мудом улар қуримас экан, шояд уларнинг азоблари енгиллаб турса» – деб жавоб бердилар»⁽⁵⁰⁾.

② Қиёмат ва Қиёматнинг аломатларига иймон келтириш.

Аллоҳ таоло айтди:

﴿اللَّهُ الَّذِي أَنْزَلَ الْكِتَابَ بِالْحَقِّ وَالْمِيزَانَ وَمَا يُدْرِيكَ لَعَلَّ السَّاعَةَ قَرِيبٌ ● يَسْتَعْجِلُ بِهَا الَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِهَا وَالَّذِينَ آمَنُوا مُشْفِقُونَ مِنْهَا وَيَعْلَمُونَ أَنَّهَا الْحَقُّ أَلَا إِنَّ الَّذِينَ يُجَارُونَ فِي السَّاعَةِ لَفِي ضَلَالٍ بَعِيدٍ﴾

«Аллоҳ ҳаққи-рост бўлган Китобни ва тарози-адолатни нозил қилган зотдир. Қаердан билурсиз, эҳтимол (Қиёмат) соати яқиндир. (Бас, ғафлатда қолмай Аллоҳ нозил қилган ҳақ Китоб ва адолатни маҳкам ушлаш лозимдир). (Қиёматга) иймон келтирмайдиган кимсалар уни шоштирурлар. Иймон келтирган зотлар эса ундан қўрқувчидирлар. Улар (Қиёматнинг) ҳақ эканлигини билурлар. Огоҳ бўлингизким, (Қиёмат) соати хусусида талашиб-тортишадиган кимсалар (Ҳақ йўлдан) йироқ залолатдадирлар» (Шуро, 17 – 18);

﴿فَهَلْ يَنْظُرُونَ إِلَّا السَّاعَةَ أَنْ تَأْتِيَهُمْ بَغْتَةً فَقَدْ جَاءَ أَشْرَاطُهَا فَأَنَّى لَهُمْ إِذَا جَاءَتْهُمْ ذِكْرَاهُمْ﴾

«Улар (Макка кофирлари ўтмишдаги ўз пайғамбарларини ёлғончи қилган қавмлар дучор бўлган ҳалокатлардан эслатма-ибрат олмадилар), энди фақат тўсатдан (Қиёмат) соати келиб қолишинигина кутмоқдалар. Дарвоқеъ, унинг аломатлари келди.

(49) Муттафақун алайҳ. Имом Бухорий ривояти, (№ 1374), Имом Муслим, (№ 2870).

(50) Имом Бухорий ривояти (№ 218), Имом Муслим ривояти (№ 292).

Бас, уларга (Қиёмат соати) келган вақтида уларнинг эслатма-ибрат олишлари (учун) қандай (имкон) бўлур?!» (Муҳаммад, 18).

Қиёматнинг катта аломатларига ушбу ҳадис далолат қилмоқда: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Қиёмат ўнта аломатини кўрмагунингизча қоим бўлмайди»** – деб санай бошладилар: **«Тутун, Дажжол, жонивор, қуёшнинг ботиш тарафидан балқиши, Ийсо Марям ўғлининг (осмондан) тушиши, Яъжуж ва Маъжуж, уч марта – машриқда, мағрибда ва Араб ярим оролида Ер ютиши, (аломатларнинг) охири эса Ямандан чиқиб, одамларни маҳшаргоҳларига ҳайдаб борадиган оловдир»⁽⁵¹⁾.**

Қиёмат туйқусдан ва тез келади. Аллоҳ таоло айтди:

﴿يَسْأَلُونَكَ عَنِ السَّاعَةِ أَيَّانَ مُرْسَاهَا قُلْ إِنَّمَا عِلْمُهَا عِنْدَ رَبِّي لَا يُجَلِّيهَا لِوَفَيْهَا إِلَّا هُوَ ثَقُلَتْ فِي السَّمَاءِ وَالْأَرْضِ لَا تَأْتِيكُمُ إِلَّا بَغْتَةً يَسْأَلُونَكَ كَأَنَّكَ خَفِيٌّ عَنْهَا قُلْ إِنَّمَا عِلْمُهَا عِنْدَ اللَّهِ وَلَكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ﴾

«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), сиздан Соат (яъни, Қиёмат) қачон воқе бўлади, деб сўрайдилар. Айтинг: «Унинг билими фақатгина Парвардигорим даргоҳидадир. Вақт-соати келганида ҳам фақат Узи ошкор қилур. У (яъни, Қиёмат) самовот ва Ер учун жуда оғир (даҳшатли) бир ишдир. У сизларга фақат тўсатдан – кутилмаганда келур». Гўё сиз у ҳақда яхши биладигандек сўрайдилар. Айтинг: «Унинг билими фақатгина Аллоҳ даргоҳидадир. Лекин жуда кўп одамлар уни билмайдилар»» (Аъроф, 187);

﴿وَمَا أَمْرُ السَّاعَةِ إِلَّا كَلَمْحِ الْبَصَرِ أَوْ هُوَ أَقْرَبُ إِنَّ اللَّهَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ﴾

«Осмонлар ва Ердаги ғайб – сирларни (билиш) Аллоҳга хосдир. Соат – Қиёмат амри (яъни, Қиёматнинг қойим бўлиши) кўз очиб юмгунча ё ундан-да тездир. Дарҳақиқат, Аллоҳ ҳамма нарсага қодирдир» (Наҳл, 77).

Қиёмат ўлим учун чалинадиган сур билан қоим бўлади. Аллоҳ таоло айтди:

﴿وَنُفِخَ فِي الصُّورِ فَصَعِقَ مَنْ فِي السَّمَاءِ وَمَنْ فِي الْأَرْضِ إِلَّا مَنْ شَاءَ اللَّهُ﴾

«Сур чалинди-ю, осмонлар ва ердаги бор жонзот ўлди, магар Аллоҳ хоҳлаган зотларгина (тирик қолдилар)» (Зумар, 68).

③ **Қайта тирилишга иймон келтириш.**

Қайта тирилиш – сур иккинчи марта чалингач, бандаларнинг

(51) Имом Муслим ривояти (№ 2901). Ҳузайфа разияллоҳу анҳу ривояти.

қабрларидан ялангоёқ, кийимсиз – яланғоч, хатна қилинмаган ҳолатларида – бус-бутун, уст-бошсиз қора рангда қабрларидан тирилиб чиқишларидир. Бу иккинчи марта сур чалинганида содир бўлади. Аллоҳ таоло айтди:

﴿ تَمُّ نَفْحٍ فِيهِ أُخْرَى فَإِذَا هُمْ قِيَامٌ يَنْظُرُونَ ﴾

«Сўнгра у иккинчи бор чалинди-да, баногоҳ улар (яъни, барча халойиқ қайта тирилди, қабрларидан) **туриб**, (Аллоҳнинг амрига) **кўз тутарлар»** (Зумар, 68);

﴿ وَنُفِّخَ فِي الصُّورِ فَإِذَا هُمْ مِنَ الْأَجْدَاثِ إِلَى رَبِّهِمْ يَنْسِلُونَ ﴾

«(Қиёмат соати келиб фаришта Исрофилнинг) сури чалиниши билан баногоҳ улар қабрларидан Парвардигорлари ҳузурига (ҳисоб-китоб учун) суғурилиб чиқурлар» (Ёсин, 51).

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Одамлар Қиёмат кунни ялангоёқ, яланғоч ва хатна қилинмаган – бус-бутун ҳолатларида жамланирлар»**–дедилар⁽⁵²⁾.

④ **Қиёматнинг даҳшатли ҳолатларига иймон келтириш.**

Аллоҳ таоло айтди:

﴿ يَوْمَ يَقُومُ النَّاسُ لِرَبِّ الْعَالَمِينَ ﴾

«Улар ўзларининг улуғ бир Кунда – барча одамлар бутун оламлар Парвардигори ҳузурига тик туриб (ҳисоб-китоб берадиган Қиёмат) **кунда** қайта тирилгучи эканликларини ўйламайдиларми?!»

(Мутоффифун, 6).

Бу вазият – одамларнинг Қиёмат майдонида кўрқинчли: дарғачи эшиттирадиган, кўзлар қотиб қолган, қуёш яқинлаштирилиб, оғизгача терга ботилган, Кавсар ҳавзи келтирилган, номаи аъмоллар тарқатилган, тарозилар қурилган, Сирот кўприги тикланган ҳолатдир.

⑤ **Сарҳисоб қилинишга иймон келтириш.**

Аллоҳ таоло айтди:

﴿ إِنَّ إِلَيْنَا إِيَابَهُمْ • تَمُّ إِنَّ عَلَيْنَا حِسَابَهُمْ ﴾

«Зеро, ёлғиз Ўзимизга қайтишлари бордир! Сўнграуларни ҳисоб-

(52) Муттафақун алайҳ. Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳумо ривояти: Имом Бухорий ривояти (№ 3349) ва Имом Муслим ривояти (№ 2860). Оиша разияллоҳу анҳо ривояти: Имом Бухорий (№ 6527) ва Имом Муслим ривояти (№ 2859).

китоб қилиш (жазо бериш) ҳам ёлғиз Бизнинг зиммамиздадир!»
(Ғошия, 25 – 26);

﴿ فَأَمَّا مَنْ أُوِّقِيَ كِتَابَهُ بِيَمِينِهِ • فَسَوْفَ يُحَاسَبُ حِسَابًا يَسِيرًا ﴾

«Ана энди кимнинг номаи аъмоли ўнг томонидан берилса. Бас, у осон ҳисоб билан ҳисоб-китоб қилинажак» (Иншиқоқ, 7 – 8);

﴿ فَمَنْ يَعْمَلْ مِثْقَالَ ذَرَّةٍ خَيْرًا يَرَهُ • وَمَنْ يَعْمَلْ مِثْقَالَ ذَرَّةٍ شَرًّا يَرَهُ ﴾

«Бас, ким (ҳаёти дунёдалик пайтида) зарра мисқоличалик яхшилик қилса (Қиёмат кунида) ўшани кўрур. Ким зарра мисқоличалик ёмонлик қилса уни ҳам кўрур!» (Залзала, 7 – 8);

﴿ وَنَضَعُ الْمَوَازِينَ الْقَسِطَ لِيَوْمِ الْقِيَامَةِ فَلَا تُظْلَمُ نَفْسٌ شَيْئًا وَإِنْ كَانَ مِثْقَالَ حَبَّةٍ مِنْ حَرْدَلٍ آتَيْنَا بِهَا وَكَفَى بِنَا حَاسِبِينَ ﴾

«Биз қиёмат куни учун адолатли мезон-тарозилар қўюрмиз, бас, бирон жонга заррача зулм қилинмас. Агар хардал (ўсимлигининг) уруғидек (яхши ёки ёмон амал қилинган) бўлса, ўшани-да келтирурмиз! Биз Ўзимиз етарли ҳисоб-китоб қилгувчидирмиз» (Анбиё, 47).

Бандаларнинг сарҳисоби икки хилдир.

А. Мўминлар сарҳисоби.

Бу сарҳисоб, ё кўрсатиш ёки тергов билан бўлиб ўтади. Кўрсатиб сарҳисоб қилиш, Аллоҳ таоло аввалдан лутф қилган бахтиёр бандалар учундир. Бунга Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳумонинг Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан нақл қилган ушбу ҳадиси далолат қилади:

«Аллоҳ таоло мўминни (ўзига) яқинлаштиради ва пардалаб тўсади-да: «Фалон ва пистон (қилган) гуноҳлар(инг)ни биласанми?» – деб сўрайди. Мўмин: «Ҳа (биламан), Раббим!» – деб жавоб беради. Гуноҳларини эътироф этиб, ўзининг ҳалок бўлажagini кўрганида (Аллоҳ таоло): «У (гуноҳ)ларни дунёда (бировларнинг кўзидан) тўсгандим, бугун эса сен учун мағфират қилдим!» – дейди-да, мўминга ҳасанотлар номаи аъмоли берилади»⁽⁵³⁾.

Тергов сарҳисоби эса, Аллоҳ таоло жаҳаннамда азоблаб, сўнгра

(53) Муттафақун алайҳ. Имом Бухорий ривояти (№ 2441), Имом Муслим ривояти (№ 2876).

жаннатда қолишадиган гуноҳи кабираларга қўл урган муваҳҳид мўминлар учун жорий қилинади. Бунга Оиша разияллоҳу анҳо ривоят қилган ушбу ҳадис далолат қилади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам: «Қиёмат куни тергов қилинган ҳар бир банда ҳалок бўлади», деганларида мен: «Ахир Аллоҳ таоло:

﴿ فَأَمَّا مَنْ أُوْتِيَ كِتَابَهُ بِيَمِينِهِ • فَسَوْفَ يُحَاسَبُ حِسَابًا يَسِيرًا ﴾

«Амал номалари ўнг тарафидан берилган кимсалар энгил ҳисоб қилинади»⁽⁵⁴⁾ демаганми? – деб савол бердим. Шунда Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам: «У фақат (гуноҳларни) кўрсатиб қўйиш, холос. Қиёмат куни тергов қилинган ҳар бир банда, албатта, азобланади, дедилар»⁽⁵⁵⁾.

Б. Кофирлар сарҳисоби.

Кофирлар сарҳисоби яхшилик ва ёмонликларни тортиш билан бўлмайди. Чунки уларнинг ҳасанотлари бўлмайди. Бу ҳақда Аллоҳ таоло шундай деган:

﴿ وَقَدِمْنَا إِلَىٰ مَا عَمِلُوا مِنْ عَمَلٍ فَجَعَلْنَاهُ هَبَاءً مَّنثُورًا ﴾

«(Зотан) Биз улар қилган ҳар бир (яхши) амалга келиб, уни сочилган тўзон (каби) қилиб қўйгандирмиз.

И з о ҳ. Исломий ақидага кўра, ёлғиз Аллоҳга иймон келтирмасдан туриб қилинган ёки ягона Аллоҳни кўзламасдан хужакўрсинга қилинган ҳар қандай яхши амал ҳам худди ҳавода учиб юрган чанг-тўзон каби фойдасиздир. Шу боисдан бут-санамлар йўлида қилинган ёки яхши ном чиқариш учун риёкорлик билан қилинган «савоб иш»ларнинг эгалари учун қиёмат кунда бирон ажру-мукофот бўлмас» (Фурқон, 23).

Кофирларни амаллари устида тўхталиб, ўзларига эътироф қилдирилади. Юқорида Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳумо ривоят қилган ҳадисда шундай дейилган: **«Кофир ва мунофиқларга эса халойиқ ўртасида:**

﴿ هُوَآءِ الَّذِينَ كَذَبُوا عَلَىٰ رَبِّهِمْ أَلَا لَعْنَةُ اللَّهِ عَلَى الظَّالِمِينَ ﴾

(54) Иншиқоқ сураси: 7 – 8.

(55) Муттафақун алайҳ. Имом Бухорий ривояти (№ 6537), Имом Муслим ривояти (№2768).

«Ундай кимсалар (Қиёмат кунда) Парвардигорларига рўбарў қилинурлар ва барча гувоҳлар: «Мана шулар Парвардигор шаънига ёлғон сўзларини сўзлаганлар», дейдилар. Огоҳ бўлингизким, бундай золимларга Аллоҳнинг лаънати бўлур», деб нидо қилинади»⁽⁵⁶⁾»⁽⁵⁷⁾.

⑤ Қилинган амалларнинг тақдирланишига иймон келтириш.

Бу иймон: жаннат ҳам, жаҳаннам ҳам ҳақиқатдир, жаннат – Аллоҳ таоло тақводор бандалари учун яратиб қўйган ҳамда ичида кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган ва одамзотнинг хаёлига ҳам келмаган анвойи турдаги моддий ва маънавий турфа неъматлар мавжуд бўлган диёр, жаҳаннам эса Аллоҳ таоло кофирлар учун тайёрлаган ва анвойи турдаги моддий ва маънавий қийноқлар диёри эканига ишониш, демакдир. Аллоҳ таоло айтди:

﴿ ثُمَّ أَوْرَثْنَا الْكِتَابَ الَّذِينَ اصْطَفَيْنَا مِنْ عِبَادِنَا فَمِنْهُمْ ظَالِمٌ لِنَفْسِهِ وَمِنْهُمْ مُقْتَصِدٌ وَمِنْهُمْ سَابِقٌ بِالْخَيْرَاتِ إِذْنُ اللَّهِ ذَلِكَ هُوَ الْفَضْلُ الْكَبِيرُ • جَنَّاتٍ عَدْنٍ يَدْخُلُونَهَا يُجَلُّونَ فِيهَا مِنْ أَسَاوِرٍ مِنْ ذَهَبٍ وَلُؤْلُؤًا وَلِبَاسُهُمْ فِيهَا حَرِيرٌ • وَقَالُوا الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي أَذْهَبَ عَنَّا الْحَزْنَ إِنَّ رَبَّنَا لَغَفُورٌ شَكُورٌ • الَّذِي أَحَلَّنَا دَارَ الْمُقَامَةِ مِنْ فَضْلِهِ لَا يَمَسُّنَا فِيهَا نَمَسٌ وَلَا يَمَسُّنَا فِيهَا لُغُوبٌ • وَالَّذِينَ كَفَرُوا لَهُمْ نَارُ جَهَنَّمَ لَا يُقْضَىٰ عَلَيْهِمْ فَيَمُوتُوا وَلَا يُخَفَّفُ عَنْهُمْ مِنْ عَذَابِنَا كَذَلِكَ نَجْزِي كُلَّ كَافِرٍ • وَهُمْ يَصْطَرِحُونَ فِيهَا رَبَّنَا أَخْرِجْنَا نَعْمَلْ صَالِحًا غَيْرَ الَّذِي كُنَّا نَعْمَلُ أَوَلَمْ نُعَمِّرْكُم مَّا يَتَذَكَّرُ فِيهِ مَنْ تَذَكَّرَ وَجَاءَكُمُ التَّذْيِيرُ قَدْ وُقِفُوا فَمَا لِلظَّالِمِينَ مِنْ نَصِيرٍ ﴿

«Сўнгра Биз бу Китобга бандаларимиздан Ўзимиз танлаган зотларни (яъни, сизнинг умматингизни) ворис қилдик. Бас, уларнинг орасида (Қуръонни ўқиса-да, унга амал қилмайдиган) ўз жонига жабр қилгувчи ҳам бор, уларнинг орасида ўртача амал қилгувчи ҳам бор ва уларнинг орасида Аллоҳнинг изну иродаси билан мудом яхшилиқларга шошилгувчи ҳам бордир. Ана ўша (яъни, Қуръонга ворис бўлиш Аллоҳнинг) катта марҳаматидир.

Улар олтиндан бўлган билакузуклар ва марварид-маржонлар билан безанган ҳолларида мангу (турадиган) жаннатларга кирурлар. У жойда уларнинг либослари ҳарир-ипак бўлур. Ва улар (жаннатга кирган чоғларида) дедилар: «Бизлардан ғам-қайғуни кетказган зот – Аллоҳга ҳамду-сано бўлсин. Дарҳақиқат, Парвардигоримиз мағфиратли ва ўта шукр қилгувчидир. У Ўз фазлу-марҳамати билан бизларни мангу турадиган бир диёрга туширдик, бу жойда бизларга на машаққат етар ва на чарчоқ етар».

(56) Худ сураси: 18.

(57) Муттафақун алайҳ. Имом Бухорий ривояти (№ 2441), Имом Муслим ривояти (№ 2768).

Кофир бўлган кимсалар учун эса жаҳаннам ўти бордирки, на уларга (иккинчи бор ўлиш) ҳукм қилиниб, ўла олурлар ва на улардан (жаҳаннам) азоби енгиллатилур. Биз ҳар бир кофирни мана шундай жазолармиз.

Улар у жойда: «Парвардигоро, бизларни (бу азобдан) чиқаргин, бизлар қилиб ўтган амалларимиздан бошқа яхши (амалларни) қилурмиз», деб дод-вой қилурлар. Ахир Биз сизларга эслатма оладиган киши эслатма олгудек узун умр бермаганмидик?! Сизларга огоҳлантиргувчи (пайғамбар) ҳам келган эди-ку! Бас, энди азобларингизни тотаверинглар! Энди зolim кимсалар учун бирон ёрдамчи бўлмас!» (Фотир, 32 - 37).

Тақдирга иймон келтириш – Аллоҳ таоло махлуқотларнинг тақдирларини азалий илми билан ўлчагани, Лавҳул Маҳфузга ёзгани, ўз истаги билан жорий қилиб, қудрати билан вужудга келтирганига қатъий эътиқод қилиш, демақдир.

Аллоҳ таоло айтди:

﴿ إِنَّا كُلَّ شَيْءٍ خَلَقْنَاهُ بِقَدَرٍ ﴾

«Албатта Биз ҳар бир нарсани (аниқ) ўлчов билан яратдик» (Қамар, 49);

﴿ وَخَلَقَ كُلَّ شَيْءٍ فَقَدَرَهُ تَقْدِيرًا ﴾

«(Аллоҳ) барча нарсани яратиб (аниқ) ўлчов билан ўлчаб қўйган зотдир» (Фурқон, 2).

Тақдирга иймон келтириш ичига қуйидаги насалар ҳам киради:

① Аллоҳнинг билиши-илмига иймон келтириш.

Яъни, Аллоҳнинг бу илми бандаларнинг ажал ва ризқлари каби ишлари ёки итоат ва итоатсизлик каби бандалар ишига тааллуқли бўлган барча нарсаларни умумий ва тафсилотлари билан ўз ичига олган азалий ва абдийдир, деб қатъий эътиқод қилиш, демақдир. Аллоҳ таоло айтди:

﴿ وَهُوَ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمٌ ﴾

«Ва Аллоҳ барча нарсани билгувчидир» (Бақара, 29);

﴿ ذَلِكَ تَقْدِيرُ الْعَزِيزِ الْعَلِيمِ ﴾

«Бу – Азиз ва Билгувчи зотнинг тақдиридир» (Анъом, 96);

Аллоҳ таоло Ўзига итоат этадиган ёки итоатсизлик қиладиган кимсаларни, худди узоқ ва қисқа умр кўрадиган кимсаларни билгандек, билади.

② Аллоҳ таолонинг махлуқотлар тақдирини Лавҳул Маҳфузда битган эканига иймон келтириш.

Аллоҳ таоло айтди:

﴿ مَا أَصَابَ مِنْ مُصِيبَةٍ فِي الْأَرْضِ وَلَا فِي أَنْفُسِكُمْ إِلَّا فِي كِتَابٍ مِنْ قَبْلِ أَنْ نَبْرَأَهَا إِنَّ ذَلِكَ عَلَى اللَّهِ يَسِيرٌ ﴾

«На Ерга ва на ўзларингизга бирон мусибат етмас, магар (етса) Биз уни пайдо қилишимиздан илгари Китобда (Лавҳул Маҳфузда битилган) бўлур. Албатта бу Аллоҳга осондир.

И з о ҳ. Яъни, ҳаётда содир бўладиган ҳар бир яхши-ёмон, катта-кичик воқеа-ҳодиса албатта Аллоҳ таолонинг тақдири азалийсида битилган бўлади. Яратганнинг амрисиз бировнинг баданига бир тикан кирмайди» (Ҳадид, 22);

﴿ لَا يَغْزُبُ عَنْهُ مِثْقَالُ ذَرَّةٍ فِي السَّمَاوَاتِ وَلَا فِي الْأَرْضِ وَلَا أَصْغَرُ مِنْ ذَلِكَ وَلَا أَكْبَرَ إِلَّا فِي كِتَابٍ مُبِينٍ ﴾

«Осмонлар ва ердаги бир зарра мисоличалик, ундан ҳам кичик (ёки) катта бирон нарса (Аллоҳ)дан маҳфий бўлмас – албатта очиқ Китобда (яъни, Аллоҳнинг азалий ёзмиши – Лавҳул-маҳфузда у) мавжуд бўлур» (Сабаъ, 3).

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос разияллоҳу анҳумо айтди:

«Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитганман: «Аллоҳ махлуқотларнинг тақдирини еру осмонларни яратишдан эллик минг йил илгари ёзиб қўйган. Уша пайтда У (Аллоҳ)нинг арши сув устида бўлган»»⁽⁵⁸⁾.

Убода ибн Сомит разияллоҳу анҳу айтди:

«Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитганман: «Аллоҳ илк ўлароқ қаламни яратган ва унга: “Ёз!” – деган. Қалам: “Раббим, нимани ёзаман?” – деб савол берганида, (Аллоҳ): “Ҳар бир нарсанинг Қиёмат қоим бўладиган (кунгача) тақдирини ёз!” – деган»»⁽⁵⁹⁾.

Аллоҳ таоло илм ва ёзишни ушбу оятда жамлаган:

﴿ أَلَمْ تَعْلَمْ أَنَّ اللَّهَ يَعْلَمُ مَا فِي السَّمَاءِ وَالْأَرْضِ إِنَّ ذَلِكَ فِي كِتَابٍ إِنَّ ذَلِكَ عَلَى اللَّهِ يَسِيرٌ ﴾

(58) Имом Муслим ривояти (№ 2653).

(59) Абу Довуд ривояти (№ 4700), Термизий ривояти (№ 2155).

«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), сиз Аллоҳ осмон ва ердаги бор нарсани билишини билмадингизми?! Албатта, бу Китобда (яъни, Лавҳул-махфузда ёзиб қўйилгандир). Албатта, бу Аллоҳга осондир» (Ҳаж, 70).

③ Аллоҳ таолонинг таъсир қилувчи истаги-хоҳишига иймон келтириш.

Бас, Аллоҳ таоло хоҳлаган нарса бўлади, хоҳламаган нарса бўлмайди. Аллоҳ берган нарсани ман қулувчи, ман ёки рад қилган нарсани эса бергувчи йўқдир. Аллоҳнинг мулкида Аллоҳ хоҳламаган жараён йўқдир. Аллоҳ ўз марҳамати билан хоҳлаган кишини ҳидоят қилса, Ўз адолати билан хоҳлаган кишини адаштиради. Аллоҳнинг ҳукмини кечиктира оладиган биронта зот йўқдир.

Аллоҳ таоло айтди:

﴿ وَلَوْ شَاءَ اللَّهُ مَا اقْتَتَلَ الَّذِينَ مِنْ بَعْدِهِمْ مِنْ بَعْدِ مَا جَاءَتْهُمْ الْبَيِّنَاتُ وَلَكِنْ اخْتَلَفُوا فَمِنْهُمْ مَنْ آمَنَ وَمِنْهُمْ مَنْ كَفَرَ وَلَوْ شَاءَ اللَّهُ مَا اقْتَتَلُوا وَلَكِنَّ اللَّهَ يَفْعَلُ مَا يُرِيدُ ﴾

«Агар Аллоҳ хоҳлаганда у пайғамбарлардан кейин ўтган одамлар ҳужжатлар келганидан кейин уришишмаган бўлардилар. Аммо улар ихтилоф қилдилар. Бас, уларнинг орасида мўминлар ҳам бор, кофирлар ҳам. Агар Аллоҳ хоҳлаганда уришишмаган бўлардилар, лекин Аллоҳ Ўзи хоҳлаган ишини қилади» (Бақара, 253);

﴿ لِمَنْ شَاءَ مِنْكُمْ أَنْ يَسْتَقِيمَ • وَمَا تَشَاءُونَ إِلَّا أَنْ يَشَاءَ اللَّهُ رَبُّ الْعَالَمِينَ ﴾

«У (Қуръон) ҳеч шак-шубҳасиз бутун оламлар учун – сизларнинг орангиздаги Тўғри йўлда бўлмоқни хоҳлаган кишилар учун бир эслатмадир. Сизлар фақат бутун оламлар Парвардигори бўлмиш Аллоҳ хоҳласагина (Тўғри йўлда бўлишни) хоҳларсизлар» (Таквир, 28 – 29).

④ Аллоҳ таолонинг барча махлуқотларни яратган ва ижод қилган эканига иймон келтириш.

Бас, Аллоҳ таоло – Холик, Ундан бошқа барча нарса – махлуқдир. Барча нарса ўзининг зоти, сифати ва ҳаракатлари билан махлуқ – янги пайдо бўлгандир. Аллоҳ таоло эса уларнинг яратгувчиси ва ижодкоридир. Аллоҳ таоло айтди:

﴿ اللَّهُ خَالِقُ كُلِّ شَيْءٍ وَهُوَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ وَكِيلٌ ﴾

«Аллоҳ барча нарсанинг Яратгувчисидир. У барча нарсанинг устида вакил-ҳомийдир» (Зумар, 62);

﴿ وَاللَّهُ خَلَقَكُمْ وَمَا تَعْمَلُونَ ﴾

«Ҳолбуки, сизларни ҳам, қилиб олган (амалларингиз) бутларингизни ҳам Аллоҳ яратган-ку?!» (Соффат, 96).

Бандаларнинг амаллари Аллоҳнинг яратгани ва бандаларнинг қилган ишларидир. Аллоҳ таоло айтди:

﴿ لَهَا مَا كَسَبَتْ وَعَلَيْهَا مَا اكْتَسَبَتْ ﴾

«(Ҳар кимнинг) қилган (яхши) амали ўзи учундир ва (ёмон) амали ҳам ўзининг бўйнигадир» (Бақара, 286).

⑤ **Аллоҳ таолонинг хоҳиш-истаги ва муҳаббати ўртасида боғлиқлик йўқ эканига иймон келтириш.**

Чунки Аллоҳ таоло етук ҳикмати ва улуғ ғояси учун суймаган нарсасини хоҳлаши, гоҳида эса хоҳламаган нарсасини яхши кўриши мумкин.

Аллоҳ таоло айтди:

﴿ وَلَوْ شِئْنَا لَآتَيْنَا كُلَّ نَفْسٍ هُدَاهَا وَلَكِنْ حَقَّ الْقَوْلُ مِنِّي لَأَمْلَأَنَّ جَهَنَّمَ مِنَ الْجِنَّةِ وَالنَّاسِ أَجْمَعِينَ ﴾

«Агар Биз хоҳласак, албатта ҳар бир жонга ўз ҳидоятини ато этган бўлур эдик, лекин Мен томондан бу сўз ҳақ-собит бўлгандир: «Мен жаҳаннамни (кофир) жин ва (динсиз) одамларнинг барчаси билан тўлдирурман».

И з о ҳ. Ушбу оятда Аллоҳ таоло ҳеч кимни мажбуран ҳидоятга бошламаслиги, балки инсу жинни ўз ихтиёрларига қўйиб қўйилиб, сўнгра Аллоҳнинг динига итоат этишдан бўйин товлаган кимсаларни жаҳаннамга дучор қилинишлари аниқ эканлиги уқтирилади» (Сажда, 13);

﴿ إِنْ تَكْفُرُوا فَإِنَّ اللَّهَ غَنِيٌّ عَنْكُمْ وَلَا يَرْضَىٰ لِعِبَادِهِ الْكُفْرَ وَإِنْ تَشْكُرُوا يَرْضَهُ لَكُمْ ﴾

«Агар сизларкофир бўлсангизлар, бас, албатта Аллоҳ сизлардан беҳожатдир. (Аммо) У Ўз бандаларининг кофир бўлишига рози бўлмас. Агар шукр қилсангизлар (ва иймон келтирсангизлар), У зот сизлар учун (фақат шукр қилиб, иймон келтиришларингизгагина) рози бўлур» (Зумар, 7).

⑥ **Шариат ва тақдир орасида зиддият йўқ эканига иймон келтириш.**

Аллоҳ таоло айтди:

﴿ إِنَّ سَعْيَكُمْ لَشَتَّى • فَأَمَّا مَنْ أَعْطَى وَاتَّقَى • وَصَدَّقَ بِالْحُسْنَى • فَسَنِيسِرُهُ لِلْيُسْرَى • وَأَمَّا مَنْ بَخِلَ وَاسْتَغْنَى • وَكَذَّبَ بِالْحُسْنَى • فَسَنِيسِرُهُ لِلْعُسْرَى ﴾

«Шак-шубҳасиз, сизларнинг саъю ҳаракатларингиз хилма-хилдир. Ана энди ким (ўз мол-давлатидаги камбағал-бечораларга берилиши лозим бўлган закот ва бошқа садақотларни) ато этса ва (Аллоҳдан) қўрқса. Ҳамда гўзал оқибатни (яъни, жаннат бор эканини) тасдиқ этса. Бас, Биз уни осон йўлга муяссар қилурмиз.

И з о ҳ. Ушбу оятлардан маълум бўлишича, ким дунё ва охиратда бахтли-саодатли ҳаёт кечириши учун осон йўл изласа, у киши уч хислатга эга бўлиши лозим экан: ўз зиммасидаги Аллоҳ таоло буюрган хайр-эҳсонни камбағал бечораларга ато этиш, мудом тақво билан, ёлғиз Аллоҳдан қўрқиб яшаш ва яхши амал учун гўзал мукофот-жаннат бўлишини чин дилдан тасдиқ этиш. Аллоҳ таоло ана шу уч хислатга эга бўлган кишиларга жаннат йўлини осон қилишга ваъда берди. Энди қуйидаги оятларда юқоридаги хислатларнинг зиддига мубтало бўлган кимсалар ва улар топажак оқибат ҳақида сўз юритилади.

Энди ким (Аллоҳ йўлида хайр-саховат кўрсатишдан) бахиллик қилса ва (ўзини Аллоҳ ҳузуридаги ажр-мукофотлардан) беҳожат билса. Ҳамда гўзал оқибатни (яъни, Аллоҳ ваъда қилган жаннатни) ёлғон деса. Бас, Биз уни (дунё ва охиратда бахтсиз бўладиган) оғир йўлга «муяссар» қилурмиз!» (Лайл, 4 - 10).

Бунинг сабаби, Қуръони карим очиқ китоб бўлса, тақдир сирли ғайбдир. Аллоҳ таоло бандалар тақдирини белгилаб, буни ва уларнинг ишлари ва кундузларини улардан яширди. Буйруқ ва фармойишларига итоат этишлари, тақиқларидан сақланишлари учун лойиқ бўлган имконият ва истеъдодлар билан таъминлади. Мажбуриятни адо этишларига бирон монелик чиқса, буни улар учун узр деб қабул қилди. Шундай экан, гуноҳни қилиш ёки ибодатни қилмасликка олдиндан ёзилган тақдирни баҳона қилишга ҳеч кимнинг ҳужжати йўқдир. Аллоҳ таоло айтди:

﴿ سَيَقُولُ الَّذِينَ أَشْرَكُوا لَوْ شَاءَ اللَّهُ مَا أَشْرَكْنَا وَلَا آبَاؤُنَا وَلَا حَرَمْنَا مِنْ شَيْءٍ كَذَلِكَ كَذَّبَ الَّذِينَ مِنْ قَبْلِهِمْ حَتَّى ذَاقُوا بَأْسَنَا قُلْ هَلْ عِنْدَكُمْ مِنْ عِلْمٍ فَتُخْرِجُوهُ لَنَا إِنْ تَتَّبِعُونَ إِلَّا الظَّنَّ وَإِنْ أَنْتُمْ إِلَّا تَخْرُصُونَ • قُلْ فَلِلَّهِ الْحُجَّةُ الْبَالِغَةُ قُلُوا شَاءَ لَهْدَاكُمْ أجمعين ﴾

«Ҳали мушрик бўлган кимсалар: «Агар Аллоҳ хоҳлаганида биз ҳам, ота-боболаримиз ҳам на мушрик бўлган ва на бирон нарсани ҳаром қилиб олган бўлур эдик», дедилар. Улардан аввалгилари ҳам то азобимизни тотгунларича (ўз пайғамбарларини) мана

шундай ёлғончи қилганлар. Айтинг (эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам): **«Ҳузурингизда бизга кўрсатадиган (айтаётган сўзларингизни тасдиқловчи) бирон ҳужжатингиз борми? Сизлар фақатгумонгаэргашмоқдасиз, сизларфақатёлғонсўзламоқдасиз!»** **Айтинг:** **«Етук ҳужжат фақат Аллоҳнинг ҳужжатидир. Бас, агар хоҳлаганида барчангизни ҳидоят қилган бўлур эди»** (Анъом, 148 – 149).

Аллоҳ таоло бу оятлари билан аввало уларнинг иддаоларини пучга чиқариб, сўнгра қилган ишларининг аламини тотдирди. Агар тақдирни жиноятни қилишга ҳужжат қилиш яроқли бўлса эди, уларга ишларининг оқибатини тотдирмас эди. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло улар иддаосининг сохтакорликдан бошқа нарса эмаслигини фош қилди. Учинчидан, улар билиб туриб иддао қилишлари ва баҳона бўлиши учун, ўзларининг тақдирлари ёзилган китобни ҳануз ўқимадилар! Уларнинг оғзидан чиқаётган нарса гумон ва тахминлардан иборат, холос. Шу боис, етук ҳужжат – Аллоҳникидир!

Тақдир ҳақида икки тоифа адашди.

А. Инкор қилувчи қадарийлар.

Булар бандалар ишини исбот қилишда ғулув кетиб, (Аллоҳ таоло тарафидан) ёзиб қўйилган тақдирни инкор қилдилар. Улар икки турдадирлар:

Биринчи тур: ғулув кетганлар.

Бу турдаги қадарийлар саҳобалар разияллоҳу анҳумнинг охириги замонларида пайдо бўлиб, “Буйруғу фармойишлар – зўравонлик (мажбурлаш)дир!” – деган илк-пешқадам қадарийлардир. Уларга Абдуллоҳ ибн Аббос ва Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳум каби саҳобалар раддиялар бердилар. Пешқадам қадарийлар Аллоҳнинг ҳар нарсани бўлишидан илгари билишини, ҳодисаларнинг барчасини ёзиб қўйганини, хоҳлаганини ва яратган эканини инкор қилдилар.

Иккинчи тур: ортиқча ғулув кетмаганлар.

Бу тоифа Аллоҳнинг ҳар нарсани бўлишидан илгари билиши ва ҳодисаларнинг барчасини ёзиб қўйганини эътироф этсалар-да, хоҳиш ва яратишини инкор қилдилар ва “банда ўз ишларини ўзи яратади” – дея гумон қилдилар.

Б. Жабрийлар.

Бу тоифа Парвардигорнинг ишларини исбот этишда шунчалар ғулув кетдилар-ки, бандадан мустақил истак-хоҳиш ва қудратни тортиб олиб, унинг ҳаракатларини титраётган одамдек, ўз ихтиёрида бўлмаган мажбурий қилиб, Аллоҳ таолонинг ишларидаги ҳикмат ва омилларни инкор қилдилар. Бу тоифа ҳам икки турлидир:

Биринчи тур: ғулув кетганлар.

Бу тоифа коинот ҳақиқатларини кузатишни гумон қилиб, “тақдирга тўғри келаверади!” деган тушунча билан барча нарсани қилишни ўзлари учун мубоҳ ҳисоблаган тасаввуф йўлига кириб зиндиққа айланган кимсалардир. Ҳатто улардан бири шундай дейди:

“Мендан қилишимни талаб қилган нарсасидан таъсирландим.

Ҳолбуки, қилган ҳар бир ишим ибодатдир...”

Иккинч тур: ортиқча ғулувга кетмаганлар.

Бу тоифа “касб қилиш” назариясига ишониб, банда учун таъсир кучи бўлмаган қудратни исбот қиладилар.

Ҳар икки тоифага ҳам шариат ва воқелиқда мавжуд жавоблар берилган:

А) Тақдирнинг юқорида айтиб ўтилган тўрт босқичи: Аллоҳ таолонинг билиши, ёзгани, хоҳлагани ва яратганини инкор этувчиларга буларни исбот этувчи очиқ оятлар ва ҳадислар келган бўлиб, воқелик ҳам шахснинг бирон ишни қилиш учун тиришиши ва унга монеликлар чиқиши мумкинлигини кўрсатмоқда.

Б) Тақдирни исбот қилишда ғулув кетган жабарийларга банданинг истак, ҳаракат ва хоҳиши борлигига далолат қиладиган ояту ҳадислар мавжуд.

Воқелик ҳам ҳар бир инсон ихтиёрий ҳаракатлари билан бошига келадиган мажбурий ҳаракатлар ўртасини ажрата олишига далолат қилмоқда.

Шунингдек, Аллоҳ таолонинг ишларидаги ҳикмат ва омилларни исботлашда етарлича оят ва ҳадислар ҳам келган.



Қуръони карим

Қуръони карим – Аллоҳ таолонинг каломидир.

Аллоҳ таоло айтди:

﴿ وَإِنْ أَحَدٌ مِنَ الْمُشْرِكِينَ اسْتَجَارَكَ فَأَجِرْهُ حَتَّى يَسْمَعَ كَلَامَ اللَّهِ ثُمَّ أَبْلِغْهُ مَأْمَنَهُ ذَلِكَ بِأَنَّهُمْ قَوْمٌ لَا يَعْلَمُونَ ﴾

«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), агар мушриклардан биронтаси сиздан ҳимоя сўраса, бас, уни ҳимоя қилинг, токи у Аллоҳнинг каломини эшитсин. Сўнг уни ўзи учун тинч бўлган жойга етказиб қўйинг. Бу (ҳукм) уларнинг билмайдиган қавм бўлганлари учундир» (Тавба, 6).

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳаж мавсумида ўзларини ҳимоя қилишни қабилаларга таклиф қилар эканлар шундай деганлар: «Мени ўз қавмига олиб кетадиган кимса борми?! Чунки Қурайш (қабиласи) менга Раббимнинг каломини етказишимга монелик қилмоқда!»⁽⁶⁰⁾ (Бешовлон ривоят қилдилар).

Қуръони карим ҳарфлари ва маънолари билан Аллоҳнинг каломи бўлиб, махлуқларнинг каломига ўхшамайди. Уни аввало Аллоҳ таоло гапирди ва Руҳул Амин – Жибрил алайҳиссаломга ваҳий қилди. У ўз навбатида Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қалбига бўлиб-бўлиб олиб тушди. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам эса уни одамларга ўқиб бердилар. Аллоҳ таоло бу ҳақида шундай деди:

(60) Имом Аҳмад (№ 15192), Абу Довуд (№ 4734), Термизий (№ 2925), Насоий «ас-Сунан ал-Кубро» (№ 7680), Ибн Можа (№ 201) раҳимаҳумуллоҳларнинг Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳумодан келтирган ривоятлари.

﴿ وَقَرَأْنَا فَرَقْنَاهُ لِتَقْرَأَهُ عَلَى النَّاسِ عَلَى مُكْثٍ وَنَزَّلْنَاهُ تَنْزِيلًا ﴾

«Сиз Қуръонни одамларга аста-секин ўқиб беришингиз учун Биз уни бўлақларга бўлдик ва бўлиб-бўлиб нозил қилдик» (Исро, 106).

Қуръонни одамларнинг ўқиши, китоб ўлароқ ёзишлари ёки кўнгилларида ёд олишлари, унинг ҳақиқатда Аллоҳнинг каломи эканидан чиқармайди. Зеро, калом гапни етказган ёки олиб борган зотга эмас, балки уни илк бор ким гапирганга нисбатланади. Демак, тиловат – тиловат қилинган нарсадан, ёзиш – ёзилган нарсадан, ёдлаш – ёдланган нарсадан бошқачадир. Бошқа ишлар ҳам шунга ўхшайди. Бас, қорининг тиловати ёки хаттотнинг ёзуви ёхуд ўқувчининг ўқиши – банданинг иши, Калом эса Аллоҳнинг каломидир. Аллоҳ таоло айтди:

﴿ قُلْ نَزَّلَهُ رُوحُ الْقُدُسِ مِنْ رَبِّكَ بِالْحَقِّ لِيُثَبِّتَ الَّذِينَ آمَنُوا وَهُدًى وَبُشْرَى لِلْمُسْلِمِينَ • وَلَقَدْ نَعَلِمُ أَنَّهُمْ يَقُولُونَ إِنَّمَا يُعَلِّمُهُ بَشَرٌ لِسَانُ الَّذِي يُلْحِدُونَ إِلَيْهِ أَعْجَمِيٌّ وَهَذَا لِسَانٌ عَرَبِيٌّ مُبِينٌ ﴾

«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам, уларга) уни (яъни, Қуръонни) **Рухул – Қудс** (яъни, Жаброил) **Парвардигорингиз тарафидан иймон келтирган зотларни собитқадам қилиш учун мусулмонларга ҳидоят ва хуш хабар бўлган ҳолида ҳаққи-рост нозил қилганини айтинг. Аниқки, Биз уларнинг «(Қуръонни Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга) бирон одам ўргатмоқда», деяётганини билурмиз.** (Лекин уларнинг бу даъволари пучдир, чунки) **улар ишора қилаётган кимсанинг тили ажамий** (яъни, арабий эмас), **бу (Қуръон) эса очиқ-равшан арабийдир»** (Наҳл, 102 – 103).

Аллоҳ таоло Қуръони каримни одамзотга нисбатлаган кимсаларни кофир ҳисоблаб, уларни жаҳаннам билан огоҳлантирди:

﴿ سَأَصْلِيه سقر ﴾

«Тез кунда уни жаҳаннамга ташлайман» (Муддассир, 26).

Бу бобда икки тоифа адашди.

Улардан биринчиси: жаҳмийлар ва мўътазилалар.

Улар Аллоҳ таолонинг сифатларини инкор қилиб, каломи (гапириши) ни инкор қилдилар ва: “каломни Аллоҳга нисбатлаш худди “Аллоҳнинг қули”, Аллоҳнинг уйи”, “Аллоҳнинг туяси” каби махлуқларни Аллоҳга нисбатлаш бобидандир, сифатни аниқланмишга нисбатлаш бобидан эмас”, дедилар.

Уларга жавоб шудир: Аллоҳга нисбатланган нарса ё ўзи мустақил бўлиб, махлуқнинг Холиққа нисбатига ўхшаш муайян нарса ёки ўзи мустақил туриши тасаввур қилинмайдиган тириклик, эшитиш, кўриш, билиш ва гапириш каби сифат бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда сифат аниқланмишга нисбатланган бўлади. Жаҳмий ва мўътазилаларнинг бу тушунчалари Қуръон, суннат ва уламолар ижмоъсига зид тушунчадир.

Иккинчилари: куллобий, ашъарий ва мотуридийлардан ташкил топган сифотийлар.

Булар Аллоҳнинг калом сифатини мустақил қадим маънодир, ҳарфлар ва товушлар ўша маънони ифодалаш ёхуд янгиланмайдиган ва Аллоҳнинг иродасига боғлиқ бўлмаган қадим маънони айтиб бериш учун яратилган (махлуқ), дея исботладилар.

Улар “калом сифатини” ҳарф ва товушлари бўлмаган маънога чеклаб, Одам алайҳиссалом завжалари билан жаннатда, Мусо алайҳиссалом дарахт олдида эшитган гап – каломларни Аллоҳнинг ҳақиқий каломи эмас, балки махлуқ қилиб қўйдилар!

Уларга жавоб шудир: калом икки нарса – товуш ва ҳарфларни ҳам ўз ичига олади. Гапнинг ўзинигина ҳақиқий калом дейилмайди. Улар айтаётган гаплар Қуръон, суннат ва уламолар ижмоъсига зиддир.





Аллоҳни кўриш

Мўминларнинг ўз Парвардигорларини Қиёмат куни икки жойда ҳеч бир тўсиқсиз, очиқ-ойдин кўришларига ишониш ҳам, Аллоҳ таоло ва Қиёмат кунига иймон келтиришнинг бир бўлагидир.

Биринчи жой: арасот, яъни муҳосаба майдони.

Иккинчи жой: жаннатга кирганларидан сўнгра.

Аллоҳ таоло айтди;

﴿ وَجُوهٌ يَوْمَئِذٍ نَّاصِرَةٌ ۝ إِلَىٰ رَبِّهَا نَاظِرَةٌ ﴾

«У Кунда (мўминларнинг) юзлари яшнаб, Парвардигорларига боқиб тургувчидир!» (Қиёмат, 22 – 23);

﴿ عَلَى الْأَرْئِئِكِ يَنْظُرُونَ ﴾

«Улар сўриларда (Аллоҳ таоло ўзларига ато этган неъматларга) боқиб (ўтирурлар)» (Мутаффифун, 23);

﴿ لِلَّذِينَ أَحْسَنُوا الْحُسْنَىٰ وَزِيَادَةٌ ﴾

«Чиройли амал қилган зотлар учун гўзал оқибат ва зиёда неъматлар бордир» (Юнус, 26). Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам “зиёда неъмат”ни **“Аллоҳнинг жамолига боқиш”** дея тафсир қилганлар⁽⁶¹⁾.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам тўлин ойга боқар эканлар шундай дедилар: **«Сизлар Парвардигорингизни шу тўлин ойни кўргандек аниқ кўрасизлар»**⁽⁶²⁾.

Бу бобда икки тоифа адашди:

Биринчиси: Аллоҳнинг сифатларини инкор қилган жаҳмий ва мўътазилалар ҳамда улар билан ҳамфикр рофиза ва ибозийлар.

Улар Аллоҳни кўришни инкор қилиб, бунга Аллоҳ таолонинг Мусо алайҳиссаломга айтган:

(61) Имом Муслим Суҳайб разияллоҳу анҳудан нақл қилди (№ 181). Қаранг: Табарий тафсири 12/155.

(62) Муттафақун алайҳ. Имом Бухорий (№ 554) ва Имом Муслим (№ 633) раҳимаҳумаллоҳларнинг Жарир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳумодан ривоятлари.

﴿لَنْ تَرَانِي﴾

«Мени кўра олмайсиз» (Аъроф, 143) оятини ҳамда қуйидаги оятни далил қилдилар:

﴿لَا تُدْرِكُهُ الْأَبْصَارُ﴾

«Кўзлар уни кўра олмас» (Анъом, 103).

«Мени кўра олмайсиз» (Аъроф, 143) оятидан мақсад: “Бу дунёда сиз талаб қилганингиздек кўра олмайсиз”, демақдир. Оятда келган (لَنْ) ҳарфи мангу инкорни ифодаламайди. Бу ердаги идрок этишни инкор қилиш, кўришни инкор қилиш эмас. Чунки баъзида кўриш мумкин, бироқ моҳиятни идрок этиш мумкин эмас. Масалан, куёш, ой, тоғ ва шуларга ўхшаш бошқа нарсаларни кўрганимизда содир бўлганидек. Ҳолбуки, Аллоҳ таолони кўриш ҳақида Қуръон ва суннатда келган хабарлар мутавотир даражасидадир.

Иккинчиси: хурофотчи сўфи ва бидъатчилардир.

Булар Аллоҳ таолони кўриш ҳақида ғулув кетиб, бу кўриш бу дунёда авлиёлари учун ҳам бўлиши мумкинлигини тасаввур қилиб, тўқима ҳадисларни нақл қилдилар. Ҳолбуки, пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Сизлар Парвардигорингизни ўлмагунингизча кўра олмайсизлар!**» – деганлар⁽⁶³⁾.



(63) Имом Аҳмад (№ 22864), Насоий «ас-Сунан ал-Кубро» (№ 7716), Ожуррий «аш-Шариъа» (№ 881) ривоятлари. Ҳадис лафзи, Ожуррий раҳимаҳуллоҳнинг Убода ибн Сомит разияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадис лафзи. Ибн Можа раҳимаҳуллоҳнинг Абу Умома разияллоҳу анҳудан нақл қилган ҳадиси (№ 4077).



Иймон ҳақиқати

① Иймон талаффуз ва амалдан иборатдир.

Қалб ва тил талаффузи, қалб, тил ва аъзолар амали.

Қалб талаффузи: қалбнинг эътиқоди, тасдиқлаши ва қабул қилиши.

Тил талаффузи: тилнинг Ислом калималарини талаффуз ва икки шаҳодат калимасини эса эълон қилиши.

Қалб амали: қалбда юзага келган суюш, қўрқиш, умид ва таваккал қилиш каби ният ва истаклар.

Тил амали: тилдан чиқаётган зикр, дуо ва тиловатлар.

Аъзолар амали: аъзолар амалга ошираётган бадан ибодатлари.

Аллоҳ таоло айтди:

﴿ إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ الَّذِينَ إِذَا ذُكِرَ اللَّهُ وَجِلَّت قُلُوبُهُمْ وَإِذَا تُلِيَتْ عَلَيْهِمْ آيَاتُهُ زَادَتْهُمْ إِيمَانًا وَعَلَىٰ رَبِّهِمْ يَتَوَكَّلُونَ • الَّذِينَ يُقِيمُونَ الصَّلَاةَ وَمِمَّا رَزَقْنَاهُمْ يُنْفِقُونَ • أُولَٰئِكَ هُمُ الْمُؤْمِنُونَ حَقًّا لَهُمْ دَرَجَاتٌ عِنْدَ رَبِّهِمْ وَمَغْفِرَةٌ وَرِزْقٌ كَرِيمٌ ﴾

«Фақат Аллоҳ (номи) зикр қилинганида қалбларига қўрқинч тушадиган, Унинг оятлари тиловат қилинганида иймонлари зиёда бўладиган ва Парвардигорларигагина суянадиган кишилар (ҳақиқий) мўминдирлар. Улар намозни тўқис адо этадилар ва Биз уларни баҳраманд қилган нарсалардан инфоқ-эҳсон қиладилар. Ана ўшалар ҳақиқий мўминлар бўлиб, улар учун Парвардигорлари ҳузурда (яъни, жаннатда юксак) даражалар, мағфират ва улуғ ризқ бордир» (Анфол, 2 – 4);

﴿ إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ الَّذِينَ آمَنُوا بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ ثُمَّ لَمْ يَرْتَابُوا وَجَاهَدُوا بِأَمْوَالِهِمْ وَأَنْفُسِهِمْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ أُولَٰئِكَ هُمُ الصَّادِقُونَ ﴾

«Ҳақиқий мўминлар фақат Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига иймон келтириб, сўнгра (ҳеч қандай) шак-шубҳа қилмаган ва молу жонлари билан Аллоҳ йўлида курашган зотлардир. Ана ўшаларгина (ўз иймонларида) содиқ бўлган зотлардир» (Ҳужурот, 15).

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар:

«Иймон етмиш неча ҳам, (бошқа бир ривоятда эса: олтмиш неча ҳам) бўлақдир. Унинг энг афзали “Ла илаҳа иллаллоҳ” (Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ) (калимаси)ни талаффуз қилиш, энг ози эса йўлдан зарарли нарсаларни четлатишдир. Ҳаё ҳам иймоннинг

бир парчасидир»⁽⁶⁴⁾ (Муттафақун алайҳ. Ҳадис лафзи Имом Муслим раҳимахуллоҳниқи).

Иймоннинг талаффуз ва амалдан ташкил топган ҳақиқати бор. Иймон – талаффуз ва амални тақозо қиладиган тасдиқ, демақдир. Талаффуз ва амалнинг йўқлиги – тасдиқнинг йўқлигига далолатдир.

② **“Иймон” сўзи ёлғиз ўзи талаффуз қилинса, “ислом” сўзи ёлғиз талаффуз қилинганидаги маънога синоним бўлади.**

“Иймон” ва “ислом” сўзларининг ҳар иккиси ҳам яхлит динни ифодалайди. Агар улар ёнма-ён истеъмол қилинса, иймон – қалбдаги эътиқодни, ислом эса ташқи амалларни англатади. Шунинг учун ҳар бир мўмин мусулмондир, ҳар бир мусулмон эса мўмин эмасдир. Аллоҳ таоло шундай деди:

﴿ قَالَتِ الْأَعْرَابُ آمَنَّا قُلْ لَمْ تُؤْمِنُوا وَلَكِنْ قُولُوا أَسْلَمْنَا وَلَمَّا يَدْخُلِ الْإِيمَانُ فِي قُلُوبِكُمْ وَإِنْ تُطِيعُوا اللَّهَ وَرَسُولَهُ لَا يَلِتْكُمْ مِنْ أَعْمَالِكُمْ شَيْئًا إِنَّ اللَّهَ غَفُورٌ رَحِيمٌ ﴾

«Аъробийлар: «Иймон келтирдик», дедилар. (Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам, уларга) айтинг: «Сизлар иймон келтирганларингиз йўқ, лекин сизлар «Бўйинсундик», денглар, (чунки ҳали-ҳануз) иймон дилларингизга кирган эмасдир. Агар сизлар Аллоҳга ва Унинг пайғамбарига итоат этсангизлар, У зот сизларга (қилган яхши) амалларингиздан (яъни, уларнинг савобидан) бирон нарсани камитмас. Албатта Аллоҳ мағфиратли, меҳрибондир»» (Ҳужурот, 14).

③ **Иймон кучаяди ва камаяди.**

Иймон Аллоҳ таолони таниш, коинот ва шариатдаги мўъжизалари ҳақида тафаккур қилиш, тоату ибодатларни бажо келтириш билан кучайиб, Аллоҳ таолони танимаслик, Аллоҳ таолонинг коинотдаги мўъжизаларидан ғафлатда қолиш, Аллоҳ таолонинг шариатидан воз кечиш, тоату ибодатларни қилмай, ёмон ишларга қўл уриш билан камаяди. Аллоҳ таоло айтди:

﴿ وَإِذَا تَلَّيْتْ عَلَيْهِمْ آيَاتَهُ زَادَتْهُمْ إِيمَانًا ﴾

«Фақат Аллоҳ (номи) зикр қилинганида қалбларига қўрқинч тушадиган, Унинг оятлари тиловат қилинганда иймонлари зиёда бўладиган ва Парвардигорларигагина суянадиган кишилар (ҳақиқий) мўминдирлар» (Анфол, 2);

(64) Имом Бухорий (№ 9), Имом Муслим (№ 35) раҳимахумаллоҳларнинг Абу Ҳурайра разияллоху анҳудан ривояти.

﴿ فَأَمَّا الَّذِينَ آمَنُوا فَرَّادَتْهُمْ إِيمَانًا وَهُمْ يَسْتَبْشِرُونَ ﴾

«Бас, у (сура) иймон келтирган зотларнинг иймонларини албатта зиёда қилур ва улар шод-хуррам бўлурлар» (Тавба, 124);

﴿ هُوَ الَّذِي أَنْزَلَ السَّكِينَةَ فِي قُلُوبِ الْمُؤْمِنِينَ لِيَرُدُّوْا إِيمَانًا مَعَ إِيْمَانِهِمْ ﴾

«У (Аллоҳ) ўз иймон-ишончларига яна ишонч қўшишлари учун мўминларнинг дилларига сакинат-ором туширган зотдир» (Фатх, 4).

④ Иймоннинг бир-биридан устун хусусиятлари бор.

Иймоннинг, юқоридаги ҳадисда айтиб ўтилганидек, бир-биридан устун хусусиятлари бор: **«Иймоннинг етмиш (бошқа бир ривоятда: олтмиш) нечта ҳам бўлаги бор. Уларнинг энг афзали – «Ла илаҳа иллаллоҳ» (Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ) деб айтиш, энг кичиги эса йўлдан (одамларга) озор берадиган нарсани четлатишдир. Ҳаё ҳам иймоннинг бир бўлагидир»**⁽⁶⁵⁾.

⑤ Мўминлар иймон бобида бир-биридан устундирлар.

Мўминларнинг айримларининг иймони, Аллоҳ таоло айтганидек, бошқалариникидан кўра комилроқдир:

﴿ ثُمَّ أَوْرَثْنَا الْكِتَابَ الَّذِينَ اصْطَفَيْنَا مِنْ عِبَادِنَا فَمِنْهُمْ ظَالِمٌ لِنَفْسِهِ وَمِنْهُمْ مُقْتَصِدٌ وَمِنْهُمْ سَابِقٌ بِالْخَيْرَاتِ إِذِنَ اللَّهُ ذَلِكَ هُوَ الْفَضْلُ الْكَبِيرُ ﴾

«Сўнгра Биз бу Китобга бандаларимиздан Ўзимиз танлаган зотларни (яъни, сизнинг умматингизни) ворис қилдик. Бас, уларнинг орасида (Қуръонни ўқиса-да, унга амал қилмайдиган) ўз жонига жабр қилгувчи ҳам бор, уларнинг орасида ўртача амал қилгувчи ҳам бор ва уларнинг орасида Аллоҳнинг изну иродаси билан мудом яхшиликларга шошилгувчи ҳам бордир. Ана ўша (яъни, Қуръонга ворис бўлиш Аллоҳнинг) катта марҳаматидир» (Фотир, 32).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар:

«Комил иймонли мўминлар – гўзал ахлоқли мўминлардир»⁽⁶⁶⁾.

Шаҳодат калималарининг маъноларига ишониб, мажбуриятларига амал қилган кимса, иймон ҳақиқатини жойига келтирган бўлса, фарз амалларни қилиб, ҳаром нарсалардан воз кечган кимса, фарз

(65) Имом Бухорий (№ 9) ва Имом Муслимларнинг (№ 35) Абу Ҳурайра разияллоху анҳудан ривояти.

(66) Имом Аҳмад ривояти (№ 7402), Абу Довуд ривояти (№ 4682), Термизий ривояти (1162). Абу Ҳурайра разияллоху анху ривояти.

бўлган иймонни бажо келтирган, фарзу мустаҳабларни қилиб, ҳарому макруҳлардан воз кечган кимса эса, комил иймонга эришган бўлади.

⑥ **Иймонда истисно қилиш.**

Яъни, «**Мен худо ҳоҳласа мўминман**» – деб айтиш. Бунинг уч ҳолати бор:

Биринчи: агар бу гапни иймон ҳақиқати ҳақида шубҳаланиб айтилса, бундай истисно куфрдир. Чунки иймон – қатъийлик, демақдир.

Иккинчи: агар бу гапни фарз ёки комил иймонни бажо келтириш даъвоси билан манмансирашдан сақланиш учун айтилса, бу истисно – фарздир.

Учинчи: агар бу гапни Аллоҳ таолонинг хоҳишини зикр қилиш учун айтилса, бу истисно – жоиздир.

⑦ **Катта ёки кичик гуноҳларни қилишнинг ўзи билан иймон ҳақиқати йўқ бўлмайди, аксинча, иймон қолсада, камайиб кетади.**

Шунинг учун ҳам, катта гуноҳга қўл урган одам – иймони камайган мўмин бўлиб, иймони билан мўмин, осийлиги билан эса фосиқдир. У бу дунёда Ислом миллатидан чиқмайди, охиратда эса жаҳаннамда мангу қолмайди, балки Аллоҳ таолонинг хоҳишига ҳавола бўлади: Аллоҳ таоло хоҳласа, ундай бандани ўз марҳамати билан афв қилиб, жаннатига киргизади, хоҳласа, гуноҳига яраша азоблайди ва у жазо муддати тугагач жаннатга киради. Ёки айрим гуноҳлари сабабли жазоланади-да, шафоатгўйларнинг шафоати ёки меҳрибонлар ичида меҳрибонроқ бўлган Зот – Аллоҳ таолонинг раҳмати билан жаҳаннамдан чиқади. Аллоҳ таоло айтди:

﴿ إِنَّ اللَّهَ لَا يَغْفِرُ أَنْ يُشْرَكَ بِهِ وَيَغْفِرُ مَا دُونَ ذَلِكَ لِمَنْ يَشَاءُ وَمَنْ يُشْرِكْ بِاللَّهِ فَقَدِ افْتَرَىٰ إِثْمًا عَظِيمًا ﴾

«**Албатта Аллоҳ Ўзига (бирон нарсанинг) шерик қилинишини кечирмас. Шундан бошқа гуноҳларни Ўзи хоҳлаган бандалари учун кечирур. Ким Аллоҳга (бирор кимса ёки нарсани) шерик келтирса, бас, у буюк гуноҳни тўқиб чиқарибди**» (Нисо, 48).

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам айтдилар:

«**Жаннатмаконлар жаннатга, жаҳаннам аҳли жаҳаннамга киргач, Аллоҳ таоло: «Қалбида хардал уруғича иймон бўлган кимсаларни (жаҳаннамдан) чиқаринглр!» – дейди. (Кўмирдек) қорайиб кетган ҳолатларида (жаҳаннамдан) чиқадилар ва уларни Ҳаё (бошқа бир**

ривоятда: **Ҳаёт) дарёсига отилади»⁽⁶⁷⁾**;

«Жаҳаннамдан: «Ла илаҳа иллаллоҳ» деган ва қалбида арпа оғирлигича яхшилик бўлган одам чиқади. Жаҳаннамдан: «Ла илаҳа иллаллоҳ» деган ва қалбида буғдой оғирлигича яхшилик бўлган одам чиқади. Жаҳаннамдан: «Ла илаҳа иллаллоҳ» деган ва қалбида зарра оғирлигича яхшилик бўлган одам чиқади»⁽⁶⁸⁾. Бошқа бир ривоятда («яхшилик» ўрнига) **«иймон» сўзи зикр қилинган⁽⁶⁹⁾.**

Бу бобда икки тоифа адашди:

Биринчиси: ваъидий (жазоловчи)лар.

Бу тоифа азобларнинг ижро этилишини эътироф қилсада, катта осийликларни қилган муваҳҳид гуноҳкорларга бериладиган шафоатни инкор қилади. Бу тоифа ўз навбатида икки гуруҳга бўлинади:

А. Хаворижлар.

Хаворижлар: «Катта гуноҳни қилган одам иймондан айрилиб, кофирга айланади. У бу дунёда кофир, охиратда эса жаҳаннамда мангу қолади» – деб ишонадилар.

Б. Мўътазилалар.

Мўътазилалар: «Катта гуноҳни қилган одам иймондан чиқсада, кофир бўлмайди. У бу дунёда икки мақом ўртасида қолади: мўмин ҳам эмас, кофир ҳам эмас. Аммо охиратда жаҳаннамда мангу қолади» – деб ишонишади.

Ваъидийларга бир неча жиҳатдан раддия берилиши мумкин. Улардан баъзилари шулардир:

Биринчидан: Аллоҳ таоло катта гуноҳни қилган одамнинг бу дунёда иймони борлигини исботлади ва ундаги иймоний биродарлик васфини сақлаб шундай деди:

﴿ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا كَتَبَ عَلَيْكُمُ الْقِصَاصُ فِي الْقَتْلِ الْحَرُّ بِالْحَرِّ وَالْعَبْدُ بِالْعَبْدِ وَالْأُنثَى بِالْأُنثَى فَمَنْ عُفِيَ لَهُ مِنْ أَخِيهِ شَيْءٌ فَاتَّبِعْ بِالْمَعْرُوفِ وَأَدَاءٌ إِلَيْهِ بِإِحْسَانٍ ﴾

«(Эй мўминлар) сизларга ўлдирилган кишилар учун озод киши муқобилига озод кишидан, қул учун қулдан, аёл киши учун аёлдан қасос олиш фарз қилинди. Энди кимга биродари томонидан бир

(67) Имом Бухорийнинг Абу Саид Худрий разияллоҳу анҳудан ривояти (№ 22).

(68) Имом Бухорийнинг Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан ривояти (№ 44).

(69) Имом Бухорий раҳимаҳуллоҳ Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан ривоят келтиргач, унинг ортидан шу сўзни илова қилган.

оз афв қилинса (яъни, қотилдан қасос олиш ўрнига товон олишга рози бўлинса), у ҳолда яхшилик билан бўйинсуниш ва чиройли суратда товон тўлаш лозимдир» (Бақара, 178). Аллоҳ таоло бу оятда қотилни мақтулнинг биродари деб атади. Айни маънони ушбу оятда ҳам келтирди:

﴿ وَإِنْ طَائِفَتَانِ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ اقْتَتَلُوا فَأَصْلِحُوا بَيْنَهُمَا فَإِنْ بَغَتَ إِحْدَاهُمَا عَلَى الْأُخْرَى فَقَاتِلُوا الَّتِي تَبْغِي حَتَّى تَفِيءَ إِلَى أَمْرِ اللَّهِ فَإِنَّ فَاءَ مَا أَصْلِحُوا بَيْنَهُمَا بِالْعَدْلِ وَأَقْسِطُوا إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْمُقْسِطِينَ ۝ إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ فَأَصْلِحُوا بَيْنَ أَخَوَيْكُمْ وَاتَّقُوا اللَّهَ لَعَلَّكُمْ تُرْحَمُونَ ﴾

«(Эй мўминлар), агар мўминлардан бўлган икки тоифа (бир-бирлари билан) урушиб қолсалар дарҳол уларнинг ўртасини ўнглаб қўйинглар! Энди агар улардан бирови иккинчисининг устига тажовуз қилса, бас, то (тажовузкор тоифа) Аллоҳнинг амрига қайтунича сизлар тажовуз қилган (тоифа) билан урушинглар! Энди агар у (тоифа тажовузкорликдан) қайтса, сизлар дарҳол уларнинг ўртасини адолат билан ўнглаб қўйинглар. (Мудом) адолат қилинган! Зеро, Аллоҳ адолат қилгувчиларни суюр. Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз оға-инилардир. Бас, сизлар икки оға-инингизнинг ўртасини ўнглаб қўйинглар! Аллоҳдан қўрқинглар – шояд У зот томонидан бўладиган раҳматга эришсангизлар» (Ҳужурот, 9 – 10). Аллоҳ таоло ушбу оятда бир-бири билан урушаётган икки тарафни ҳам иймонга нисбатлади ва улар учун иймоний биродарликни исбот қилди.

Иккинчидан: Аллоҳ таоло хоҳлаган бандасининг ширк амалидан бошқа барча гуноҳларини кечириб, шафоат ҳақидаги ишончли саноксиз мутаватир ҳадисларда айтилганидек, жаҳаннамдан қалбида хардал уруғи оғирлигида иймони бўлган кимсаларни чиқаради.

Иккинчиси: муржиъалар.

Муржиъалар амални иймондан кечиктирадилар (айирадилар). Яъни, амал, уларнинг тасаввурида, иймон таърифи ва ҳақиқатининг таҳтига қирмайди. Улар иймонни таърифлашар экан бир неча гуруҳга бўлиндилар:

А. Жаҳмийлар.

Улар: «Иймон – қалб тасдиғи ёки қалб маърифатидангина иборат. Гуноҳ қилиш билан иймонга зарар келмайди. Шунингдек, кофир бўлса қилган тоту ибодатлар фойда бермайди» – деб ўйлайдилар.

Б. Карромийлар.

Бу тоифа: «Иймон – тил билан талаффуз қилишдангина иборат» – деб эътиқод қиладилар.

В. Муржиъа фуқаҳолар.

Улар: «Иймон – қалб тасдиғи ва тил билан талаффуз қилишдангина иборат. Амаллар эса иймон ва иймон ҳақиқати тахтига дохил эмас, балки амал иймон самараларидан биридир» – деб эътиқод қиладилар.

Муржиаларга бир неча жиҳатдан раддия берилади:

Биринчидан: Аллоҳ таоло амални “иймон” деб атаб, Байтул Мақдис томонга қараб намоз ўқиган ва қибла ўзгартирилишидан илгари вафот этган мўминлар ҳақида шундай деган:

﴿ وَمَا كَانَ اللَّهُ لِيُضَيِّعَ إِيمَانَكُمْ ﴾

«Аллоҳ сизларнинг иймонларингизни (намозларингизни) зое қилмайди» (Бақара, 143).

Иккинчидан: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам катта амалий гуноҳни қилган одамда мутлақ иймон борлигини инкор қилдилар ва шундай дедилар:

«Зинокор зино қилаётган маҳалида мўмин бўла туриб зино қилмайди. Ўғри ўғрилиқ қилаётган маҳалида мўмин бўла туриб ўғирлик қилмайди. (Майхўр) май ичаётган маҳалида мўмин бўла туриб май ичмайди. (Мўмин, бировнинг) қийматли нарсасини тортиб олар ва одамлар унга кўзларини тикиб турар эканлар, мўмин бўла туриб тортиб олмайди»⁽⁷⁰⁾.

Ваъдий ва муржиъа тоифалари айтган гапнинг фасод манбаи “иймон яхлитдир: ё бутунлай бўлади, ёки бутунлай бўлмайди!” – деб айтишларидир. Муржиъалар иймоннинг, амал қилинмаса ҳам, ё қалб иқрори ёки тил талаффузи ёки ҳар иккиси билан рўёбга чиқишини айтдилар. Улар иймонга ўта эътиборсиз тоифа бўлдилар. Ваъдийлар эса катта гуноҳларнинг озгинасини қилиш билан иймоннинг йўқ бўлишини айтиб, иймон ҳақида ғулув кетдилар. Уларнинг иймон ҳақидаги илк тушунчалари бир хил бўлсада, олган натижалари бир-бирига зиддир.



(70) Муттафақун алайҳ. Имом Бухорий (№ 2475) ва Имом Муслим (№ 57)нинг Абу Хурайра разияллоҳу анҳудан ривояти. Ҳадис лафзи Имом Муслим раҳимахуллоҳниқ.



Имомлик (раҳбарлик) ва жамоат

Мусулмонлар яхлит уммат бўлиб, уларнинг барча ишлари ва ишларининг салоҳиятлари қуйидаги ишлар билангина устивор бўлади:

① Байъатнинг фарзлиги.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Зиммасида бирон байъат бўлмай оламдан ўтган одам, жоҳилият ўлими билан жон таслим қилибди», дедилар⁽⁷¹⁾.**

② Раҳбарларга яхши ишларда қулоқ бериб, итоат қилиш.

Ҳаж, ҳайит ва жума намози каби ибодатларни тақволи ва тақвосиз раҳбарлар орқасида адо этиш, уларга насиҳатлар қилиш, ихтилофли онларда Қуръон ва суннатга чақириш.

Аллоҳ таоло айтди:

﴿ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا أَطِيعُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا الرَّسُولَ وَأُولِي الْأَمْرِ مِنْكُمْ فَإِن تَنَازَعْتُمْ فِي شَيْءٍ فَرُدُّوهُ إِلَى اللَّهِ وَالرَّسُولِ إِن كُنتُمْ تُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ ذَلِكَ خَيْرٌ وَأَحْسَنُ تَأْوِيلًا ﴾

«Эй мўминлар, Аллоҳга итоат қилингиз ва пайғамбарга ҳамда ўзларингиздан бўлган (яъни, мусулмон) ҳокимларга бўйинсунингиз! Бордию бирон нарса ҳақида талашиб қолсангиз, – агар ҳақиқатан Аллоҳга ва охират кунига ишонсангиз –, у нарсани Аллоҳга ва пайғамбарига қайтарингиз! Мана шу яхшироқ ва чиройлироқ ечимдир» (Нисо, 59).

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар:

«Мўмин банда ёқтирса ҳам, ёқтирмаса ҳам, маъсиятга буюрилмас экан (раҳбарига) қулоқ солиб итоат қилиши керак. Агар гуноҳ ишга буюрилса қулоқ ҳам солинмайди, итоат ҳам қилинмайди»⁽⁷²⁾;

«Ким (ўзининг мусулмон раҳбарига) итоат қилишдан воз кечса, Қиёмат куни (яроқли) хужжатсиз келади»⁽⁷³⁾.

(71) Имом Муслим раҳимахуллоҳнинг Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анхумодан ривояти (№ 1851).

(72) Имом Бухорий (№ 7144) ва Имом Муслим (1829)нинг Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анхумодан ривояти.

(73) Имом Муслим ривояти (№ 1851). Бу ҳадис Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анхумо ривоят қилган ҳадиснинг бир қисмидир.

② Раҳбарларга қарши чиқиш ва улардан воз кечишнинг ҳаромлиги.

Раҳбарлар куфр экани аниқ бўлган ишни қилсаларгина уларга итоат қилинмайди. Акси тақдирда, ҳатто жабр қилсалар ҳам уларга итоат қилинади. Чунки бизда бу тўғрида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан нақл қилинган Аллоҳ таолонинг ҳужжати бор. Убода ибн Сомит разияллоҳу анҳу ривоят қилди: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизни таклиф қилдилар ва (биз бориб) у зотга байъат қилдик. Биздан олган байъатлари ичида шу (иш)лар бор эди: **«Хавфсиз ва хавфли, фаровон ва камбағаллик ва ўз манфаатларимизга зид онларимизда (раҳбарларга) қулоқ солиб, итоат қилиш; Аллоҳдан ҳужжати бўлган аниқ куфрни кўрмагунча, лойиқ бўлган одамни ўз мансабидан олмаслик»**»⁽⁷⁴⁾.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Мен(инг ўлимим) дан сўнг (раҳбарлар тарафидан содир этилган) худбинлик ва сиз нафрат қиладиган ишларни кўрасизлар»** – деганларида саҳобалар: **«Ё Расулulloҳ, (у пайтда) нима қилишимизга буюрасиз?»** – дея савол бердилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Уларга нисбатан (зиммангиздаги) ҳуқуқларини адо этиб, ўз ҳақларингизни Аллоҳдан тиланглари!»** – деб жавоб бердилар⁽⁷⁵⁾.

Мусулмон раҳбарларга оғир шартлар юзага келганидагина қарши чиқиш жоиздир. Улардан баъзилари қуйидагилардир:

А. Куфр ишнинг амалий ёки аниқ бир шаклда содир бўлганини текшириш.

Бу Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг **«аниқ куфрни кўрмагунча»** деган сўзларига биноандир⁽⁷⁶⁾. Бу ишда олиб келинган ёки шов-шув бўлган хабарларгагина таянилмайди.

Б. Қилинган ишнинг «куфр» бўлиши.

Қилган фисқу фужурлари сабабли раҳбарларга қарши чиқилмайди.

В. Қилинган ишнинг «аниқ (очиқ куфр)» бўлиши.

(74) Муттафақун алайҳ: Имом Бухорий (№ 7055, 7056), Имом Муслим (№ 1709, 4771)

(75) Имом Бухорий (№ 7052) ва Имом Муслим (№ 1843)нинг Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳудан ривояти.

(76) Муттафақун алайҳ: Имом Бухорий (№ 7055, 7056), Имом Муслим (№ 1709, 4771).

Яъни, уларнинг қилган ишлари барчанинг кўзи олдида ошкора бўлса. Агар яширин қилинган бўлса, уларга қарши чиқилмайди.

Г. Қилинган иш сабабли раҳбарни кофир деб ҳисоблаш учун қатъий шаръий далил бўлиши.

Сўзимизнинг далили юқоридаги ҳадисда айтиб ўтилган: **«сизларда Аллоҳдан ҳужжати бўлган»** жумласидир⁽⁷⁷⁾. Тахминий, эҳтимолий ёки ихтилофли ишлар сабабли раҳбарларга қарши чиқилмайди.

Д. Қудратга эга бўлиш.

Дин ва диндорларни йўқ қилишга олиб бормаслиги учун ўтмишда бўлган бўлсада, ўз замонида куч ва қудратга эга бўлмай туриб раҳбарларга қарши чиқилмайди.

Аллоҳ таоло айтди:

﴿ أَمْ تَرَى إِلَى الَّذِينَ قِيلَ لَهُمْ كُفُّوا أَيْدِيَكُمْ وَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ وَآتُوا الزَّكَاةَ فَلَمَّا كُتِبَ عَلَيْهِمُ الْقِتَالُ إِذَا فَرِيقٌ مِنْهُمْ يَخْشَوْنَ النَّاسَ كَخَشْيَةِ اللَّهِ أَوْ أَشَدَّ خَشْيَةً ﴾

«Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), мана бу кимсаларни кўрмадингизмики, уларга (илгари Маккада турган пайтларида кофирларга қарши жанг қилишга талабгор бўлганларида) «Ўзингизни босинг ва намозингизни ўқиб, закотингизни адо этиб туринглар», дейилган эди. Энди жанг фарз қилинганида эса баногоҳ улардан бир тўпи одамлардан Аллоҳдан кўрққандек, балки ундан-да қаттиқроқ кўрқмоқдалар» (Нисо, 77). Саҳобаларни кучсиз бўлган пайтларида қарши чиқмаслик, қудратга эга бўлганларида эса жанг қилишга буюрилди.



(77) Муттафақун алайҳ: Имом Бухорий (№ 7055, 7056), Имом Муслим (№ 1709, 4771).



Саҳобалар

Саҳоба – пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан тириклик пайтида иймон келтириб бирга бўлган ва шу иймони узра оламдан ўтган одамдир.

Саҳобалар – бу умматнинг пайғамбарлардан кейин энг яхшилари ва энг афзалларидир. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Одамларнинг энг яхшироғи – менинг асримдир»**⁽⁷⁸⁾, бошқа ривоятда эса: **«Умматимнинг энг яхшилари – менинг асримдир»**⁽⁷⁹⁾ деганлар.

Саҳобаларнинг барчаси адолатлидир. Чунки Аллоҳ таоло уларни пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга йўлдош бўлишлари учун танлаб олди, поклади, улардан рози бўлди, уларнинг тавбаларини қабул қилди, уларни энг яхши сифатлар билан васфлаб, уларга энг яхши ваъдаларни берди.

Аллоҳ таоло айтди:

﴿ مُحَمَّدٌ رَسُولُ اللَّهِ وَالَّذِينَ مَعَهُ أَشِدَّاءُ عَلَى الْكُفَّارِ رُحَمَاءُ بَيْنَهُمْ تَرَاهُمْ رُكَّعًا سُجَّدًا يَبْتَغُونَ فَضْلًا مِنَ اللَّهِ وَرِضْوَانًا سِيمَاهُمْ فِي وُجُوهِهِمْ مِنْ أَثَرِ السُّجُودِ ذَلِكَ مَثَلُهُمْ فِي التَّوْرَةِ وَمَثَلُهُمْ فِي الْإِنْجِيلِ كَزَرْعٍ أَخْرَجَ شَطْأَهُ فَآزَرَهُ فَاسْتَغْلَظَ فَاسْتَوَى عَلَى سُوقِهِ يُعْجِبُ الرُّعَاةَ لِغَيْظِ بَيْمِ الْكُفَّارِ وَعَدَّ اللَّهُ الَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ مِنْهُمْ مَغْفِرَةً وَأَجْرًا عَظِيمًا ﴾

«Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳнинг пайғамбаридир. У билан бирга бўлган (мўмин)лар кофирларга қаҳрли, ўз ораларида (мўминлар билан) эса раҳм-шафқатлидирлар. Уларни (мудом) Аллоҳдан фазл-марҳамат ва ризолик тилаб рукуъ, сужуд қилаётган ҳолларида кўрурсиз. Уларнинг юзларида сажда изидан (қолган) белги-аломатлари бордир. Мана шу (яъни, кофирларга қаҳрли бўлиш, мўминларга меҳрибонлик ва кўп намоз ўқиб, рукуъ-сажда қилиш) уларнинг Тавротдаги мисолларидир. (Яъни, Тавротда ҳам Аллоҳ таоло мўминларни мана шундай сифатлар билан сифатлагандир). Уларнинг Инжилдаги мисоллари эса худди бир шохлар чиқариб, қувватга киргач, йўғонлашиб, ўз новдасида тик турган, деҳқонларни лол қолдирадиган ўсимликка ўхшайди. (Мўминларнинг аввал-бошда заиф-озчилик бўлишиб, кейин аста-секин кўпайиб, кучга тўлиб кетишлари Инжилда юқорида зикр қилинганидек

(78) Муттафақун алайҳ. Имом Бухорий (№ 2652) ва Имом Муслим (№ 2533)нинг Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳудан ривояти.

(79) Муттафақун алайҳ. Имом Бухорий (№ 3650) ва Имом Муслим (№ 2535)нинг Имрон ибн Ҳусойн разияллоҳу анҳудан ривояти. Ҳадис лафзи Имом Бухорий раҳимаҳуллоҳни.

Ўсимликка ўхшатилиши) улар сабабли кофирларни хафа қилиш учундир. Аллоҳ (мўминлардан) иймон келтириб, яхши амаллар қилган зотларга мағфират ва улуғ ажр-мукофот ваъда қилгандир» (Фатҳ, 29).

Шундай бўлишига қарамай, улар бир-бирларидан айрим фазилятларда умумий ёки хусусий жиҳатдан устундирлар.

Умумий устунлик даражаларидан баъзилари:

① **Муҳожирлар ансорлардан кўра фазилятлидир.**

Чунки улар ўзларида ҳижрат ва динга кўмак беришни бирлаштирдилар. Аллоҳ таоло ҳам саҳобаларни эслатар экан муҳожирларни ансорлардан илгари зикр қилди:

﴿لِلْفُقَرَاءِ الْمُهَاجِرِينَ الَّذِينَ أُخْرِجُوا مِنْ دِيَارِهِمْ وَأَمْوَالِهِمْ يَبْتَغُونَ فَضْلًا مِنَ اللَّهِ وَرِضْوَانًا وَيَنْصُرُونَ اللَّهَ وَرَسُولَهُ أُولَئِكَ هُمُ الصَّادِقُونَ • وَالَّذِينَ تَبَوَّءُوا الدَّارَ وَالْإِيمَانَ مِنْ قَبْلِهِمْ يُحِبُّونَ مَنْ هَاجَرَ إِلَيْهِمْ وَلَا يَجِدُونَ فِي صُدُورِهِمْ حَاجَةً مِمَّا أُوتُوا وَيُؤْتِرُونَ عَلَىٰ أَنْفُسِهِمْ وَلَوْ كَانَ بِهِمْ خَصَاصَةٌ وَمَنْ يُوقِ شُحَّ نَفْسِهِ فَأُولَئِكَ هُمُ الْمُفْلِحُونَ﴾

«(У ўлжалар яна) ўз диёрларидан ва мол-мулкларидан ҳайдаб чиқарилган зотлар – камбағал муҳожирларникидирки, улар Аллоҳдан фазл-марҳамат ва ризолик истарлар ҳамда Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига ёрдам берурлар. Ана ўшалар (иймонларида) содиқ зотлардир. Улардан (муҳожирлардан) илгари (Мадина) диёрига ўрнашган ва иймон-эътиқодни (маҳкам ушлаган) зотлар (ансорлар) эса ўзлари(нинг ёнлари)га ҳижрат қилиб келган кишиларни суюрлар ва дилларида уларга (муҳожирларга) берилган нарса-ўлжалар сабабли бирон ҳасад туймаслар ҳамда гарчи ўзларида эҳтиёж бўлса-да, ўзларини қўйиб (ўзгаларни) ийсор-ихтиёр қилурлар. Кимки ўз нафсининг бахиллигидан сақлана олса, бас, ана ўшалар нажот топгувчи зотлардир» (Ҳашр, 8 – 9);

﴿وَالسَّابِقُونَ السَّابِقُونَ مِنَ الْمُهَاجِرِينَ وَالْأَنْصَارِ وَالَّذِينَ اتَّبَعُوهُمْ بِإِحْسَانٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمْ وَرَضُوا عَنْهُ وَأَعَدَّ لَهُمْ جَنَّاتٍ تَجْرِي تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا أَبَدًا ذَلِكَ الْفَوْزُ الْعَظِيمُ﴾

«Муҳожир ва ансорларнинг биринчи пешқадамлари ва уларга чиройли амаллар билан эргашган зотлар – Аллоҳ улардан рози бўлди ва улар ҳам Ундан рози бўлдилар. Яна (Аллоҳ) улар учун остидан дарёлар оқиб турадиган, улар абадий қоладиган жаннатларни тайёрлаб қўйди. Мана шу буюк бахтдир» (Тавба, 100);

﴿ لَقَدْ تَابَ اللَّهُ عَلَى النَّبِيِّ وَالْمُهَاجِرِينَ وَالْأَنْصَارِ الَّذِينَ اتَّبَعُوهُ فِي سَاعَةِ الْعُسْرَةِ مِنْ بَعْدِ مَا كَادَ يَزِيغُ قُلُوبَ فَرِيقٍ مِنْهُمْ ثُمَّ تَابَ عَلَيْهِمْ إِنَّهُ بِهِمْ رَءُوفٌ رَحِيمٌ ﴾

«Ҳақиқатан Аллоҳ пайғамбарнинг, муҳожирлар ва ансорларнинг тавбаларини қабул қилди. Улардан бир гуруҳнинг диллари (ғазотдаги машаққат ва ташналик сабабли) тойилаёзганидан кейин оғир соатда унга (яъни, пайғамбарга) эргашган эдилар. Сўнг уларнинг тавбаларини (Аллоҳ) қабул қилди. Албатта, У зот мўминларга марҳаматли, меҳрибондир» (Тавба, 117).

② Ҳудайбия сулҳидан илгари инфоқ қилган ва жангларда қатнашган саҳобалар, ундан сўнгра инфоқ қилиб, жангларда қатнашган саҳобалардан афзалдирлар.

Аллоҳ таоло айтди:

﴿ لَا يَسْتَوِي مِنْكُمْ مَنْ أَنْتَفَقَ مِنْ قَبْلِ الْفَتْحِ وَقَاتَلَ أُولَئِكَ أَعْظَمُ دَرَجَةً مِنَ الَّذِينَ أَنْتَفَقُوا مِنْ بَعْدِ وَقَاتَلُوا وَكُلًّا وَعَدَّ اللَّهُ الْحَسَنَى وَاللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ خَبِيرٌ ﴾

«Сизлардан (Макка) фатҳ бўлишидан илгари инфоқ-эҳсон қилган ва (Расулуллоҳ билан бирга кофирларга қарши) урушган кишилар (Макка фатҳидан кейин инфоқ-эҳсон қилган ва урушган кишилар билан) баробар бўлмас. Улар кейин инфоқ-эҳсон қилган ва урушган кишилардан улуғроқ мартабададирлар. Барчаларига Аллоҳ гўзал (оқибат – жаннат) ваъда қилгандир. Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир» (Ҳадид, 10).

③ Бадр жанги иштирокчилари.

Бунинг далили – Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Ҳотиб ибн Абу Балтаъа разияллоҳу анҳунинг ҳикоясида Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳуга айтган гапларидир: «Ахир у Бадр (жанги) да иштирок этган-ку! Шояд Аллоҳ Бадр (жанги) иштирокчиларига боқиб: “Хоҳлаган ишларингизни қилаверинглар, мен сизларни мағфират қилдим”, деганини биларсиз?!»⁽⁸⁰⁾.

④ Розилик (ризвон) байъати иштирокчилари.

Аллоҳ таоло айтди:

﴿ لَقَدْ رَضِيَ اللَّهُ عَنِ الْمُؤْمِنِينَ إِذْ يُبَايِعُونَكَ تَحْتَ الشَّجَرَةِ فَعَلِمَ مَا فِي قُلُوبِهِمْ فَأَنْزَلَ السَّكِينَةَ عَلَيْهِمْ وَأَثَابَهُمْ فَتْحًا قَرِيبًا ﴾

«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), дарҳақиқат, Аллоҳ мўминлардан – улар дарахт остида сизга байъат қилаётган

(80) Муттафақун алайҳ: Имом Бухорий (№ 3007) ва Имом Муслим (№ 2494)нинг Али разияллоҳу анҳудан ривояти.

вақтларида – рози бўлди. Бас, У зот уларнинг дилларидаги нарса (садоқат ва вафо)ни билиб, уларга сакинат-ором туширди ва уларни (Хайбар жангида эришиладиган) яқин ғалаба ... билан мукофотлади» (Фатҳ, 18).

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар:

«Иншааллоҳ, дарахт атрофидаги – дарахт тагида байъат қилган биронкимсажаҳаннамгакирмайди»⁽⁸¹⁾.

Хусусий афзалликлар:

① **Тўрт хулафои рошидин.**

Аҳли суннат ва жамоат ижмоси билан, Ислом умматининг Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан кейинги энг афзаллари Абу Бакр разияллоҳу анҳу, ундан кейин Умар разияллоҳу анҳудир. Саксондан ошиқ мутавотир – ўта ишончли ривоятлар буни тасдиқлайди. Али разияллоҳу анҳу Кўфада минбарга чиқиб: **«Бу умматнинг пайғамбаридан кейинги энг афзали – Абу Бакр, сўнгра Умар (разияллоҳу анҳумо)дир»**, деди. (Буни Имом Аҳмад ва Ибн Абу Осимлар ишончли санад билан ривоят қилган бўлсалар, шайх Носируддин Албоний бу осорни саҳиҳ деган⁽⁸²⁾). Али разияллоҳу анҳунинг аниқ маълумоти бўлмаса, бу гапни гапирмас эди.

У икковлондан кейин фазилатда Усмон разияллоҳу анҳу келади. Бунинг далили Имом Бухорий раҳимаҳуллоҳнинг Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳумодан нақл қилган ушбу осордир: **«Биз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам замонида одамларни танлаб олар эдик. Шунинг учун (аввало) Абу Бакрни, (сўнгра) Умарни, (сўнгра эса) Усмон разияллоҳу анҳумларни танлар эдик»⁽⁸³⁾**. Бошқа бир ривоятда: **«Бундай қилишимиз(нинг хабари) Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам етиб борса-да, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу (танловимиз)ни рад қилмас эдилар»⁽⁸⁴⁾.**

(81) Имом Муслим раҳимаҳуллоҳнинг Умму Мубашшир разияллоҳу анҳодан қилган ривояти (№ 2496).

(82) Имом Аҳмад ривояти (№ 836), Ибну Абу Осим «Сунна»да нақл қилди (шайх Носируддин Албоний тадқиқи) (№ 1201).

(83) Имом Бухорий раҳимаҳуллоҳ ривояти (№ 3655).

(84) Ибн Абу Осим «Суннаҳ», шайх Носируддин Албоний таҳрижи (№ 1193).

Суфён Саврий раҳимахуллоҳ: **«Ким Алини Абу Бакр ва Умардан муқаддам қўйса, муҳожир ва ансорлар(нинг қадри)ни камситган бўлади»** – деди⁽⁸⁵⁾. Чунки саҳобалар, халифа тайинлар эканлар, Усмон разияллоҳу анҳуни Али разияллоҳу анҳудан муқаддам кўришган. Ундан кейингина Али разияллоҳу анҳу келади. Бу тўртовлоннинг фазилатдаги тартиблари, халифаликдаги тартиблари кабидир.

② Жаннат билан муждаланганлар.

Улар – тўрт халифа, Абдурраҳмон ибн Авф, Саъд ибн Абу Ваққос, Талҳа ибн Убайдуллоҳ, Зубайр ибн Аввом, Абу Убайда Омир ибн Жарроҳ, Саид ибн Зайд разияллоҳу анҳумлардир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ўн кишини жаннат билан муждаладилар. Бу хабарни бешовлон ривоят қилдилар⁽⁸⁶⁾ ва бу хабар саҳиҳ–ишончлидир.

Шунингдек, улардан бошқа яна Билол ибн Рабоҳ⁽⁸⁷⁾, Собит ибн Қайс⁽⁸⁸⁾, Абдуллоҳ ибн Салом⁽⁸⁹⁾ разияллоҳу анҳумлар ҳам ҳадисларда айтиб ўтилган. Аллоҳ уларнинг барчасидан рози бўлсин!

③ Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хонадони – аҳли байтлари.

Улар бешта уруф: Али, Жаъфар, Ақил, Аббос ва Ҳорис ибн Абдулмутталиб хонадонлари бўлиб, уларнинг садақа олишлари ҳаромдир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар:

-
- (85) Ибн Абу Муъин раҳимахуллоҳ «Тарих» китобида Ибн Миҳразнинг ривояти билан келтирди (№ 885), Халлол раҳимахуллоҳ «Суннаҳ» (№ 528), Хатиб Бағдодий раҳимахуллоҳ «Таъриху Бағдод» (5/50) китобида қуйидаги лафз билан келтирди: **«Ким Алини Усмондан муқаддам қўйса, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам рози бўлиб оламдан ўтган ва Усмоннинг байъатига рози бўлишган ўн икки минг саҳобани камситган бўлади»**.
- (86) Имом Аҳмад (№ 1675), Термизий (№ 3747), Насоий «ас-Сунан ал-Кубро»да Абдурраҳмон ибн Авф разияллоҳу анҳунинг ўн кишини зикр қилганини нақл қилди. Имом Аҳмад (№1631), Абу Довуд (№ 4649), Термизий (№ 3748), Насоий «ас-Сунан ал-Кубро» (№ 8162), Ибн Можа (№ 133) Саид ибн Зайд разияллоҳу анҳунинг ривоятини тўққиз кишининг исми билан келтирдилар.
- (87) Имом Бухорий (№ 1149) ва Имом Муслим (№ 2458) раҳимахумаллоҳлар Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳунинг ривоятини, Имом Муслим раҳимахуллоҳ (2457) Жобир разияллоҳу анҳунинг ривоятини келтиришган.
- (88) Имом Бухорий (№ 3613) ва Имом Муслим (№ 119) раҳимахумаллоҳлар Анас разияллоҳу анҳунинг ривоятини келтиришди.
- (89) Имом Бухорий (№ 3812) ва Имом Муслим (№ 2483) раҳимахумаллоҳлар Саъд ибн Абу Ваққос разияллоҳу анҳунинг ривоятини нақл қилишди.

«Аллоҳ азза ва жалла Исмоил алайҳиссалом зурриётидан Кинонани, Кинонадан Қурайшни, Қурайшдан Ҳошим бўйини, Ҳошим бўйидан эса мени танлаб олди»⁽⁹⁰⁾;

«Аҳли байтим(га муомала қилиш) ҳақида сизларга Аллоҳ(дан қўрқиш)ни эслатаман! Аҳли байтим(га муомала қилиш) ҳақида сизларга Аллоҳ(дан қўрқиш)ни эслатаман!»⁽⁹¹⁾.

Аббос ибн Абдулмутталиб разияллоҳу анҳу айрим қурайшликлар Ҳошим уруғига зуғум қилаётгани ҳақида шикоят қилганида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Аллоҳ номига онт ичиб айтаманки, сизларни Аллоҳ учун ва сизларга қариндош бўлганим учун суймас экан, мўминнинг қалбига иймон кирмайди!»** – дедилар⁽⁹²⁾.

Пайғамбаримизнинг муҳтарама завжалари ҳам – Пайғамбаримизнинг аҳли байтлари ҳисобланадилар, уларнинг барчасига Аллоҳнинг салавоту саломлари бўлсин. Аллоҳ таоло айтди:

﴿ إِنَّمَا يُرِيدُ اللَّهُ لِيُذْهِبَ عَنْكُمُ الرِّجْسَ أَهْلَ الْبَيْتِ وَيُطَهِّرَكُمْ تَطْهِيرًا ﴾

«(Эй пайғамбар) хонадонининг аҳли, Аллоҳ сизлардан гуноҳни кетказишни ва сизларни бутунлай поклашни истайди холос» (Аҳзоб, 33).

Аллоҳ таоло ўз Пайғамбари соллаллоҳу алайҳи ва саллам учун рафиқаларни танлаб, уларни унинг дунё ва охирадаги завжалари қилиб, “мўминларнинг оналари” деб атади. Улар ичидаги энг афзали Ҳадича ва Абу Бакр қизи Оиша разияллоҳу анҳумолардир. Қолганлари эса – Савда Зумъа қизи, Ҳафса Умар қизи, Умму Салама, Абу Суфён қизи Умму Ҳабиба, Ҳуйай қизи Зайнаб, Жувайрия, Маймуна ва Ҳузайма қизи Зайнабдир. Аллоҳ уларнинг барчасидан рози бўлсин.

Даражалари ва синфлари қандай бўлса ҳам, саҳобаларга нисбатан муслмонлар зиммасидаги вазифалар.

Биринчи: саҳобаларни ёлғиз бўлсинлар, кўпчилик бўлсинлар суюш, дўст тутиш, улар учун Аллоҳ таолодан розилик ва истиффор сўраш, уларни мақташ.

(90) Имом Муслим раҳимаҳуллоҳнинг Восила ибн Ашқаъ разияллоҳу анҳудан ривояти (№ 2276).

(91) Имом Муслим раҳимаҳуллоҳнинг Зайд ибн Арқам разияллоҳу анҳудан ривояти (№ 2408).

(92) Имом Аҳмад раҳимаҳуллоҳнинг Аббос ибн Абдулмутталиб разияллоҳу анҳудан ривояти (№ 1777).

Аллоҳ таоло айтди:

﴿وَالْمُؤْمِنُونَ وَالْمُؤْمِنَاتُ بَعْضُهُمْ أَوْلِيَاءُ بَعْضٍ﴾

«Мўмин ва мўминалар бир-бирларига дўстдирлар» (Тавба, 71);

﴿وَالَّذِينَ جَاءُوا مِنْ بَعْدِهِمْ يَقُولُونَ رَبَّنَا اغْفِرْ لَنَا وَلِإِخْوَانِنَا الَّذِينَ سَبَقُونَا بِالْإِيمَانِ﴾

«Улардан кейин (дунёга) келган зотлар айтурлар: «Парвардигоро, Ўзинг бизларни ва бизлардан илгари иймон билан ўтган зотларни мағфират қилгин ва қалбларимизда иймон келтирган зотлар учун бирон ғилли-ғаш қилмагин»» (Ҳашр, 10).

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар:

«Иймоннинг аломати – ансорларни севиш, мунофиқлик аломати – ансорлардан нафратланишдир»⁽⁹³⁾.

Али ибн Абу Толиб разияллоҳу анҳу айтди:

«Донни ёрган ва шамолни яратган Зотга қасам ичиб айтаманки, уммий Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга: «Мени фақатгина мўмин суюши, мендан фақатгина мунофиқ нафратланишини» айтганлар»⁽⁹⁴⁾.

Иккинчи: қалбни саҳобаларга нисбатан ғилли ғиш ва ёмон гумонлардан, тилни эса ҳақорат ва сўкинишлардан сақлаш.

Аллоҳ таоло айтди:

﴿وَلَا تَجْعَلْ فِي قُلُوبِنَا غِلًّا لِلَّذِينَ آمَنُوا رَبَّنَا إِنَّكَ رَءُوفٌ رَحِيمٌ﴾

«қалбларимизда иймон келтирган зотлар учун бирон ғилли-ғаш қилмагин. Парвардигоро, албатта Сен меҳрибон ва раҳмлидирсан» (Ҳашр, 10).

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар:

«Асҳобларимни ҳақорат қилманглар (сўкманглар)! Жоним кўлида бўлган Зотга қасам ичиб айтаманки, агар бировингиз Уҳуд тоғи қадар тиллони сарф қилсангиз, у уларнинг бир ҳовуч ёки ярим ҳовуч (инфоқи)ига ҳам тенг келмайди»⁽⁹⁵⁾.

Учинчи: саҳобалар ўртасида бўлиб ўтган келишмовчиликлар ҳақида

(93) Имом Бухорий раҳимахуллоҳнинг Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан ривояти (№ 17).

(94) Имом Муслим раҳимахуллоҳ ривояти (№ 78).

(95) Муттафақун алайҳ. Имом Бухорий (№ 3673) ва Имом Муслим (№ 2540) раҳимахумаллоҳларнинг Абу Саид Худрий разияллоҳу анҳудан ривояти.

оғиз очмаслик, улар ҳақида яхши гумонда бўлиш, келишмовчиликлари учун уларнинг ижтиҳод қилган эканликларини сабаб қилиб кўрсатиш, шунинг учун улар ё тўғри ижтиҳод қилиб икки савоб, хато ижтиҳод қилиб битта савоб олганликларини айтиш. Агар улардан биронта гуноҳ содир бўлган бўлса, уларнинг гуноҳларини мағфират қилишга лойиқ бўлган мақтовлари, улкан ҳасанотлари борлигини тилга олиш.

Тўртинчи: аҳли байт ҳақида ғулув кетган, барча саҳобаларни ҳақорат қилиб сўкадиган рофизалар, аҳли байтга озор бериб зулм қиладиган носибалар йўлидан безор бўлиш.





Авлиёлар

Мўминларнинг барчаси Аллоҳнинг самимий дўстлари – авлиёларидир:

﴿ اللَّهُ وَلِيُّ الَّذِينَ آمَنُوا ﴾

«Аллоҳ мўминларнинг дўстидир» (Бақара, 257).

Мўминларнинг Аллоҳ даргоҳидаги энг ҳурматлироғи эса тақводорларидир:

﴿ إِنَّ أَكْرَمَكُمْ عِنْدَ اللَّهِ اتَّقَاهُ ﴾

«Аллоҳ ҳузуридаги энг ҳурматлироғингиз – тақводорроғингиздир» (Ҳужурот, 13).

Банда Аллоҳ таолодан қанчалар кўп кўрқса, Аллоҳнинг авлиёси бўлади. Аллоҳга бўлган самимий дўстлик Аллоҳга қилинган тоат-ибодат ва Аллоҳни суюш билан бўлса, Аллоҳнинг бандаларга бўлган самимияти уларни суюш ва уларга эҳсонлар қилиш билан бўлади.

① **Валий – авлиё.**

Валий–авлиё – ҳар бир тақволи мўминдир. Аллоҳ таоло айтди:

﴿ أَلَا إِنَّ أَوْلِيَاءَ اللَّهِ لَا خَوْفَ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ • الَّذِينَ آمَنُوا وَكَانُوا يَتَّقُونَ ﴾

«Огоҳ бўлингизким, албатта Аллоҳнинг дўстларига (охиратда) бирон хавф-хатар йўқдир ва улар ғамгин бўлмайдилар. Иймон келтирган ва (Аллоҳдан) кўрқувчи бўлган зотлар учун ҳаёти дунёда ҳам, охиратда ҳам хушxabар бордир» (Юнус, 62 – 63).

Авлиёлардаги мақомлар наслу насаб ва иддаолар билан эмас, балки иймон ва тақводаги даражаларига қараб бўлади. Аллоҳ таоло айтди:

﴿ إِنَّ أَكْرَمَكُمْ عِنْدَ اللَّهِ اتَّقَاهُ إِنَّ اللَّهَ عَلِيمٌ خَبِيرٌ ﴾

«Албатта сизларнинг Аллоҳ наздидаги энг ҳурматлироғингиз тақводорроғингиздир. Албатта Аллоҳ билгувчи ва огоҳдир» (Ҳужурот, 13).

② **Каромат.**

Каромат – Аллоҳ таоло авлиёларининг бирида унга нисбатан эҳтиром ҳамда эргашган пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи

ва салламни тасдиқлаш учун жорий қилган ғайри оддий ишдир. У икки турлидир:

Биринчиси: каромат – билим, кашфиёт, фаросат ва илҳомларда бўлади.

Иккинчиси: каромат – куч-қудрат ва таъсир этишда бўлади.

Каромат қадимги умматларда бўлгани каби бу умматнинг илк асрларида яшаган саҳоба ва тобеинлар ҳаётида ҳам бўлган ва Қиёмат кунигача давом этаверади.





Далил ва ҳужжатларни келтиришда кенг қамровли асослар (манбалар)

Эътиқод, шариат ва сулук олинадиган манбалар учта бўлиб, улар – Қуръони карим, соғлом суннат ва мустаҳкам ижмоъдир. Бу уч манбага бирон фикр ёки қиёс (муқояса) ёки кашфиёт ёхуд бирон гап билан қарши чиқиш ҳаромдир.

Қуръон ва суннатни таниш йўли – ўтмишда яшаб ўтган муҳожир унсурлар, уларга яхшилик билан эргашган – тобиинлар йўли, ҳамда каломчилар ва сўфилар ўйлаб топган янги–бидъат йўлдан воз кечишдир.

Аллоҳ таоло айтди:

﴿ وَمَنْ يُشَاقِقِ الرَّسُولَ مِنْ بَعْدِ مَا تَبَيَّنَ لَهُ الْهُدَىٰ وَيَتَّبِعْ غَيْرَ سَبِيلِ الْمُؤْمِنِينَ نُوَلِّهِ مَا تَوَلَّىٰ وَنُصَلِّهِ جَهَنَّمَ وَسَاءَتْ مَصِيرًا ﴾

«Ким ҳақ йўлни аниқ билганидан кейин пайғамбарга хилоф иш қилса ва мўминларнинг йўлларида бошқа йўлга эргашиб кетса, биз уни кетганича қўйиб берамиз. Сўнгра жаҳаннамга дохил қиламиз. Нақадар ёмон жойдир у!» (Нисо, 15).

Соғлом, шубҳа ва шаҳват–мойилликлардан узоқ ақл, оғир иллатлардан холи бўлган ишончли нақлга қарши келмайди. Ҳатто гоҳида, ваҳийлар, ақлларни ҳайратга соладиган нарсаларни олиб келсада, ақллар илғай олмайдиган нарсаларни олиб келиши маҳолдир. Агар ақл ва нақл ўртасида зиддият бор деб тушунадиган одам бўлса, бундай тушунча унинг ақлидаги фасод сабаблидир. Бундай пайтда, у нақлни ақлдан муқаддам қўйиши керак бўлади.

Бидъат – дин номи билан чиқарилган, бироқ динда бўлмаган янгиликдир. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар:

«Ким бизнинг динимизда динимизда бўлмаган янгиликни чиқарса, у (чиқарган) нарса(си) ўзига қайтарилгандир»⁽⁹⁶⁾⁽⁹⁷⁾.

Имом Муслим ва Имом Бухорий раҳимахуллоҳларнинг «Саҳиҳ» китобларида илова қилинган шу ривоят ҳам бор: **«Бизнинг ишимиз бўлмаган амални қилган одамнинг бу (амали) ўзига қайтарилгандир»⁽⁹⁸⁾.**

(96) Муттафақун алайҳ: Имом Бухорий (№ 2697) ва Имом Муслим (№ 1718) ларнинг Оиша разияллоҳу анҳодан ривояти.

(97) Яъни, бидъат асосида қилинган ибодатни Аллоҳ таоло қабул қилмайди, балки бидъат банданинг ўзида қолиб, савоб ўрнига гуноҳи азим ёзилади (*Тарж.*).

(98) Имом Бухорий раҳимахуллоҳ ушбу ҳадиси (№ 2142) ва (№ 7350)

Бидъат бир неча турлидир:

1 – Эътиқодий бидъат. Масалан, шиалик, хаворижлик, қадарийлик ва муржиъалик.

2 – Амалий бидъат. Масалан, роҳиблик, тариқатчилик.

3 – Динда асоси бўлган нарсалар ҳақида ўйлаб топилган бидъат. Масалан, мавлудхонлик ва янги ўйлаб чиқарилган зикрлар.

4 – Динда асоси мавжуд бўлган нарсаларга қўшимча бидъат. Бу бидъатлар, ибодатга – ибодатнинг сабаблари, жинси, миқдори, шакли, замони ёки маконига қўшилади.

5 – Оғир (қўпол) бидъат. Масалан, Аллоҳ таолога ширк келтириш турлари.

6 – Енгил бидъат. Масалан, тўпланиб зикр қилиш.

7 – Куфрга олиб борувчи бидъат. Масалан, Аллоҳ таолонинг сифатларини инкор қилиш.

8 – Фисқу фужурга олиб борувчи бидъат. Масалан, ҳаром бўлган нарсаларни тинглаш.





Эътиқодни мустаҳкамлайдиган нарсалар

① Амру маъруф, наҳий мункар.

Аллоҳ таоло айтди:

﴿وَلْتَكُنْ مِنْكُمْ أُمَّةٌ يَدْعُونَ إِلَى الْخَيْرِ وَيَأْمُرُونَ بِالْمَعْرُوفِ وَيَنْهَوْنَ عَنِ الْمُنْكَرِ وَأُولَئِكَ هُمُ الْمُفْلِحُونَ﴾

«Ораларингиздан яхшиликка (Исломга) даъват қиладиган, ибодат-итоатга буюрадиган ва исён-гуноҳдан қайтарадиган бир жамоат бўлсин. Ана ўшалар нажот топгувчилардир» (Оли Имрон, 104).

Абу Саид Худрий разияллоҳу анҳу Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини нақл қилди:

«Ичингиздан ким мункар (гуноҳ)ни кўрса, уни қўли билан ўзгартирсин! Агар (қўли билан ўзгартиришга) қодир бўлмаса, тили билан (ўзгартирсин)! Агар (тили билан ўзгартиришга) қодир бўлмаса, дили билан ўзгартирсин! Бироқ бу (дили билан ўзгартириш), иймоннинг энг заифи(га далолат)дир»⁽⁹⁹⁾.

Амру маъруф ва наҳий мункардан илгари билим олиш, даъват асносида мулойим, даъватдан сўнгра эса бардошли бўлиш лозим.

② Бирлик ва ҳамкорлик учун тиришиш ва тарқоқлик ва ихтилофдан воз кечиш.

Аллоҳ таоло айтди:

﴿وَاعْتَصِمُوا بِحَبْلِ اللَّهِ جَمِيعًا وَلَا تَفَرَّقُوا وَاذْكُرُوا نِعْمَتَ اللَّهِ عَلَيْكُمْ إِذْ كُنْتُمْ أَعْدَاءً فَأَلَّفَ بَيْنَ قُلُوبِكُمْ فَأَصْبَحْتُمْ بِنِعْمَتِهِ إِخْوَانًا وَكُنْتُمْ عَلَىٰ شَفَا حُفْرَةٍ مِنَ النَّارِ فَأَنْقَذَكُمْ مِنْهَا كَذَلِكَ يُبَيِّنُ اللَّهُ لَكُمْ آيَاتِهِ لَعَلَّكُمْ تَهْتَدُونَ • وَلْتَكُنْ مِنْكُمْ أُمَّةٌ يَدْعُونَ إِلَى الْخَيْرِ وَيَأْمُرُونَ بِالْمَعْرُوفِ وَيَنْهَوْنَ عَنِ الْمُنْكَرِ وَأُولَئِكَ هُمُ الْمُفْلِحُونَ • وَلَا تَكُونُوا كَالَّذِينَ تَفَرَّقُوا وَاخْتَلَفُوا مِنْ بَعْدِ مَا جَاءَهُمُ الْبَيِّنَاتُ وَأُولَئِكَ لَهُمْ عَذَابٌ عَظِيمٌ﴾

«Ва барчангиз Аллоҳнинг арқонига (Қуръонга) боғлангиз ва бўлинмангиз! Ҳамда Аллоҳнинг сизларга берган неъматини эсланг: бир-бирингизга душман бўлган пайтларингизда дилларингизни ошно қилиб қўйди-ю, сизлар Унинг неъматини сабаб биродарларга айландингиз. Ва дўзах чоҳининг ёқасида турган эдингиз, сизларни ундан халос қилди. Ҳақ йўлни топишингиз учун Аллоҳ сизларга ўз

(99) Имом Муслим ривояти (№ 49).

оятларини мана шундай баён қилади. Ораларингиздан яхшиликка (Исломга) даъват қиладиган, ибодат-итоатга буюрадиган ва исён-гуноҳдан қайтарадиган бир жамоат бўлсин. Ана ўшалар нажот топгувчилардир. Аниқ ҳужжатлар келганидан кейин бўлиниб кетган ва бир-бирлари билан ихтилоф қилиб, талашиб-тортишган кимсалар каби бўлмангиз! Ана ундайлар учун улуғ азоб бордир» (Оли Имрон, 103 – 105);

﴿ أَنْ أَقِيمُوا الدِّينَ وَلَا تَتَفَرَّقُوا فِيهِ ﴾

«Динни барпо қилинглар ва унда фирқа-фирқа бўлиб бўлинманглар!» (Шўро, 13).

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мўмин мўминга нисбатан бир-бирини тутиб турган бинога ўхшайди» – дедилар ва бармоқларини бир-бирига кириштирдилар⁽¹⁰⁰⁾.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мўминларнинг бир-бирларига бўлган дўстликлари, шафқатлари ва ҳамдардликларининг мисоли, бирон аъзоси касал бўлиб қолса бошқа аъзолари унга бедорлик ва иситмада оғриб шикоят қилган тананинг мисолига ўхшайди» – дедилар⁽¹⁰¹⁾.

③ Гўзал ахлоқ ва солиҳ амаллар.

Масалан, сабру бардошлик, саховатпешалик, ёвқурлик, жасурлик, юмшоқлик, кечирувчанлик, камтарлик, ота-онага ғамхўрлик, қариндош уруғ билан борди-келди қилиш, чиройли қўшничилик, етимлар, бечоралар ва мусофирларга яхшилик қилиш ва бу ҳулқларнинг зидларидан узоқ туриш.

Аллоҳ таоло айтди:

﴿ خُذِ الْعَفْوَ وَأْمُرْ بِالْعُرْفِ وَأَعْرِضْ عَنِ الْجَاهِلِينَ ﴾

«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), марҳаматли бўлинг, яхшиликка буюринг ва жоҳиллардан юз ўгининг!» (Аъроф, 199).

Абу Дардоъ разияллоҳу анҳу Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг

(100) Муттафақун алайҳ: Имом Бухорий (№ 2446) ва Имом Муслим (№ 2585) лар Абу Мусо разияллоҳу анҳудан нақл қилдилар. Ҳадис лафзи Имом Бухорийникидир.

(101) Имом Муслим раҳимаҳуллоҳнинг Нўъмон ибн Башир разияллоҳу анҳудан ривояти (№ 2586).

«Тарозида гўзал ахлоқдек оғирроқ бўлган бошқа нарса (амал) йўқ» деганларини ривоят қилди⁽¹⁰²⁾.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ушбу ҳадисни ривоят қилди:

«Ким бир мўминдан дунё оғирликларидан бирини енгиллаштира, Аллоҳ ундан Қиёмат кунининг машаққатларидан бирини енгиллаштиради. Ким қийналган одамга ёрдам қилса, Аллоҳ унга дунё ва охиратда енгиллик беради. Ким бир мусулмоннинг (айбини) бекитса, Аллоҳ унинг дунё ва охиратдаги (айбини) бекитади. Модомики, банда биродарига кўмак берар экан, Аллоҳ унга ёрдам бераверади. Ким илм излаб бир йўлга тушар экан, Аллоҳ унга жаннат сари йўлни енгил қилиб қўяди. Бир қавм Аллоҳнинг уйлари (масжидлар)да тўпланиб Аллоҳнинг Китобини тиловат қилар ва ўзаро ўрганишар экан, устларидан хотиржамлик ёғилади, уларни раҳмат ва фаришталар ўраб олади ва Аллоҳ уларни ҳузуридаги зотлар ичида зикр қилади. Кимнинг амали кечикса, наслу насаби уни тезлата олмайди»⁽¹⁰³⁾.



(102) Абу Довуд (№ 4799) ва Термизий (№ 2002, 2003) ривоятлари. Ҳадис лафзи Абу Довуд раҳимаҳуллоҳники. Термизий ривоятида ҳадисдан сўнгра ушбу қўшимча бор: «Гўзал ахлоқли киши ўз ахлоқи билан рўзадор ва намозхоннинг мақомига эришади».

(103) Имом Муслим ривояти (№ 2699).



Дин ва тариқат

Аллоҳ таолонинг дини ягона – Ислом бўлиб, бу ҳақида Аллоҳ таоло шундай деган:

Аллоҳ таоло айтди:

﴿ إِنَّ الدِّينَ عِنْدَ اللَّهِ الْإِسْلَامُ ﴾

«Аллоҳ даргоҳидаги дин – Исломдир» (Оли Имрон, 19).

Ислом – Аллоҳ таолонинг аввалгилару охиргилар учун юборган динидир. Аллоҳ таоло айтди:

﴿ إِنَّا أَنْزَلْنَا التَّوْرَةَ فِيهَا هُدًى وَنُورٌ يَحْكُمُ بِهَا النَّبِيُّونَ الَّذِينَ أَسْلَمُوا ﴾

«Албатта, Биз Тавротни ҳидоят ва нурни ўз ичига олган ҳолда нозил қилганмиз. Аллоҳга бўйинсунувчи бўлган пайғамбарлар, **илоҳий билим эгалари ва донишмандлар ўзларига Аллоҳнинг китоби омонат қўйилгани сабабли яҳудийларга у** (яъни, Таврот ҳукмлари) билан ҳукм қиладилар» (Моида, 44).

Бу умумий маъно – Аллоҳ таолога яккахудолик таълимоти билан таслим бўлиш, тоату ибодат билан бўйинсуниш ва ширкдан безор бўлиш билан Ислом, демакдир.

Аммо хусусий маъно билан эса, Ислом – Аллоҳ таоло Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга юборган ҳидоят ва соғлом эътиқод, адолатли шариат, солиҳ амаллар, гўзал ахлоқлардан иборат ҳамда Аллоҳ аввалги динларни бекор қилган ва шунигина қабул қиладиган Исломдир.

Аллоҳ таоло айтди:

﴿ وَمَنْ يَبْتَغِ غَيْرَ الْإِسْلَامِ دِينًا فَلَنْ يُقْبَلَ مِنْهُ وَهُوَ فِي الْآخِرَةِ مِنَ الْخَاسِرِينَ ﴾

«Кимда-ким Исломдан ўзга дин истаса, бас, (унинг «дини» Аллоҳ ҳузурида) ҳаргиз қабул қилинмайди ва у охиратда зиён кўргувчилардандир» (Оли Имрон, 85).

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар:

«Жоним қўлида бўлган Зотга қасам ичиб айтаманки, бу уммат ичидаги яҳудий ва насроний бўлган кимса мени эшитиб, мен билан бирга юборилган нарсага иймон келтирмаса, жаҳаннам аҳлидан бўлади»⁽¹⁰⁴⁾.

(104) Имом Муслим раҳимахуллоҳ Абу Хурайра разияллоҳу анхудан нақл қилди (№ 153).

Аллоҳ таоло олдин яшаб ўтган яхши одамларни «муслмонлар» деб атади:

﴿مَلَّةٌ أَيْبِكُمْ إِبْرَاهِيمَ هُوَ سَمَّاكُمُ الْمُسْلِمِينَ﴾

«Оталарингиз Иброҳимнинг динини (яъни, Исломни) ушлангиз. Токи (қиёмат кунида) пайғамбар сизларнинг устингизда гувоҳ бўлиши учун, сизлар эса (барча динлардаги) одамлар устида гувоҳ бўлишингиз учун (Аллоҳнинг) Ўзи сизларни илгари(ги муқаддас китобларида) ҳам мана шу (Қуръонда) ҳам **муслмонлар** (яъни, Ўзининг динига бўйинсунувчилар) **деб атади»** (Ҳаж, 78). Бироқ Аллоҳнинг бандалари устидаги қонун – суннатлари жорий бўлгач, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қуйидаги ҳадисларида уқтирганларидек, одамлар ихтилофларга берилиб, тарқоқ бўлиб кетдилар:

«Шуни ёдингиздан чиқармангизларки, сизлардан аввал яшаб ўтган китоб аҳллари етмиш икки гуруҳга бўлиниб кетди. Бу миллат эса етмиш уч гуруҳга бўлинади. (Булардан) етмиш икки гуруҳи жаҳаннамда, битта (гуруҳи)гина жаннатдадир. У ҳам бўлса – жамоатдир!»⁽¹⁰⁵⁾.

Бу нажот топган гуруҳ – Қуръонга маҳкам ёпишган, суннатга эргашган, шубҳа, нафсу ҳаво ва бидъатлардан нари юрадиган аҳли суннат ва жамоатдир. Улар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам таърифлаган ғолиб гуруҳдир: **«Менинг умматим ичидан бир гуруҳ доимо Аллоҳнинг амри билан давом этади ва улар устивор турар эканлар уларга на кўмак бермаганлар ва ва на муҳолиф бўлганлар зарар бера олади. Улар одамлар устидан ғолиб бўлиб турадилар»**⁽¹⁰⁶⁾.

Аҳли суннат ва жамоат – икки тараф ўртасида мўтадиллик, икки оғиш ўртасида тўғрилиқ ва икки залолат ўртасида ҳидоят, демакдир. Аҳли суннат ва жамоат юрган йўл:

А. Аллоҳнинг сифатларини махлуқлар сифатига ўхшатовчи мушаббихалар ва Аллоҳнинг исм ва сифатларини бекор қилувчи муъаттилалар ўртасидаги;

(105) Муовия ибн Абу Суфён разияллоҳу анҳу ривояти: Имом Аҳмад (№16937), Абу Довуд (№ 4597).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривояти: Термизий (№ 2640), Ибн Можа (№ 3991).

Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳумо ривояти: Термизий (№ 2641).

Авф ибн Молик разияллоҳу анҳу ривояти: Ибн Можа (№ 3993).

(106) Муовия разияллоҳу анҳу ривояти: Имом Бухорий (№ 3641), Имом Муслим (№1037).

Б. Аллоҳнинг ишлари ҳақидаги қадарий ва жабрийлар ўртасидаги;

В. Аллоҳнинг жазолари, иймон ва дин исмлари бобида муржиъалар ва ваъдийлар ўртасидаги;

Г. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг асҳоблари бобида хавориж ва рофизалар ўртасидаги тўғри йўлдир.

Аҳли суннат ва жамоат ушбу муртадлиқ мазҳаблари ва залолат йўлларидан безор бўлиб, Аллоҳнинг ўзларига берган лутфлари – иймонни чиройли қилиб кўрсатгани, иймон билан қалбларини безагани, куфр, фиққ ва осийликни нафратли қилиб кўрсатгани учун севинадилар:

﴿ فَضْلاً مِنَ اللَّهِ وَنِعْمَةً وَاللَّهُ عَلِيمٌ حَكِيمٌ ﴾

«(Бу) Аллоҳ томонидан бўлган фазлу марҳамат ва неъматдир. Аллоҳ билим ва ҳикмат соҳибидир» (Ҳужурот, 8).

Аллоҳ таоло бандаси ва пайғамбари бўлган Муҳаммад ибн Абдуллоҳга ва унинг оиласи ҳамда барча асҳобларига салавоту саломлар ёғдирсин!

Муаллиф:

Доктор Аҳмад ибн Абдурахмон ибн Усмон Қозий

Китоб Унайза шаҳрида 15/ 02/ 1427 ҳижрий санасида ёзиб тугатилди.





Видение

Добиться международного лидерства в консолидации и распространении
исламских исследований.

Миссия

Содействовать служению религии ислама с помощью квалифицированных
кадров, с помощью умеренного и современного подхода.



+966 11 8236708



ca-sais@pnu.edu.sa



sais_pnu



مركز أصول
Osoul Center

www.osoulcenter.com



عرض تعريفى عن مركز أصول
ومجالاته وخدماته.. مشاهدة ممنوعة لك

osoulcenter    



+966504442532

www.osoulcenter.com